

Хатони ҳамма кўриши мумкин,
аммо уни қилмасликни ҳамма ҳам эплэй олмайди.

Амина
Менликўзли

Лўли

Ноҳақ
камситишлар
ва
ҳақоратлар
ҳатто
мушукни
ҳам
арслонга
айлантириши
мумкин.

ISBN 978-9943-20-900-8



9 789943 209008

*Мина
Менликүзели*



Лўли



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Турк)

III-22

Шенликўгли, Амина

Аўли: роман/ Амина Шенликўгли. Таржимонлар: Р.Жабборов, Д.Расулова. Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 232 б.

ISBN 978-9943-20-900-8

– Сенинг ҳаётинг ва ўзимнинг бошимдан ўтганларни умумлаштириб, битта роман ёзаман. Аммо ана шу курашчан феълнинг йўқолмаса, албатта. Агар сен курашдан тўхтасанг, мен ҳам фикримдан воз кечишим мумкин.

– Романингизни нима деб номлайсиз, устоз?

– «Аўли».

– Лекин бундай сарлавҳали романни ким ўқиркин? Аўли бўлмаганлар «Менга лўлидан нима наф?» деб ўгирилиб кетишади. Аўлиларнинг камдан-кам қисми китоб ўқийди. Чунки кўпчилиги ўқишни билмайди.

– Хавотир олма. Биз Аллоҳ йўлида қиламиз бу ишни. Аллоҳ истаса, албатта, ўқишади.

Таржимонлар:

Рустам ЖАББОРОВ, Дурдона РАСУЛОВА

ISBN 978-9943-20-900-8

© Амина Шенликўгли, «Аўли». «Янги аср авлоди», 2022 йил.

Эҳтиром ила

Азизим, ушбу китобни турли даврларда юз берган воқеа-ҳодисалардан таъсирланиб, қаламга олдим. Унга худди диссертация ёзишга киришган тадқиқотчининг ғайрати ва ҳаяжони ила киришдим.

Севишган ёшлар ҳамда Серпилнинг акасини асар бош қаҳрамони сифатида гавдалантирдим. Ўзим яшаган, ҳис қилган, эшитган ва кўрганларимни Серпил ва Само мисолида таҳлил қилдим, асрий қадриятларга назар ташладим.

Асрлар давомида бирор бир миллат лўлиларчалик эзилмаганини кўпчилигимиз яхши биламиз. Аммо шу пайтгача бу ҳолатнинг оддий томошабинимиз, холос. Айтишим мумкинки, китоб шахсий ҳаётимда одатий қарашлардан чекиниш томон илк қадамдир. Хулоса чиқаришни эса ҳар доимгидек, азиз ўқувчиларимга қолдираман.

Китобни ўқиган пайтингизда мен ҳаёт бўлсам ҳам, бу оламни тарк этган бўлсам ҳам, дуоларингиз ила эсга олишингиздан умидворман.

Азизларим, Аллоҳга омонатсиз!

Амина Шенликўгли

Бошқа бир Одам Ато йўқ.

ЛЎЛИ ИНСОН ЭМАСМИ?

Серпил билан Само – битта мактабда таҳсил олаётган дугоналар эдилар. Уларнинг иккови ҳам лўли фарзанди бўлишгани учун мактабда камситилади. Худди бошқа лўли болалар ёки миллий ва ирқий озчилик вакиллари сингари.

Самонинг отаси ўлган, Серпилники эса қамокда.

Самонинг онаси тинчгина уйида ўтириб, икки ўғлининг топганига қаноат қилади, Серпилнинг онаси эса фоҳишахонада ишловчи хотинларнинг болаларига қарайди, Серпил эса унга ёрдам беради.

Кичкина уйдаги боғчага қўшимча равишда Серпил ва акаларининг ўзи ҳам баъзида оналарининг тарбиясига эҳтиёж сезадилар. Жафокаш аёл умрининг энг катта зарбасига ўз ирқи туфайли дучор бўлган, аммо ўзи кўникиб қолган ожизлик билан, айбдорларни кўрмай, иши кўплигидан айбдорларни топишга вақти ҳам бўлмай, дунё карвонсаройида умр ўтказди.

Ҳикоямизни болалар дунёсидан бошласак.

Серпил кичик Хоқоннинг қўлидан тутганча, у билан гаплашиб, уйга қараб келарди.

Хоқон беш-олти ёшли зийрак бола, у дардини фақат Серпилга айтади. Ҳозир ҳам шундай қилади:

– Серпил опа! Аҳмаднинг отаси ҳеч алмашмайди, менинг отам эса тез-тез алмашиб туради? Онам нега янги ота олиб келаверади?

Серпил ёввойи дунёнинг талотўпларига ҳали ўрганмаган. Чунки у ҳам ҳали ёш. Ораларида бир неча ёш бор, холос. Бу маъсум болага қандай жавоб беришни ҳам билмай, гапни бурмоқчи бўлди:

– Хоқон, юр уйгача югуриб борамиз.

Хоқон қадамини секинлатди:

– Йўқ, мен югуришни истамайман! Сен менга жавоб бермадинг. Нега отам бунча тез алмашади? Менга янги оталарнинг кераги йўқ. Бошқа болаларнинг янги отаси йўқ-ку, нега бизники янгиланаверади?

Хоқоннинг отаси нима сабабли тез-тез алмашшини Серпил ҳам тушунмайди. Хоқон қоп-қора, ёшли кўзларини Серпилга тикиб, яна сўради:

– Серпил опа, мен ҳам ота бўламанми?

– Албатта, бўласан! Нега сўраяпсан?

Хоқон ҳазин овозда жавоб берди:

– Мен ота бўлсам, болаларимни янги отага ташлаб кетмайман. Уларни ташлаб қочмайман!

Серпил ҳам бу ҳолатни тушунолмасди, унинг ҳам бунақа ишларга ақли етмас, шу боис Хоқонни қаноатлантирадиган жавоб беролмасди. Қизиқ, аммо нима қизиқлигини унинг ўзи ҳам билолмасди.

Хоқон ва бошқа болаларга нима учун Серпилнинг онаси қараяпти? Нега Хоқоннинг онасини «кўча аёли» дейишади?

Серпил Хоқонга ва анави болаларга ачинарди. Уларнинг ўйинлари ҳам одамнинг ичини эзарди. Аммо сабаб нима, бу болаларни кимлар ранжитмоқда? Ана шуларни билолмасди. Унинг ўзини ҳам бахтли деб бўлмасди. Отаси муттасил қамокда, нима учун уни чиқариб юборишмаётганини ҳам билмайди. Шўрлик она елкасидаги, ўзидан бир неча бор оғир юк тагида тинимсиз, дам олмасдан, ҳузур топмасдан, кун кўрмасдан, ҳатто умидлари чилпарчин ҳолда ҳаракат қиларди.

Измирнинг Тепажик маҳалласи, Фойтунчилар кўчасида яшовчи Ўзкасаплар оиласининг энг кичкина қизи эди Серпил. Севимли дўстлари билан ўйнаганида, ўз дардларини ҳам унутарди. Серпилнинг дўстлари кўп эди. Уларнинг ҳаммасини яхши кўрар, аммо Самога меҳри бўлакча эди. Само бошқа маҳаллада яшар, аммо Серпил билан битта синфда ўқирди. Бошқа куни Самонинг оиласидан яширинча у билан ўйнай бошлаганида, бирдан миясига келган гапни тилга чиқарди:

– Биласанми, Зулайҳоларнинг кўчасида бир ҳожи зиёфат беряпти. Биз ҳам борайлик. Гўшти-ли овқатларга қорнимиз тўярди.

Само иккиланиб қолди. Умидсиз оҳангда сўради:

– Бизга ҳам беришармикин?

Серпил бунга шубҳа қилмасди: нега беришмас экан?

– Албатта, беришади. Ахир ҳожи улар, ҳожи! Ҳаммани меҳмон қилишади, бизни қуруқ қўйи-

шармиди? Яқинда ўлган ҳожи она эсингдами? У ҳар доим бизга овқат берарди. Юр, кеч қоламиз.

– Кетдик!

Икки дугона ҳожилар зиёфатига боришаркан, Серпил ич-ичидан тошиб чиқаётган қувонч ҳисларини шериги билан бўлишарди:

– Қандай яхши-я! Ҳожи бўлиб қайтибди. Пайғамбаримизни кўриб келгандир?

Само бунақа саволни кутмаганди.

– Билмасам, ҳожилар билади-да!

Серпил Пайғамбар алайҳиссаломни шу қадар севардики, ич-ичида ул зотга нисбатан қайноқ ҳисларни туярди. У ҳожилар зиёфатини худди Пайғамбарнинг ҳадяси деб биларди.

Шу тобда овози чиройли бўлгани сабабли азаллий орзусини эсламай ўтолмасди:

– Биласанми, Само, мен қўшиқчи бўламан, кўп пул йиғаман, кейин Ҳажга бораман.

Само таажжубланди:

– Қўшиқ айтиб Ҳажга борса бўларканми?

Исломий тушунчалари ғариб Серпил маҳзун тортди:

– Нега бориб бўлмас экан? Шу йўл билан кетмасам, бошқа йўлим йўқ! Мен уни кўришни, қўлларини ўпишни, қучоқлашни истайман.

*Қалбим соҳиби сенсан,
Унда фақат сен борсан,
Мен учун бир оламсан,
Борлигим, ҳаётимсан!*

Серпил бирдан тўхтади, қаердадир хато қилганини тушунди ва Самодан сўради:

– Ҳожиларникига кетяпмиз, зиёфатдаги таомларни еймиз. Диний нашидлар ўқишни билмай-миз-ку?

Болалар ана шундай суҳбат билан кўчада кетиб боришарди. Серпил шу пайтгача ёдида қолган қўшиқларни баланд овозда хиргойи қилар, ўзини жуда бахтиёр ҳис этарди. Тўхтаб Самога юзланди:

– Қани, энди сен ўқи!

Серпил сўзини тугатмай туриб, Само эътироз билдирди:

– Йўқ, ўзинг ўқийвер!

Серпил куйлай бошлади:

*Шул жаннатнинг ирмоқлари
Оқар «Аллоҳ», дея-дея,
Чиқмиш ислом булбуллари,
Ўтар «Аллоҳ», дея-дея.
Осилар Тубо шоҳлари,
Қуръон ўқир дудоқлари,
Жаннат богин чечаклари
Яшнар «Аллоҳ», дея-дея.*

Икки қизалоқ болаларча орзулари оғушида чопқиллаганча кетиб боришарди. Ниҳоят, ҳожилар зиёфат бераётган ҳовлига етиб келишди. Уйнинг олдида тумонат одам. Кимдир ичкарига кираётир, кимдир овқатланиб ортига қайтмоқда. Серпил билан Само ҳам бир четда туриб, таклиф қилишларини кута бошлашди.

Серпил бир неча ҳафтадирки, гўшт емаганди. Қизиқсиниб сўради:

– Бизни таклиф қилишармикин?

Само ишонч билан жавоб берди:

– Албатта, чақиришади, ўзинг боя айтдинг-ку?

Шу пайт эшикдан кексароқ аёл кўринди. Меҳмонларни эҳтиром ва ғурур ила ичкарига бошлади. Баъзилар ҳожиликни манманлик белгиси сифатида кўрадилар. Аммо бундан беҳабар икки бола бурчакда мунғайиб туришаркан, кекса аёл меҳмонларни кутиб олиш билан овора эди.

– Қани, келинлар, марҳамат, Байтуллоҳни кўрган кўзларга сиз ҳам бир бор тикилиб, зиёфатимиздан баҳраманд бўлинг.

Болалар ҳамон бир четда қимтиниб таклиф кутишарди. Аёл меҳмонларни ичкарига олгач, эшикни ёпди. Болалар бир-бирига термилиб қолишди. Серпил дугонасига қараб пичирлади:

– Бу хотин бизни кўрмади. Кел, эшикнинг олдига бориб турамиз.

Само ҳам шуни ўйлаб турганди.

– Тўғри, бу ерда бизни кўрмади, шекилли.

Дарҳол ўрниларидан туриб, ҳожи холанинг кўзи тушадиган жойга ўтишди. Бир соатча кутсалар ҳамки, уларга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳаво совуқ, музлаб қолишганди.

– Бирорта ҳовлига кирсак, – деди Серпил ва ўша заҳоти фикридан воз кечди. – Йўқ, нима деймиз? Бизга овқат беринг, оч қолдик, деймизми? Бўлмайди, онам эшитиб қолса, хафа бўлади.

Шу пайт эшик очилиб, яна ҳожи хола кўринди. Кимдир келдимикин, деб ўнг-сўлига қаради. Бирдан иккита болага кўзи тушди. Қизларни бошдан-оёқ кўздан кечиргач, Серпилга юзланди. Серпилнинг қалби ҳаяжонли тепа бошлади: «Ҳозир бизни ичкарига таклиф қилади!»

Аёл бир зум Серпилга тикилиб турди-да, афтини буриштириб бақира кетди:

– Йўқолинглар! Ифлос лўливаччалар! Сизга берадиган овқатим йўқ... Нимага мушукка ўхшаб пойлаб ўтирибсанлар?

Серпил уятдан ер ёрилмадию, ерга кириб кетмади. Аёл жаҳл билан эшикни ёпди. Болалар аёлнинг бундай хато ҳаракатлари боисини тушунадиган ёшда эмасдилар. Само ҳам, Серпил ҳам юзларига ёпилган эшикка ҳиссиз термилиб қолишди.

Бир соат илгари уларга Жаннат эшигидек кўринган дарвоза энди худди Қутб музликларидек совуқ туйиларди. Гўё барча совуқлик ва чиркинлик шу эшикка келиб ёпишганди. Само бир муддат қотиб турди. Кейин дугонасига ўгирилди:

– Биз лўливаччамизми, Серпил? Бу хотин нимага бунақа деди?

Серпилнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлганди. Йиғлагудек бўлиб, жавоб берди:

– Ўзи лўли, биз лўлимасмиз. Биз гаччолармиз. Ярамас хотин экан. Лўли хотиннинг ўзгинаси.

Гаччо ёки гажи деб лўлилар лўли бўлмаганларни айтишади. Само бор овози билан йиғлаганча, уйи томон югурди:

– Мен лўли эмасман, мен лўли эмасман!

Одамлар бу боланинг ортидан ҳайрат билан тикилиб қолишди.

Самонинг кўзига энди ҳеч нарса кўринмасди. Қалбида, миясида зилзилалар қўпганди. У тинимсиз югурар, телбаларча қичқирарди. Серпил ҳам унга етолмасди. Самонинг дунёси остин-устин бўлиб кетганди. Бир гал ўқитувчиси унга «лўлилик қилаверма», деганди. Ҳозир ҳожи холанинг таҳқиромуз сўзлари уни телбага айлантирганди.

У онасидан лўлилар кимлигини сўраши керак. Само югура-югура, Фойтункўчадаги ёғочдан қурилган кулбаларига етиб келган, Серпил ҳам унинг ортидан ҳаллослаб келарди. Серпил ҳам онасидан лўли сўзининг маъносини сўрамоқчи эди. Онасининг авзойи бузуқлигини кўриб, бу ҳақда оғиз очмади. Онаси ҳам қизининг юзига қарамагани учун унинг қалбидаги ғалаёнларни англамади.

Бечора аёл чарчоқ кучлилигидан болаларининг юзидаги кадарни пайқашга ҳам ҳоли қолмасди. Бунга вақти ҳам йўқ эди. Аёл бир кўча наридаги Измир фоҳишахонасида ишлайдиган аёлларнинг болаларига қарашдан бўшамасди. Уй ичи болаларнинг шовқинига тўлиб тошганди.

Само ҳам онасига гапиролмади, дардини ичига ютди. Миясини қуртдек кемираётган «ифлос лўливачча» деган сўз маъсум дунёсидаги хотираларини бирма-бир кўз олдига тиза бошлади. Серпил ҳам шу сўзлар таъсирида эди. Онасининг қачонлардир айтган гапи ёдига келди: «Биз лўлимасмиз, лўлилар мусулмон бўлишмайди, биз эса алҳамдулиллаҳ мусулмонмиз».

Серпил яна хотираларга берилди.

Бир куни бир хотин йиғлаб, ўз дардини қўшни хотинга тўкиб солганди:

– Боламни лўли деб мактабдан ҳайдашди. Бошқа мактабга бердим. У ердан ҳам турли баҳоналар қилиб, қувишди. Ахир, лўли бўлиб туғилган бўлсак, бизда нима гуноҳ? Мен нима қилай? Ота-оналар «менинг болам лўлилар билан битта синфда ўқишини истамайман», дейишганмиш. Ўз қўлларида бўлмаган туғилиш қисматидан

беҳабар бу кимсалар маъсум гудакларнинг дилидаги тугёнларни қаердан ҳам билишарди? Давлат ҳам бу борадаги сиёсатни аниқ белгиланмаган. Аллоҳдан қўрқиш нималигини билмайдиган, ичи фасодга тўла бу кимсалар шу пайтгача минглаб инсонларнинг қалбини вайрон қилишган, йиллар давомида шундай яшаб келишган ва яшашда давом этишарди.

Бу икки бола ҳам ўша минглаб бегуноҳ инсонларни тамсил этишарди. Серпил ўз хаёлларига фарқ бўлганди: демак, лўлилик жуда ёмон, уятли сўз экан, нима учун ҳақир сўзни уларга нисбатан айтишяпти? Само ҳам ўз хаёллари билан банд эди. Ўша кундан бошлаб, Само ҳожиларни ҳам, уларнинг зиёфатларини ҳам ёмон кўриб қолди. Ҳамма ҳожилар унинг кўзига ўша жоҳил инсон бўлиб кўринарди. Қувилган куннинг доғи унинг кўнглида қолиб кетди. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз ҳам очмади. Бундан бирор фойда йўқлигини ҳам биларди...

Серпил энди баъзи нарсаларнинг фарқига боради. Ўқитувчиси Тепажикдан келган ўқувчиларга бошқача муомала қиларди. Яна бир нарсани тушунди: у онаси билан дўконга киргудек бўлса, сотувчилар уларга бошдан-оёқ шубҳа билан тикиладилар. Бир гал совғалар дўконидан чиқишганида, орқасидан сотувчи қиз югуриб чиқди:

– Тўхта, эй қиз, нимани ўғирладинг, – деб ҳамма ёғини тинтиб чиққанди. Бу ишни у кўчанинг ўртасида қилган, ўша куни қаттиқ изза бўлганди.

Озчил ирқнинг болалари бошқа бир ирқ яшайдиган ҳудудда камситилиши янгилик эмас. Аммо ҳеч ким айнан бегуноҳ лўли болалари сингари таҳқирланмаган бўлса керак...

*Инсон қиёфасида кўринган ҳар кас ҳам
инсон бўлавермайди*

АСЛИДА ҲАР ИРҚ БИР ОЯТДИР

Совуқ қиш кунларидан бири. Том мўрилари-
дан чиққан тутун сингганидан қорлар қорамтир
тусга кирган эди. Серпил бехосдан ойиси билан
жанжаллашган қўшни хотиннинг гапини эши-
тиб қолди:

— Ифлос лўли! Фоҳишаларнинг боласини
боқиб, ўшалар берган ҳаром пулга бола боқасан!
Лўли эканингни тан олмайсан! Ҳе, турқингни ел
олсин!

Яхшиям онаси бу гапларни эшитмади. У ўзи-
нинг ташвишлари билан банд эди. Эшитганида,
қўшни хотиннинг сочини юлиб, ерга босиб, аб-
жағани чиқарган бўларди.

Деразадан аёлга тикилиб турган Серпил эса
қотиб қолганди.

Орадан бир неча кун ўтиб, онасини ҳақорат
қилган аёлнинг уйига борди. Тортинибгина стул-
га ўрнашаркан, атрофга истаксиз кўз ташлади.
Сўрамоқчи бўлган саволини қандай беришни
билмасди.

Бир муддат ичидаги кўрқувни боса олмади. Кейин бор жасоратини тўплаб сўради.

– Хола, сиздан бир нарса сўрасам, жавоб берасизми?

– Сўра, жавоб берадиган гап бўлса, нима учун жавоб бермас эканман?

Серпил маънос кўзларини хотинга қадади:

– Хола, менинг онам лўлими?

Аёл бу саволни кутмаганди.

– Йўқ, жоним, онанг яхши инсон, нега лўли бўларкан?

– Лекин сиз кеча шунақа дедингиз-ку? «Лўли эканингни яширасан», дедингиз. Менга ростини айтинг. Биз лўлимизми?

Аёл каловланди. Тили калимага келмай қолди:

– Ҳа энди... одамлар... жаҳли чиқса бир-бирига қараб «лўлимисан», дейди-ку?

– Лекин сиз, «лўли эканингни яширасан», дедингиз-ку?

Аёл танг вазиятда қолди. Серпилнинг қаршисига ўтириб, чуқур нафас олди. У Серпилни яхши кўрарди. Бир неча кун илгари унинг онасига нисбатан ёғдирган ҳақоратларни унутолмас, шу боис Серпилнинг олдида хижолатда эди. Айбдор қиёфада исломга отилган туҳматларга ишонган бир кимса сифатида жавоб қайтарди:

– Биласанми, қизим, аслида лўли ҳам Аллоҳнинг бир бандаси. Улар мусулмон бўлолмасалар-да, яхши одамлар. Сен ҳечам хафа бўлма.

Аёлнинг янглиш тушунчаси Серпилни янада ғамга ботирар, тушкунлигидан нима қиларини билмасди.

– Нимага мусулмон бўлолмас экан?

Аёл исломга кейинчалик суқиштирилган хурофотлар, уйдирма гапларни йиллар давомида эшитавериб, ишониб қолганди. Серпилга ҳам шу уйдирмаларни тушунтиришга тушди:

– Ҳазрати Муҳаммад шунақа деганлар.

– Нима деганлар?

– «Мен лўлиларни ёмон кўраман», деганлар.

Бу гапни эшитиб, Серпил қаттиқ қайғуга чўмди. Бу сўзлар ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) томонларидан айтилмаганини у қаердан ҳам биларди? Аммо буни Серпил ва унинг яқинлари билмасди.

«Демак, у бизни севмайди», дея ўйлади ва сўради:

– Ул зот нима учун мени ёмон кўрар эканлар? Мен пайғамбаримизни севаман-ку? Нега у киши мени ёмон кўрадилар, нега?

Аёл билимдон қиёфада давом этди:

– Сен қибтийсан, болам! У киши эса араб. Сени қандай яхши кўрсинлар?

Серпил ичидан тошиб чиққан ғазабни боса олмади.

– Нима бўпти араб бўлсалар? Мен уларни ҳар қандай кўринишда – ҳатто қора танли бўлган тақдирда ҳам барибир севган бўлардим. Нега ул зот мени ёмон кўрадилар? – Кейин кўз ёшларини артиб, баланд овозда сўради: – Унда мен кимни Ҳазрати Муҳаммад деб чақираман? Унинг ўрнига кимни севаман?

Аёл янада шошиб қолганди. «Бола тўғри айт-япти, аммо мен ҳам нотўғри гапирмадим-ку?» деган хаёлга борди.

Ахир бу каби янглиш фикрларда юрганлар озми? Зотан, Исломнинг асл манбаларидан ха-

бардор бўлмаган баъзи устозлар ҳам лўлиларнинг қарғишга қолганига ишонишарди.

Серпил ўзи ўтирган курсининг устида мук тушиб, йиғидан букчайиб қолганди. Унинг аҳволини кўрган аёл ҳам кўз ёшларини тиёлмади.

Серпил бошини кутариб, йиғлай-йиғлай хитоб қилди:

– Мен ул зотни ота-онамдан ҳам кўпроқ яхши кўрардим, нега у мени ёмон кўради, нега, нега?

– Серпил жуда зийрак қиз эди. Бирданига юрагида янги умид учқуни туғилди. Кўз ёшларини тийди, кўзларини артиб, сўради: – Балки бу гапларингиз ёлғондир? Балки ул зотга қилинган туҳматдир?

Аёл елка қисди.

– Иншааллоҳ, ёлғон бўлиб чиқсин! Аммо ёлғон гап шунчалик тез ёйиладими? Билолмадим, болам.

Серпил энди ўзининг лўли эканига ишона бошлаганди. Савол беришда давом этди.

– Сиз онамнинг лўли эканини қаердан билдингиз?

– Мен онангнинг ҳаётини яхши биламан, қизим! Лекин сен хафа бўлма! Сен жуда яхши қизсан. Онанг ҳам қалби тоза аёл. Лекин отанг аниқ лўли эмас. Сен метиссан.

– Нима бўпти? Қаранг, ахир ул зот бизни ёмон кўрса? Агар у севмаса, Аллоҳ ҳам бизни севмайди-да!

Аёл ўзича қизга таскин берган бўлди:

– Сен яхши инсон бўлишга ҳаракат қил. Шунда эҳтимол, Пайғамбаримиз ҳам, Аллоҳ ҳам сени севиб қолар?

Уларнинг суҳбати давом этаркан, аёл қизга онасининг ҳаётини ҳикоя қилишга тушди.

– Онанг – жуда яхши инсон. Аўли бўлсаям юраги тоза аёл эди. Қизлик пайтида бир йигитни севиб қолган. Йигит ҳам унга кўнғил қўйган. Турмуш қуришган. Битта қиз кўришган. Сенинг опанг. Кейин орадан кўп ўтмай, йигит ажрашиш учун судга ариза берган. «Аўлининг қизи эканини билмай уйланибман», деган. Суд ҳам опангни отасига бериб, уларни ажратиб юборган. Опанг роса йиғлаган экан, мен ҳам эшитиб, роса йиғлаганман. Опанг йиғлаб, ҳамма ёқни бошига кўтарган. «Онамга кетаман, онамни соғиндим, мени онамга беринглар», деб роса тўполон қилган. Онангни олдига олиб боришганда, йиғлаб, ўзини унинг қучоғига отган. «Мени ташлаб кетманг, онажон» деб роса хархаша қилган. Онанг эса, «Болажоним, судга берадиган пулим йўқ», деб йиғлай-йиғлай, болани отасига қайтарган. Опанг «Ойимни соғиндим», деб кўз ёш тўккани ҳечам эсимдан чиқмайди. Онанг ҳам ўша йигитни жуда яхши кўрган экан. Ундан кўнғил узиши қийин кечди. Охири сенинг отангга тегди.

Серпил онасининг ҳаётига оид ҳикояни тингларкан, ҳамон кўз ёшлари қуйилиб келарди. Уйига қайтганида онасига бошқача кўз билан термилди. Унга ичи ачиди. Аммо сир бой бермади.

У энди ҳам мактабга борар, ҳам вақт топди дегунча, болаларга қараётган онасига ёрдам берарди. У қўшиқчи бўлиш орзусидан воз кечмаганди. Қўлига соч чўткасини тутганича, микрофон ясар, кўзгу қаршисида ўзини томоша қиларди. Ўқитувчилари ҳам кўпинча унга қўшиқ айттириб, таҳсин айтишарди.

Nizomiy nomli

T D P U

kutubxonasi

Зотан, бу муаллимлар Серпилни бошқа пайтда одам ўрнида кўришмасди. Лекин ҳамма унга «Сен қўшиқчи бўлишинг керак», дерди. Шу боис, катта бўлгач, қўшиқчи бўлишга қарор қилганди.

* **

Бир куни қош қорайган пайтда исловотхонада ишлайдиган Нолон кириб келди. Эшикни Серпил очди. Нолон ичкарига кириб, боласини бағрига босди ва ўпа кетди. У бор-йўғи бир неча соатдан бери боласини кўрмаганди.

– Болажоним... Келақол оийжонингга, кел, асалим.

Аёл боласини энтика-энтика ўпаркан, эмизиш учун курсига жойлашди. Серпил ундан кўз узмай ўтирарди. Унинг маъсум нигоҳлари аёл жуда саросимада эканини дарҳол пайқади.

– Хола, нега шошиляпсиз?

Аёл боласини эмизаётиб жавоб берди:

– Шошилмасам бўлмайди, бирпасга рухсат олганман. – Аёл аччиқ кулимсираб қўшиб қўйди. – Бугун мижозлар жуда кўп.

Серпил соддалик билан сўради:

– Сиз ҳам ўша ерда ишлайсизми?

– Ҳа.

– Нима сотасиз?

Аёлнинг қошлари тугунланди, юзи тундлашди:

– Кўп гапирма! Ўзинг бир қарич бўла туриб, бунақа ишларга бурнингни суқма!

Серпилнинг кайфияти бузилди. Орадан ўн дақиқача вақт ўтиб, яна бир савол берди:

– Сиз ўғлингизни яхши кўрасизми?

– Нега яхши кўрмас эканман? Бу менинг жоним-ку, ягонаам-ку! – аёл шундай деб боласининг бурунчасини ўпди.

– Отаси-чи? У ҳам яхши кӯрадимӣ?

– Албатта, уям яхши кӯради.

– Унда неға боласини кӯргани келмайди?

Аёл жим қолди. Бу болага нима бўлди ўзи? Неға бунақа саволлар беряпти?

– Жоним, уям бир куни келади боласини кӯргани.

– Уям узоқдами? Ёки менинг отамдек қамокдами?

– Ҳа, ҳа, бўлди, бошқа ҳеч нарсa сӯрама, юрагимни сиқиб юбординг!

– Хўп, бошқа ҳеч нима сӯрамайман. Лекин Тунжнинг отасини исми ким? Жудаям билгим келяпти!

Аёл юзини тириштириб, ниманидир эслашга уринди.

У ўз боласининг зинодан туғилганини бу гўдакка қандай тушунтира оларди? Фаҳш маконига келган минглаб эркаклар орасидан қайси бири бу боланинг отаси эканини у қаердан билсин?

Серпилга яна бир бор тикилди. Кейин қучоғидаги боланинг юзларига ҳазин тикилиб қолди.

– Болажоним, сен жонимнинг бир парчаси-сан, нариги парчанг кимга тегишли экани – менга қизиқ эмас.

Серпил, табиийки, бу сўзларнинг маъзини чақолмасди. Аёл қизчага ўтирилди:

– Мега қара, маҳмадона, Яратгандан ўтиниб сўрагинки, сенга менинг тақдиримни раво кўрмасин, мени бу ерга опкелиб сотган нокасларга сени дуч қилмасин. Аёлларни ифлослик жарига итарувчилар ҳам аслида аёллардир. Шуни ҳеч қачон эсингдан чиқарма.

Серпил кўлидаги қўғирчоқнинг сочларини таркан, яна сўради:

– А-а-а, сизни сотиб кетишганми?

– Сотилган, заррача ачинмасдан сотиб кетишган...

Серпилнинг мўъжаз мияси бу ҳақиқатни идрок этишга ожиз эди. Одамни ҳам сотишади-ми? Қандай қилиб?

Мурғак қизалоқ инсоннинг сотилишини даҳшат ила тасаввур қиларкан, вужуди титраб кетди.

Аёл кетгачгина болалар ўйинига киришиб, бу бадбин хаёллар таъқибидан қутулгандек бўлди.

Серпил онасининг шу қадар машаққатлар эвазига пул топишга мажбур бўлаётганини билгани учун отасидан қаттиқ ранжирди. Моддий қийинчиликлар соясида унинг қўшиқчиликка бўлган ҳаваси тобора ортиб борарди. Кўнглида «Онамни фақат шу йўл билан қутқазаман», деган ишонч бор эди. Кичкина қизалоқнинг миясини шу ўй тамомила эгаллаганди. Афсуски, одамларнинг аксарияти Яратган инъом этган ақлни унга бандалик, итоат учун эмас, балки шайтон ва унинг малайларига хизмат қилиш учун сарфлашади.

Орадан кунлар ўтди. Серпил онасининг назоратида болаларни овқатлантириб ўтирарди. Улардан бири Серпилни саволга тутди:

– Сейпил опа, сиз мени отамни танийсизми?

Серпилнинг ичида нимадир узилгандек бўлди. Афсус билан жавоб қайтарди:

– Мен сенинг отангни кўрмаганман-ку?

Бола давом этди:

- Йашмини ҳам кўймаганмисиз?
- Йўқ, расмини ҳам кўрмаганман.
- Мен кўйганман, отам жудаям чийойли. У кейинйоқ келайкан.

Бир неча ойдирки, бу бола фақат шуларни гапирарди. «Отам келайкан», дерди. Онаси бир газетада қайсидир эркакнинг расмини кўрсатганидан бери «Бобомнинг расмини кўрдим», деб қувониб юрарди.

Дарди бедаво тенгсизлик оналарни ўз болаларига ана шундай «сохта оталар» ҳақидаги чўпчаклар тўқиб чиқаришга ундарди.

Газетадаги ота... Болакай газетада расми чиққан эркакни умид билан кутарди. Бу ерда яна қанча болалар бор у сингари... бу болаларнинг аҳволи ҳар қандай юракни ларзага соларди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган бугунги ривожланган мамлакатлардаги бузуқлик ва фаҳш маҳсули эди улар. Бир бузуқ эркак ва зинкор аёлнинг хатоси жабрини ана шу бегуноҳ гўдаклар тортарди.

*Бу зулмат бир бошқача зулмат,
Кўз очирмас сени, жон болам.
Одамийлик ўлган бу фурсат,
Унутмагин ҳеч қачон, нолам.*

*Сен тугилмай сотилди онанг,
Зиндонларга сени отдилар
Дунёйингни қилиб тору танг,
Оғир гуноҳларга ботдилар...*

Нариги уч нафар боланинг оналари ҳам Серпилларникига келган, улар ҳам болаларини эркалатиб ўтиришарди. Серпил бир чеккада турганча, уларни кузатарди. Аёллардан бири курсига ўтириб, дугонасига ҳасрат қиларди:

– Эркакларнинг кўнглини овлаш ҳам жонга тегди, Нолон! Бугун битта ҳезалак роса асабимга тегди. Ҳали қараб турсин, вақти келиб, туғилганига пушаймон қилмасамми?

Иккинчи аёл кулиб сўради:

– Нима қилди сенга?

– Нима қиларди? Ўзи олтмишга кирган чол! Ишини эплотмагани учун мени айблади. Нималар деганини билсанг эди... Мен ҳам қараб ўтираманми? Гапириб ташладим. Беномус экансиз, десам, менга ваъз ўқишни бошлади. «Мен номусли одамман, бунақа гапларни менга гапирма», деб ўша эски ҳақоратларни қалаштириб ташлади. «Э, – дедим, – ор-номусдан ҳамма гапирсаям сиз жи-имгина ўтиринг. Номусли одам фоҳишахонада нима қилади? Сиз ҳам мен билан бирга гуноҳга қўл уриш учун келгансиз-ку?» дедим. Гапиролмай қолди. Беномуслар! Биз билан бирга ўша нажасни еб бўлиб, ўзларидан фаришта ясаб олишади, бизни беҳаё, орсизга чиқаришади. Роса адабини бердим, энди эшигимизга келолмайди бўлди.

Учинчи хотин ҳам бугунги ўтган ҳаётидан бир лавҳани шерикларига илинди:

– Бугун ёнимга ҳали она сути оғзидан кетмаган бир бола келса, денг! Жинни бўлиб қолдим. «Бу ерга нега келдинг, уялмайсанми?» дедим. «Нимадан уяламан? Кеча телевизорда кўрдим, мен ҳам анча нарсани ўргандим», деяпти.

Иккинчи аёл қаҳқаҳа босилиши билан луқма ташлади:

– Барака топсин шу телевизордагилар. Эркакларнинг кўзини очиб, биз томонга йўллашади. Кеча бир мижозим ҳам шу гапни айтди. Биласизми, телевизорда берилаётган турли сериаллар, беандиша кўрсатувларнинг беҳаё бошловчилари туфайли мижозларимиз сони ортиб кетяпти. Ҳа, ҳўш, анави болани нима қилдинг?

Дугонаси кулимсираб давом этди:

– Нима қилардим? Болам, бор, ундан кўра отангни чақириб кел, дедим. Қулоғидан тортиб, болани уйига жўнатдим. Уялади одам! Ахир салкам неварам қатори-я!

Бир четда уларни эшитиб ўтирган Серпил кўкқисдан аёллардан бирини саволга тутди:

– Ҳалиги... эркакларнинг кўнглини овлаш қанақа бўлади?

Хотинлар ажабланиб бир-бирларига қарашди. Биттаси:

– Асалим, бу бола ҳар замонда ўзи шунақа ғалати саволлар бериб, юракни сиқади. Кеча Бонунинг таъбини тирриқ қилганди. – Кейин Серпилнинг юзларига тикилганча, кўрслик билан жавоб қайтарди. – Эркакларнинг кўнглини овлаш бу ҳалиги... эркакларни кўнглини овлаш-да! Катта бўлсанг, биласан.

Серпил сўроғидан тўхтамади:

– Сиз ҳам эркакларнинг кўнглини овлайсизми?

Нолон ғазаб билан ўрнидан турди:

– Ўчир овозингни! Бир қарич бўла туриб, бунақа нарсаларни сўрама, демаганмидим? Уларнинг аҳволи сизларгаям таъсир қилибди чоғи:

*Ғамлар айланади ҳар бир жумлада,
Энди сукут сақланг, эй калималар,
Кўнгил бўлмаса-да қай бир кимсада,
Кимнидир тилкалар алланималар.*

*Эшикларни ёпинг, кўзлар юмилсин,
Дунё титрамасин уятдан э, воҳ,
Ор-номус тупроққа майли, кўмилсин,
Коинот жойидан жилмасин ногоҳ...*

Бу суҳбатлар орасида Хоқон ҳам хонага кириб келганди. Онасининг дугоналари билан кўришишдан аввал уларнинг ҳар бирини синчиклаб кўздан кечирди. Аёллар ҳам Хоқоннинг ҳаракатидан ажабланишди. Қизчанинг кўзларида унинг бахтсизлиги акс этарди.

Нолон Хоқоннинг юзларига кулиб термилди:

– Ниманидир сўрамоқчимидинг, шириним?

Гарчи Хоқон жажжи елкаларини силкитиб, «йўқ» деса-да, унинг юзларидан нигоронликни пайқаш қийин эмасди.

– Гапиравер, нимадир демоқчимисан?

Хоқон қаердандир жасорат топди:

– Сиз ҳам болангизга янги ота олиб келасизми?

Аёллар бир-бирига қараб қолдилар.

– Нега сўраяпсан, жоним?

Хоқон қўлидаги нонни тишларкан, жавоб берди:

– Сизнинг болангизга янги отанинг кераги йўқ, у ўзининг отасини хоҳлайди.

– Сен қаердан биласан, болам? У ҳали гапиролмайди-ку?

Айни шу дардни бошидан кечирган бола ўз туйғуларини тилига чиқарди:

– Менга айтди. Мен эшитдим. Илтимос, унинг отасини алмаштирманг, холажон...

*Бир тоғ иккинчисига зулм қилса,
албатта, зулм соҳиби чўкишга маҳкумдир.*

ГЎЗАЛ ИРҚНИНГ ЧИРКИН ТОМОНИ

Само мактабда эди. Лули дея аталиб, хўрланганини ҳам тушуна оларди. Фақат ўзини билмасликка солиб юрарди, холос.

Ўтган куни ҳам бир ўқитувчи уни нафрат ила кўнглини оғритди. Бекордан бекорга. Ўшанда мактаб эшиги олдида саф тортиб туришганди. Ҳар доимгидек қасамёд ўқишаётганди:

Туркмиз...

Тўғримиз...

Ҳаракатчанмиз...

(....)

Борлиғимиз

Туркнинг борлиғига фидо бўлсин...

Қасамёд асносида Само ўзи кўрган ҳаракатларни хаёлида жонлантирарди. Эзилиб топталганини англаган кундан бери ўзини бахтсиз санарди. Ҳозир бу «қасамёд» ўша эзилган, топталган онларни солиштириб, қандайдир мантиқсизликларни англагандай бўлди, лекин моҳиятига етолмади.

Болалар синфга киришганида, Само ўқитувчидан сўради:

– Муаллим! «Туркмиз, нақадар бахтлимиз», дедик. Турк бўлмаганлар бахтли бўлолмайдими?

Ўқитувчи Самодан бу саволни сира ҳам кутмаганди. Бироз асабийлик билан жавоб қайтарди:

– Туркияда яшаганидан кейин ҳар бир инсон турк ҳисобланади.

Само Тепажикдан келгани учун баъзи мактабларга қабул қилинмаган болалар ҳақида эшитганди. Ўзи ўқиётган мактабда ҳам лўли аталадиган болаларга яхши муносабатда бўлинмаслигини билар, бундан қаттиқ хафа бўларди. Зотан, бунга ўзи бир неча марта шоҳид бўлган. Серпил билан биргаликда лўли деган тавқи лаънат билан қувилган кундан бери икковлари ҳам лўлилик тамғаси нима эканлигини анча яхши билиб олишганди.

Ўқитувчининг жавобига қарши ўлароқ, у яна исён ила сўради:

– Мен лўли эмасман, аммо лўли болаларига қандай муносабат кўрсатилаётганини кўриб турибман, муаллим! Модомики, бу юртда ҳамма турк саналаркан, нега ҳаммага бир хилда муомала қилинмайди? «Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл», деб ўргатасизлар. Лекин нима учун кичкина лўли болалари ҳеч ерда иззат қилинмайди?

Муаллим бу боланинг қаршисида иккинчи маротаба ноқулай вазиятда қолганди. Аслида Самонинг лўли эканини, аммо буни ҳаммадан яширишини биларди. Фақат масалага бу қадар чуқур ёндаша олишини тасаввур ҳам қилолмаганди. Титроқ бир сасда жавоб берди:

– Сенга шунақа туйилгандир, ўтир жойингга!

Само ўз жойини эгалларкан, дилидан шу сўзлар кечди:

«Ўз қўлиминингдан уялганингдан кейин менга бақириндан бошқа чоранг қолмайди».

Серпил ҳам, Само ҳам бир нарсага амин бўлишганди: лўлиларнинг оилаларига умуман эътибор қаратилмаган ҳолда, байрам кунлари ёки турли тадбирларда, оталари довулчи, сурнайчи бўлган болалар оилаларнинг эътибор марказида бўларди.

* * *

Орадан ойлар ўтди. Ўқитувчилар ҳам алмашди.

Серпил билан Само бу муаллимни жуда ҳам ёқтиришарди. Янги ўқитувчининг дарс пайтидаги сўзлари уларга таскин берарди.

– Болалар, таҳсил ирқ танламайди. Барча инсонларнинг мияси битта ирққа мансуб. Бирор бир ирқнинг мияси бошқасиникидан ўткирроқ, кучлироқ бўлмайди. Фақат имкониятлар ва мотивациялар фарқ қилиши мумкин.

Серпил жуда ҳам қувониб кетди... «Имкониятлар фарқ қилади», деган сўзни унчалик тушунмаган бўлса-да, қолган гаплар унга роса ёқиб тушганди. Ўзича гапиринди:

– Демак, шундай ўйлайдиган ўқитувчилар ҳам бор экан!

Само ҳам ҳар қандай ўқитувчи айирмачи эмаслигини тушуниб етганди.

Яна бир гал ўша ўқитувчи қўйидагиларни айтганди:

– Аллоҳ, бирор бир миллат ёки ирқ бошқасидан устун эмас, деб марҳамат қилади...

Серпил кўшни аёлни эслади. Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) айтгани гумон қилинган сўзларни ҳам. Ўз-ўзига, «Демак, Аллоҳ одамларни ажратмайди. Фақат ҳазрати Муҳаммад бизни ёқтирмас экан-да», деб ўйлади.

Кечқурун уйига келганида, яна гўдаклигига бориб, болалар билан ўйинга чўмди.

Улар вақти келиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ирқчилик қилмаганини тушунишади, аммо унгача мурғак қалблари чарчаб қолмаса бўлгани.

Серпил болалар билан ўйнарган, Эбрунинг онаси бир киши билан бирга кириб келди. Эбру ҳам шу ерда тарбияланаётган болалардан бири эди. Эбрунинг онаси ва ҳалиги бегона эркак хушҳол кўринишарди. Аёл Эбруни қучоқлаганча ёнидаги эркакка таништирди:

– Қара, жоним, сенга янги дада олиб келдим.

Бола бир йилдан бери «дадам», деб юрган эркакни сўради:

– Ўзимнинг дадам қани?

– Энди у сенинг даданг эмас, мана, сенинг даданг!

Болалар нима учун дадалари тез-тез алмашишини тушунолмасдилар. Бу ҳолат уларга асло ёқмасди. Аёллар ўз жазманларини алмаштиришлари билан болалари ҳам янги «дадали» бўлишарди. Аммо, бечора болаларда нима айб? Улар нима қила олардилар?

Онаси бояги эркак билан чиқиб кетаркан, Эбру йиғлашга тушди:

– Нега йиғлаяпсан? – деб сўради Серпил.

Эбру ёш тўла кўзларини катта-катта очганча, «ўзим, шунчаки», дея елка қисди.

Серпил уни юпатмоқчи бўлганида, Эбру янада баландроқ йиғлашга тушди. Кўзларидан мунчоқдек ёшлари яноқлари оша думаларди. Бу томчилар ҳатто тошларни ҳам эрита оладиган қудратга эга эди.

– Мен... менга янги даданинг кераги йўқ. Ўзимнинг дадам яхши эди. Нега ойим менга бошқа дада олиб келаверади? – дея йиғлашда давом этди. – Ойимга айт, менга ўзимнинг дадани олиб келсин.

Қизча худди оловдек ёнарди. Бу гўдаклар ҳар йили оталари алмашиб туришидан қанчалик азият чекишларини оналари тушуна олармиди? Баъзилари гиёҳванд моддалар оқибатида тафаккур қилишдан узоқлашиб кетаётганди.

Эбру энтикиб-энтикиб йиғларкан, унинг йиғисидан бошқа болалар ҳам, Серпил ҳам қаттиқ эзилардилар. Ҳеч ким ҳақиқий айбдор ким эканини англамасди. Хоқон келиб, қўллари билан Эбрунинг ёшларини артиб, унга таскин берди.

– Хавотир олма, Эбру, Сен катта бўлсанг, сенга ҳечам алмаштириб бўлмайдиган бир дада олиб бераман. Фақат йиғламасанг бўлди, – Хоқон ҳамон ҳиқиллаб йиғлаётган қизчани юпатишга уринарди. – Ўзимга ҳам шунақа битта дада оламан.

Эбру ёш тўла кўзларини Хоқонга тикди:

– Алдамаяпсанми? Ростдан ҳам менга дада олиб берасанми?

– Ҳа, алдамаяпман, оламиз.

– У рostaкамига дада бўладими ёки...

– Албатта рostaкамига дада бўлади.

Абру шу тасалли билан овунди. Ҳатто Хоқоннинг ўзи ҳам бу самимий, беғубор алдовга ишониб гапирарди.

Болаларнинг аҳволини англашга дунё ожиз эди. Инсонлар ҳамон ҳалол жуфтликдан кўра зинони афзал кўришарди. Болаларнинг ёнига келиб турадиган сохта дадалар оналаридан пул олиб турганлари учун болажонларга ясама илтифот кўрсатишар, кейин яна ғойиб бўлишарди. Бундай ҳийлалардан беҳабар болалар шу дадаларга меҳр қўйишарди.

* * *

Серпилнинг дадаси ҳибсдан чиқиб, тўғри уйига келди. Аммо у Серпилга қайрилиб ҳам қарамади, унга оталик меҳри бегона эди. Серпил тортинчоқлик билан отасининг пинжига кирди.

Эртаси куни болалар ташқарида ўйнаб турганида, Серпил отасини кўриб қолди. Отаси чўнтагидан бир ҳовуч танга олиб, ерга сочиб юборди ва болаларга қарата:

– Тангаларни теринглар-чи? – деб буюрди.

Болалар қийқиришиб тангаларни теришга тушди.

Отаси Аҳмад қассоб бу манзарани кулиб кузатарди. Серпил отасидан кўзини узмасди. «Худди кинолардаги ёмон одамларга ўхшаб куларкан дадам», деб ўйлади Серпил.

Кейин дадасининг овозидан сергак тортди:

– Энди таналарни менга келтириб беринглар!

Отасининг бу қилиғи Серпилнинг юрагида липиллай бошлаган меҳр учқунларини ҳам зумда ўчирди. Шундан сўнг қайтиб отасига кўнгли исимади.

Орадан йиллар ўтса-да, ҳар қанча ўйламасин, отаси нима учун бундай қилганини тушунолмасди. Гоҳида «ўшанда мастмиди?» деб ҳам ўйлар, аммо бу ишини кечиролмасди.

Болаларни асраш вазирлиги ташкил қилинмас экан, ношаръий фарзандларни дунёга келтиришга чек қўйилмас экан, бу болаларни назорат қилишнинг имкони бўлмайди.

ОРАДАН ЙИЛЛАР ЎТДИ

Серпил билан Само бошланғич мактабни битирганларида, ўзларича катта қиз бўлиб қолишганди. Само Меҳмет исмли лўли бўлмаган бир қорамағиз болани ёқтириб қолган, ўзи оппоқ бўлгани учун ҳам унга лўли эканини айтмасди. У Меҳмет ҳақида Серпилга ҳам, бошқа дугоналарига ҳам оғиз очмаганди. Лекин қачонгача сир тутиб юради?

Кунларнинг бирида Серпил билан Само учрашиб қолишди.

Серпил уни кўриб, жуда хурсанд бўлди. Буни Самонинг ўзидан ҳам яширмади.

– Сени кўрсам, жуда қувониб кетаман!

– Мен ҳам сени жуда ҳам яхши кўраман. Лекин уйингизга келолмайман. Ойим юбормайдилар.

Само унга сирини очаркан, атрофга олазарак қараб, кейин давом этди.

– Сенга бир нарса кўрсатайми? – Само қўйнидан бир хат чиқарди. – Меҳмет деган бир бола бор. Хатни ўша ёзган, юр, бир четда ўқиймиз. Сендан буни яширолмайман.

– О-о-о, Меҳмет сени севиб қолдими?

– Ҳа, севади. Синфда ҳам кўз узмай ўтирарди. Сенга айтолмагандим. У пайтлар кичкина эдим, қўрқардим. Акам билиб қолса иккимизни ҳам ўлдириб қўяди, деб ўйладим. Сени ҳам яхши кўрганинг борми?

– Бор, лекин уни ростдан яхши кўраманми-йўқми билмайман.

– Бир синфда ўқийсизларми?

– Йўқ, маҳалламизда яшайди. Сен гапни айланторма, Меҳметнинг хатини ўқи.

Ўқишди. Меҳмет хатида «Ҳеч кимни севиб қолма, катта бўлсам сенга уйланаман», деб ёзганди.

Қизлар кула-кула, хатни йиртиб ташлашди.

Само:

– Ишонасанми? Хатни йиртган пайтимиз юрагим ҳам йиртилгандек бўлди. Илтимос, бу гапни бировга айтма! Акам билса ўлдиради. Жуда рашкчи бўлдида бу. Нега қиз болани ўғил болалар орасига ўқишга юбордингиз, деб онамга кун бермаяпти. Меҳмет ҳам ўқийди-ку? «Ана, қизингиз мактабда ўзига йигит топибди», деб таъна қилмаслиги учун бу ҳақда чурқ этмадим.

Самоларникига келишганида, бирданига эсларига Хоқон тушди.

– Онам боққан болалардан биттаси бор эди-ку? Хоқон. Жуда нозиктаъбли бола. Унақа болаларни яқиндан танисанг, ичинг ачийди.

– Унга нима бўлди?

– Онаси унга янги дада топганди. Лекин бояқиш бу одамни ёқтирмайди. Қурмағур оналари ҳам тинимсиз янги дада топаверадилар.

Само унинг гапидан ранжиди:

– Сен менга шама қияпсанми? Менинг онам отамнинг ўлиmidан кейин эрга тегди. Лекин иккинчи эри ҳам ўлди. Тақдир экан, бунда онамнинг айби йўқ.

Серпил дугонасини ранжитганини англаб, унга изоҳ берди:

– Йўқ, унақамас. Анави болаларнинг оналари дадаларни тез-тез алмаштиришади. Болаларга бу қандай таъсир қилишини билсанг эди. Хоқоннинг онаси бошқа жойга кетди. Ҳалиям шу болани ўйлаб ичим ачийди.

* * *

Само ўн тўрт ёшга кирганида, акаси сиртдан ўқиш шарти билан ўрта мактабда таҳсил олишга рухсат берди. Аммо Меҳметнинг хаёли сабабли Самонинг миясига дарс кирармиди? Хоқонни қандай ўйлай оларди? Хаёл дунёсидан қайтганида Серпил алақачон кетиб бўлганди.

Серпил ўзича кап-катта қиз бўлиб қолган эди, аммо ёмон йўлнинг қурбонлари фақат яхши болаларга қарашарди. Ҳеч нарса ўзгармаганди. Бир куни кечки пайт Серпил болалар билан ўйнаб ўтирганида, Сонгулнинг онаси келди. Ёнида яна бир эркак билан...

Серпил аёлга бақира кетди:

– Сиз нега ҳар гал янги ота опкелиб, болаларнинг ярасини янгилайсиз?

Аёл қизчанинг бу хитобидан асабийлашди:

– Тарбиясиз, бу қандай беодоблик бўлди?

– Болаларни эзишнинг нима кераги бор? Болалигимдан бери бу гўдакларнинг қайғусига шерик бўлиб келаман.

– Сенга нима, эй қиз? Уларни сен туғиб қўйганмидинг? Сенингча, биз шунчаки ўйнаб юрибмизми? Бизни ўзингча айблаяпсан, буни биламан. Сенинг ёшингда кўчадаги аёлларни мен ҳам ёмон кўрардим. Лекин бошингга тушса кўрасан!

Аёл асабини жиловлай олмай, қизчани тинимсиз қарғаш билан овора эди:

– Ахлоқсиз! Асабларимни буздинг! Иншооллоҳ, сен ҳам шу кунга тушасан! Бировларни айблаш қанақалигини ўшанда кўрасан. Аллоҳ жазойингни берсин! Нима, бу ҳаётни ўзим хоҳлабманми?

Серпил қандай хато қилганини тушунмас, ёмон гап айтмаган бўлса-да, нимага бу аёл бу қадар қақшаётганини англолмасди. Эшитган қарғишининг моҳиятини эса секин-аста тушуна бошлади.

– Аллоҳим, ўзинг мени бу хотиннинг қарғишларидан асра!

Албатта, Аллоҳ ноҳақ қарғишларни қабул қилмас.

* * *

Само бешинчи синфни битирганидан сўнг, унга совчилар кела бошлади. Бу қизни анчайин хавотирга солиб қўйди. Чунки уларнинг одатига кўра, қизларни жуда эрта эрга беришади. У эса ҳали турмушга чиқишни истамасди.

Само яна Серпилга ўз дардини айтди:

– Тегмайман, ўлсам ҳам! Неччига кирдим ўзи? Меҳметдан бошқасига тегмайман!

– Тўғри, – деди Серпил ҳамдардлик билан. – Мен ҳам шунақа деб ўйлайман. Менинг ҳам ўз севганим бор. Бошқасига тегмайман. У мени та-

нийди. Само, сен аъли қавмига мансуб эканинг-ни унга айтдингми? Меҳмет аъли эмас-ку? Унга аълимиз, деб айтмадингми?

– Йўқ, у гаччо, Мен унга аълигимни айтмайман. Мен оқ танлиман, у эса бугдойранг, нима фарқи бор? Мен ҳам эрга тегсам гаччо бўламан. Шу сабабли айтмаганим маъқул.

Серпил сирли кулимсиради:

– Само, инсон кейинчалик гаччо бўлолмайди. Бунинг учун гаччо бўлиб туғилиш керак.

Самонинг аҳволи энди бошқа дугоналарига ҳам етиб борганди. Йиллар ўтиб борар, Само Меҳметдан воз кечолмасди.

Меҳмет ҳам Самони қаттиқ севиб қолган, унинг ишқига мубтало бўлганди. Само уйига келган совчиларга бақириб, чақирар, уларни қувиб қоларди. Самонинг акаси бундан хабар топиб, унга қаттиқ танбеҳ берди:

– Севишга севибсан. Ўша йигит уйга совчи жўнатса, гаплашиб кўриб, унга узатамиз. Лекин шунчаки кўнгилхушлик қилиб юрмоқчи бўлсанг, ўлдираман. Дарсингни қил. Аёл киши учун номус ота уйидан бошланади.

Серпил улғайгани сари бу оналардан жаҳли чиқарди. Бир куни у ўзини қарғаган хотин – Сонгулнинг онасидан сўради:

– Сиз кўча аёли экансиз, яхши, лекин нима учун отаси номаълум болаларни кўпайтириб, уларни бахтсиз қиласиз?

Аёлнинг яна қони қайнади. Оғзидан боди кириб, шоди чиқди. Яна қарғашга тушди:

– Худоё Худовандо, сен...

Серпил ҳам яхшигина асабийлашганди. Олдинги қарғишларни эслаб, шартта унинг сўзини бўлди:

– Сиз яна мени қарғмоқчи бўляпсизми? Мен сизга бирор ёмон гап айтдимми? Болаларингизга ачинганимдан гапиряпман!

Уй кичкина, тахтадан қурилгани учун ичкаридаги сўз-суҳбатлар қўшниларга ҳам бемалол эшитиларди. Уларнинг гапини эшитиб қолган Бонунинг онаси ҳам қаргаган аёлга ўдағайлади:

– Менга қара, ипирисқи! Ўзинг тушган ботқоққа бошқаларни ҳам тушишини сўраб қарганма! Аллоҳнинг ғазабига учрайсан!

– Яна қанақанги ғазабига учрайман? Берадиганини бериб бўлди. Агар онам бу ерларда юрганимни билса, алаmidан ўлиб қўя қолади. Сен биласанми, бу бола муштдек пайтидан асабимга ўйнаб келади. Бошига тушмагунча билмайди.

Шу пайт Серпилнинг кўзи Хоқонга жуда ҳам ўхшаб кетадиган бир болага тушди. Бола анча ўсиб қолганди. Бу болани ҳам анчадан бери танирди. Бироқ, бола бугун жуда паришон кайфиятда эди. У Серпилни ташқарига чақирди.

Серпил аёлларни ичкарида қолдириб, ўзи ташқарилади.

– Гапир, нима бўлди сенга?

Ғамгин бола йиғламосиради:

– Серпил опа, боя онам ишлайдиган жойга боргандим. Онамни кўрмоқчи эканимни айтдим. Мени ичкарига қўйишмади. Эркаклар ичкарига кириб чиқиб турганди. Мени киритишмади. Онам у ерда нима қилади ўзи?

Серпил нима дейишини билмай қолди.

– Гапиринг, Серпил опа, онам у ерда нима иш қилади? Мен энди катта бўлдим. Менга тўғриси-ни айтинг.

Бу бола ҳам худди Хоқон сингари бир неча ойдирки, онасидан шубҳаланишни бошлаган, бироқ онасига бирор разолатни раво кўрмагани боис, ишонгиси келмасди.

Бола эса беихтиёр йиғлашга тушди:

– Серпил опа, нима, менинг онам... ўшанақами? Менинг онам ёмон аёлми? Унақада мен ўзимни ўлдираман. Чидолмайман, Серпил опа! Илтимос, айтинг, опа, онам ёмон аёлми?

Серпил ҳамон жим эди. Ахир нима ҳам дея оларди? Ахир энди бу болани алдаб бўлармиди?

* * *

Само китоб ўқишни жуда яхши кўрарди.

Кунларнинг бирида Серпил Самоларкиникига келди. Бу аснода Само онаси билан тортишаётганига гувоҳ бўлди. Самонинг онаси «биз румин ҳам, лўли ҳам эмасмиз», дея лўли эканликларини тан олган Самони урушиб турарди.

Само портлаш даражасига етганди:

– Она, қаранг! Сиз адашманг! Сиз руминиялик лўлилардансиз. Нега тан олмайсиз? Нимадан уяласиз? Лўли бўлсангиз нима қипти? Лўли эканимиз бизнинг айбимиз эмас. Бизнинг орамизда тоза, яхши одамлар кўпку? Ахир биз бўлмасак, одамларни Рамазон ойида эрталаб саҳарликда довул чалиб уйғотиш одати ҳам йўқолиб кетарди. Биз бўлмаганимизда ҳамма ёқ ахлатга тўлиб тошар, шаҳарларда тозалик йўқоларди. Биз бўлмасак оталарни ким боқарди? Мана, энди ўқиб таълим оляпмиз. Нимадан уяласиз, она? Гаччо бўлишнинг нимаси яхши? Сиз уларга дунёни берсангиз ҳам, улар сизу бизни бир чақага олишмайди.

– Яхши, сен ўқиб, бошимга хўжайин бўлиб келдингми? Сенам бироз уялсанг, ёмон бўлмасди. Ҳали қўшниларга ҳам шу гапларни сайраб юрибсанми?

– Нимадан уяламан, она? Мен бир китобда ўқидим. Аллоҳ бизни ўзи истаган ирққа мансуб қилиб яратибди. Аввал мен ҳам уялардим, ўз наслимни бекитишга уринардим. Яқинда «Ирқимни мен яратмадим» деган бир китобни ўқиб чиқдим. Энди уялмайман. Бизни Аллоҳ яратган. Мен унинг тақдирига тан берган бир ожиз бандаман. Ҳаммамиз Одам Атонинг болаларимиз. Инсон ўз ирқидан уялмай, сиқилмай яшаса қандай яхши? Сизга ҳам шуни тавсия қиламан, она. Шундай ҳаётимиз ҳам анча осонлашади.

Самонинг гаплари Серпилни анча ҳайратга солган, онасининг жавоблари эса уни янада ҳайрон қолдирарди. Тура солиб, туфлисини кийди.

– Кетдим, – дерди у ўзига ўзи. – Бошқа бу уйга келмайман. Ҳатто бизни фақат гаччолар эмас, лўлиларнинг ўзи ҳам ёмон кўрар, нафратланар экан. Гаччолардан хафа бўлмасак ҳам бўларкан.

Само қанчалик ёлвормасин, Серпил велосипедига миниб, уйига йўл олди. Кўз ёшларини тутолмасди. Уйга келиши билан яна онасининг насиҳатларига тутилди.

– Қаерларда юрувдинг? Кўзингга қара! Бирор номаъқул ишни қила кўрма. Дугоналарингга қара. Дугонангдан сенга етадиган зарарни ҳатто душман ҳам етказоолмайди.

Кечки пайт Серпил худди мастга ўхшаб қолганди. Бу гап-сўзлар уни роса чарчатганди. Кечалари алаҳсираб бир неча бор уйғониблар кет-

ди. У ҳамма нарсани тушунса ҳам, лўли лўлини ерга уришини ҳазм қилолмасди.

* * *

Серпил катта қиз бўлиб қолган, аммо яна ўша нарсаларни ўйлашдан бўшамасди. Отаси ҳақида кўп ўйларди, бошига бирор иш тушдимикин, дея хавотирда эди. Отаси бир одамни пичоқлаб, яна қамоққа тушганди. Серпил отасининг қамоққа тушганидан ҳам уялар, ҳам унга раҳми келарди. Онаси жуда ақлли ва сабрли аёл эди. Болаларининг кўнгли учун отаси ҳақида чурқ этмасди. Онаси болаларига тўғри йўл кўрсатиш билан банд эди.

– Отамиз қамокда деб сизлар ҳам ёмон йўлга кириб кетманглар! Бировнинг игнасини ҳам ўғирламанглар! Мен рухсат бермасам, бировнинг уйидан туз ҳам тотманглар!

Серпилнинг ака-укалари жуда ориятли болалар эди. Лекин бу Серпилни бахтли қилолмасди. У онасининг қанчалик машаққат чекаётганини яхши биларди. Аммо бошқа фарзандлар каби онасига раҳми келганини сездиришни истамасди.

Гоҳида – лўлилиги асабини бузган пайтларда, «биз лўли эмасмиз», деб ўзини овутарди. Зотан, унинг отаси чиндан ҳам лўли эмасди.

* * *

Бир куни маҳалланинг аёллари уларни мавлудга чақириб кетишди. Чақирилган жойига боришаркан, жуда ҳаяжонда эдилар. Ҳатто фоҳишахонада ишлайдиган хотинлар ҳам бунақа маросимларни ўтказиб юборишмасди. Унақада

бу хотинлар нима учун йўлда юришибди? Само ана шунини тушунолмасди.

Бир куни ана шундай мажлислардан бирида отинини ваъз ўқишни бошлаган чоғида енгил-так аёллардан бири савол берди:

– Хоним, биз кўча хотинимиз. Биз муҳим ижтимоий хизмат вакилларимиз. Биз оёқости қилинмаслигимиз керак. Лекин нимага бизни таҳқирлашади? Биз бўлмасак, эркаклар номусли аёлларга ҳужум қилишмайдими?

Даврадаги хотинлардан бири чидолмай унинг гапини бўлди:

– Сен эркакларни шунақа аблаҳ, деб ўйлайсанми?

Ҳамма жим қолди.

Аслида эркаклардан кўра кўпроқ биз яшаётган жамиятнинг ўзи аблаҳ эди. Бир аёлни қутқариш учун бошқа бир аёлни қурбон қиларди у. Бошқа муқобили йўқ эди бунинг. Боши берк кўчалари бор режимлар инсониятни фақат ана шу тахлит бошқара оларди. Шу боис ҳам расман аёлларни сотиш деб аталадиган ишни шу тарзда хаспўшлашарди.

Бир тарафда мусулмон аёлларига «нима учун рўмол ўрайсиз, эркаклар шунчалик қўрқинчлими?» деб савол беришса, бошқа томондан ўша эркаклардан кўча аёлларини ҳимоялаш учун уларга ўша рўмолларни пуллашарди. Само «Ирқимни мен яратмадим» китобидан сўнг бу муваффақиятсизликларни очик кўра бошлади.

Одамлар буларни тушуна оладиган даражага етмаганди. Аммо қаерларда хато қилинганини тушунардилар. Бироз давом этган жимжитликни бир аёл бузди:

– Бизнинг касбимиз шу – фоҳишалик, бу гуноҳми, деб сўрагандим, жавоб беролмадингиз.

Шу пайт даврадаги зиёли аёллардан бири жавоб қайтарди.

– Зинонинг савоби бўларканми?

Савол берувчи ўжарлик билан баҳсни давом эттирди:

– Бу бизнинг тақдиримиз, пешонамизга шу ёзилган бўлса, биз нима қилишимиз керак? Аллоҳга қарши исён қилайликми?

Ҳозиргина чиройли гапириб турган муаллима хоним исломни ҳали тўла-тўқис ўрганмагунча одамларга «дин – афюн» экани ҳақида маърузалар ўқиб юрарди.

– Тақдир жуда ҳам нозик масала. Сиз ҳақсиз. Аллоҳдан амр бўлмаса, ҳатто тикан ҳам кирмайди.

Муаллима хоним тўғри сўзни ноўрин жойда ишлатганди. Унинг ёнидаги аёл эътироз билдирди.

– Йўқ, Аллоҳ бу нарсани амр қилмайди. Сизга нотўғри айтишган. Муаллимлар пайғамбар эмас ва улар ҳам диний мавзуларда адашишлари мумкин. «Ҳар бир инсон гуноҳ ишларга ўз ниятига кўра йўлга чиқади, тақдирини ўзи ёздирди», дерди бобом. Зино – бу ижтимоий хизмат эмас. Уни ростдан ҳам ижтимоий хизмат деб ҳисобловчилар ўз қизини, сингисини, хотинини шу хизматга юбора оладими, ўзи келиб шу ишни қиладими?

Само борган сайин асабийлашарди. Бирдан ўқитувчиларидан бири айтган гап эсига тушди. «Ҳатто кўча аёллари ҳам камситилмаслиги керак». Фоҳишахонада ишлаётган аёллардан камида 20 нафари шу ерда эди. Улар ўзларининг

ким эканликларини очиқ-ойдин тан олишарди. Фоҳишаларни камситмасликка чақирган муаллимлари лўлиларни қандай оёқости қилганини у яхши эсларди.

Сўнг ўз-ўзига гапирди:

«Қара-я! Фоҳишалар ихтиёри ўзида бўлиб туриб, шу йўлга қадам қўйишади. Мен эса ўз ис-тагимга қарши ўлароқ, лўли бўлиб туғилганман. Нега улар эмас, мен бундан уялишим керак? У ўқиган китобда жоҳил ва пасткаш инсон ўз ирқларини сир тутиши, босим остида бўлганла-ри сабаблари яширинишга мажбур эканликлари ҳақида ёзилганди. Шундай бўлса-да, Само ҳали ҳам Меҳметга лўли эканини айтмаганди. Лекин тез орада айтиши керак.

Мавлуддан қайтишда, Самонинг эътиборини яна бир нарса ўзига тортди. Бу масалани у эна-гасидан сўраши лозим эди. Эшикдан кириши билан унга савол берди:

– Она, мен жуда кўп бузук аёлларни кўрдим, лекин уларнинг орасида битта ҳам лўли кўрма-дим. Бунинг сабаби нима?

Аёл кўзларини шифтга тикканча жавоб қай-тарди:

– Лўлилар орасида енгилтак аёллар кам-дан-кам чиқади. Улар ўз номусларини қаттиқ қўриқлашади. Аммо хато ишлари ҳам кўп.

– Унда нима учун лўлиларни бу қадар ерга уришади? Нима учун лўлилар ўз ирқидан, мил-латидан уялиши керак? Нима учун фоҳишалар қўрқмасдан «мен фоҳишаман» дейиши, бесоқол-лар ўзининг бесоқол эканини очиқ айтиши мум-кин-у, лўлилар ўз лўлилигини тан олмаслиги ке-рак? Бу қандай дунё бўлди? – Самонинг овозида

сўнгсиз исён бор эди: – Бунинг сабабини айтинг менга, она! Мен бу ноҳақликни қабул қилолмайман. Кеча бир хотинни кўрдим. Учала қизини ҳам сотяпти. Ҳеч нарса бўлмагандек. Нега номуссиз кимсаларда бор журъат бизда йўқ.

Аёл босиқлик билан унга ҳаммасини тушунтира бошлади.

– Қизим, мана қара, биз шундай бир мамлакатда яшаймизми, бу ерда номусли бўлиш айб саналади. Аўлилар олдиндан камситиб келинган. Аммо анави беҳаёларни одамлар бемалол қабул қилишади.

– Нега? Нима учун ахир?

Аёл бошини эгиб жавоб берди.

– Мен ҳам билмайман, қизим.

Серпил асабий кайфиятда у ердан чиқиб, Серпилнинг олдига борди. Серпил ўзини қўярга жой тополмасди. Само деразадан туриб, дугонасига қаради. Серпил қўлига думалоқ тароқни олганча қўшиқ куйларди:

*Тик бошинг ҳеч эгилмаса,
Қайгурма, дил, қайгурма!
Йиғлаганинг билинмасин,
Қайгурма, дил, қайгурма!*

У ердан ҳам чиқиб, торкўчалар оралаб уйига қайтаркан, Само дарсликлардан бирини қўлига олиб, зўрма-зўраки дарс тайёрлашга киришди.

* * *

Орадан бир неча кун ўтиб, Серпил дўконга кетаётиб, Самони учратиб қолди. Унинг йиғлагани билиниб турарди.

Серпил унинг наздида нажоткор фаришта бўлиб кўринди. Ёлвориб, ундан ёрдам сўради.

– Серпил, илтимос, ёрдам бер. Уйимиздагилар мени эрга беришмоқчи. Биласан, сендан бошқасидан ёрдам кутмайман. Тоқатим тоқ бўлди. Охири Меҳметга ҳаммасини айтдим. «Ўли қизи эканимни билганинг ҳолда менга уйланармидинг?» деб сўрадим. Қаердан жасорат олганимни билмайман. Ўқиган китобларим фойда берди чоғи. Меҳметга ёзган хатимни воситачим Садо орқали юбордим. Ҳозир жуда сиқилияпман. Сен Меҳметнинг ёнига бор, унинг фикрини бир ўрганиб бер. Меҳметдан ҳали жавоб келмади. Сенсиз ўламан, дерди. Ним бўлдийкин?

Серпил паришон аҳволда эди.

– Э воҳ, ишлар расво бўлди. Агар у рози бўлмаса-чи?

Само нима қилишини билмай турарди.

– Нима бўлса, бўлар! Қачонгача буни сир сақлайман? Ҳозир жасорат топиб ёздим. Ахир мен ҳам инсонман-ку, тўғрими? Мени ҳам Худо яратган-ку? «Бу Аллоҳнинг изни. Агар у истаса, менинг онамдан сен, сенинг онангдан мен туғилишим мумкин эди. Самони чақирганимда онам шубҳаланди. Мени кўчага ҳам чиқармай қўйди. Онам бозорга кетганидан фойдаланиб, сенинг ёнингга қочиб келдим.

Серпил ҳам акасидан кўрқарди.

– Мен Меҳметларникига борганимни билса, акам мени тириклай гўрга тикади. Аммо, начо-ра. Сен учун ҳаммасига розиман. Ҳозир бораман.

Серпил кўп ўтмай Меҳметни қидириб топди. Меҳмет уни кўриши билан қизиқиб сўради:

– Тинчликми, Серпил? Қайси шамол учирди?

– Сенинг шамолинг! Само сенга мактуб юборган экан. Ҳали ҳам жавоб ёзмабсан. Қиз бечора ҳозир оғир вазиятда.

– Ишонасанми, Садо хатни ҳозиргина опкелди. Ишонмасанг, ана Садодан бориб сўра. Мактубни энди ўқишни бошлагандим. Мана, бирпас кутиб тур.

Меҳмет унинг олдида хатни очиб ўқишга тушди. Ўқиркан, унинг кўз қорачиқлари кенгайиб, киприкларига жиққа ёшга тўла борди. Ўқиб бўлгач, деворга суянганча, ҳўнграб юборди:

– Оиламиз... оиламиз уни қабул қилмайди! Мен эса усиз яшолмайман. Энди нима бўлади, Серпил? Айт, мен нима қилай? Уйимиздагилар унга уйлантиришмайди. Мен уни олиб қочиб кетаман. Унга бориб, саломимни айт. Агар уйдагиларни кўндиrolмасам, уни опқочиb кетаман. Тайёр турсин.

Меҳмет кўз ёшларини артиб қўшимча қилди:

– Ўлимдан бошқа ҳеч нарса уни мендан ажрата олмайди. Бориб айт унга! Мен ҳозироқ оила аъзоларимга вазиятни айтаман. Тез орада сенга маълум қиламан. Сен ҳам бориб унга айтасан. Айтиб қўй, ҳеч ким ортидан таъқиб қилиб чиқмасин. Ўлдириб қўйишим мумкин. Ўли бўладими, бошқасими – фарқи йўқ. Мен уни севаман, ким бўлишидан қатъи назар. Ҳозироқ бориб онам билан гаплашаман. Уч соатдан кейин сизнинг уйингиз орқасидаги бурчакда мени кутсин. Уларнинг кўчасидан ўтган киши бўлиб, мактубни тушириб қолдираман. Келиб дарров олсин.

Улар шу тахлит келишилган жойда кўришишди. Меҳмет жуда афтодаҳол эди. Самони кўри-

ши билан, ким кўрса кўрар, эшитса эшитар, деб қизга юрак дардини тўкишга тутинди.

– Эҳ Само, сени деб қанчалик ёниб-куйишим-ни билсанг эди. Динимизга кўра, лўлилар билан турмуш қуриш мумкин эмас экан. Никоҳ ўқилмас экан. Мен энди нима қилай? Нима қилай, менга бир маслаҳат бер.

Дунёда яшаш шартлари бир-бирига боғлиқ эмас. Аммо ёш йигит буни англамоқдан ожиз эди. Зеро, бу дунёда нима учун ва қандай яшашимиз лозимлиги мактабларда ўқитилмайди. Мураккаб дастур асосида давом этаётган ҳаёт бизга тасодиф дея ўргатиларкан, тасодифга мажбур қилинганлар ҳаётни ўз истакларига боғлиқ деб ўйлашади. Энг оддий ташвишлардан кейин ҳам тасодифий ёки бошқа биров тарафидан эмас, ўзлари учун берилган ҳаётни тарк этишга қарор қилишарди.

Меҳметга тасалли бергач, Само кўз ёшларини оқизиб, уйига қайтди. Ўзининг ҳам тасаллига эҳтиёжи борлигини унутиб, Меҳметнинг ташвишларига ўралашиб қолганини англаганидан сўнг ўзига раҳми келди. Яхшиямки, у бир қанча китобларни ўқиганди. Инсон ўз-ўзини бошқара олмаса, изтироб тўла ҳаётида жаҳаннам азобини чекишга мажбур бўлади.

* * *

Воситачилик учун борган Садо ҳам бу ҳолатдан қаттиқ афсусда эди. Ўзи севгилисига етишганди. Бошқалар ҳам ўз муродига етишини истарди у. Самодан ҳамдардлик ила сўради:

– Нега ноумид бўляпсан, Само! Ўзингни қўлга ол. Бардам бўл. Кечадан бери худди ўн ёшга

улгайгандек чукиб қолибсан. Сенга нима бўлди?

– Нима бўларди? Лули қизига уйланиб бўлмасмиш, сен буни билармидинг? Никоҳ ўқилмас экан. Ахир мен никоҳсиз, ўйнаш бўлиб яшайманми? Менинг ҳам диним, иймоним, ор-номусум бор. Буларни орзу ва истакларим йўлида ёки бир йигит учун қурбон қилолмайман.

Само кўз ёшларини тиёлмай, давом этди:

– Гапни қара, Садо, бизга уйланиб бўлмасмиш. Биз лаънатга учраган. Қаргалган қавм эканмиз.

Садо ҳам хийла ўзини йўқотиб қўйганди:

– Қанақасига? Нима учун лаънатга учрарканмиз? Ўғрилиқ, талончилик туфайлими? Бошқа миллатда ўғри ва қароқчилар йўқ эканми?

Само энди очиқ-ойдин йиғлашга тушди:

– Лекин, Садо, сен ҳеч нарсани билмайсан-да! Лў билан Ли исмли ака-сингил оила қуришади. Лўлилар ўшалардан тарқаганмиш. Фақат шуми? Лўлилар яхудий бўлиб, битта гишт парчала-ниб кетадиган даражада ювинмагунча мусулмон бўлмас эмиш. Сен буларни эшитмагансан. – Само ўйловли қиз эди. Исёни ҳам мантиққа асосланган эди. Ўзининг саволига ўзи жавоб бермоқда эди. – Бунақаси кетмайди. Бизни ҳам Аллоҳ яратган-ку? Аллоҳ ҳеч қачон айирмачилик қилмайди.

Самонинг кўзларидан шашқатор бўлиб ёш оқарди.

– Ҳамма муаллимлар шунақа дейишади. Биз билан оила қуриш мумкин эмас экан. Ақлдан озишим ҳеч гап эмас.

Улар ана шу кунларни бошдан кечираётган пайтда икки-уч калимани ёд билиб, диний қў-

шиқлар айтиб юрадиганларни ҳам домла дейишарди.

Қиз ҳамон ҳўнграб йиғлаганча, давом этарди:

– Мен ўзим истаб лўли бўлиб туғилмадим-ку? Нима қилай? Йиллар давомида ҳатто лўли эканимни айтишга жасоратим етмади. Ниҳоят, куч топиб, гапирганимда, мана, нима бўлди. Бунақа бўлишини қаердан билай? – Кўзларини артиб давом этди. – Бир неча марта синаб кўрдим, бўлмади. Охири кеча хат ёздим. Биламан, у ҳам қийин аҳволда. Аммо нима қилай? Қўлимиздан ҳеч нарса келмаса...

Само бирдан болалик даврини эслади. Ҳар гал тасбеҳ ёки жойнамозга кўзи тушса, ичи жиз этарди. Қаердаки, «Ҳазрати Муҳаммад» деган ёзувга кўзи тушса, кўзига сургиси келарди. Мавлуд кечаларида, таробеҳ намозларида такрорланадиган «Аллоҳумма солии ъала, саййидина, Муҳаммаддин набиййин уммиййин ва ъала аълиҳи ва соҳбиҳи вас саллим» саловоти ўқилганда, Само бениҳоя тўлқинланиб кетарди.

Пайғамбарга нисбатан муҳаббат бўлиши қандай гўзал? Кейинчалик унга «Пайғамбар лўлиларни ёмон кўрган» қабилидаги ёлғонларни айтишганда бу муҳаббат оташи бироз пасайгандек бўлди. Самонинг Пайғамбарга нисбатан севгиси Серпилникидан фарқли эди.

Яна ўша масала билан юзма-юз қолганди. Туйғуларини ўзи ҳам тушунмай қолди. Яна қаерда Аллоҳ ва Пайғамбар исми тилга олинса, юраги дукиллаб урарди.

Само Серпилнинг сўзларини эслади: «Сиз бизни севмасангиз ҳам, биз Сизни севамиз ё Муҳаммад! Аслида Сизнинг одам ажратишин-

гизга ишонмайман. Мен энди буларни яхши биламан».

Икки дугона маҳзун хайрлашдилар.

Эртаси куни Само Серпилнинг ёнига келиб, шишган кўзлари ва паришон ҳоли билан ундан ўтинди:

– Серпил, бугун Меҳмет билан учрашаман. Юр, бирга борамиз. Бир ўзим боришга юрагим бетламаяпти.

Само онасининг ошхонада эканига ишора қилиб, пичирлади:

– Секинроқ, онам эшитиб қолса, ишқал чиқади. Воситачи қизларни жинидан баттар кўради. Билиб қолмасин.

Дугонаси бир йўлини топганди.

– Бозорга бориб келамиз, десак бўлармикин? Бугун кўришмасам бўлмайди-да!

Серпил онасини бир амаллаб кўндириб, дугонаси билан кўчага чиқди. Оқкўнгил одамларни алдаш жуда осон. Шўрлик аёл қизнинг гапига чиппа-чин ишонди. Серпил билан Само файтончилар кўчасидан чиқмасдан, лўлилигидан нафратланадиган Салимага дуч келишди. Салима ҳам Серпилнинг онаси сингари лўли бўлгани учун эри томонидан кўчага қувилган бир хотин эди. У лўлиларни таҳқирлашларидан эмас, руҳан ўзидан, ўз наслидан, лўлигидан нафратланар, ўзининг лўли эканига асло кўниколмасди.

У Самонинг ташвишидан хабардор бўлса-да, ҳеч нарсани билмагандек сўради:

– Ҳа, қизлар, йўл бўлсин? Учрашувгами, дейман? – Қизлар бир-бирига қараб қолишди. Аёл давом этди: – Эҳтиёт бўлинглар. Сизлар лўлисиз. Севгилингиз бўлса, ундан яшириб ўтирманг. Ма-

салан, мен лўли бўлмасам ҳам, мени кўпчилик лўли деб ўйларди. Эҳ, ўшанда қайнонам, қайнотам менга нималар қилишганини билсангиз эди. Мен кўрганларимни сен кўрмагин, Саможон!

Само шошилиб турган бўлса-да, тажрибага эҳтиёжи бор эди.

– Бир куни ёнингизга келсак, бошингиздан ўтганларни айтиб берасиз, хўпми?

Салиманинг ичи тўлиб тошган, кимгадир дардини дастурхон қилгиси келарди.

– Албатта, бугун тушдан кейин келинглари унда.

Само ҳам тушдан кейинги фурсатни кутадиган ҳолатда эмасди. Салима ҳам аҳволни тушунган, «Йигитинг билан мени таништир, сенга муносибми, йўқми, фарқлай оламан», деганди. Само ҳам тажрибаси бор, дея, Серпилни уйига юборган, ёнига Салима опасини олганди. У тушунарди. Ҳарқалай табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб.

Куз кунлари эди.

Шиддатли шамол дарахт шохларини кескин силкитар, дераза ойналарини аёвсиз саваларди. Учрашув жойига боришаркан, Салиманинг юзи совқота бошлади. Икки дугона ўз ирқи туфайли чекаётган азиятлар уни қаттиқ ташвишга солганди. Самога бирор баҳона айтиб, ортга қайтмоқчи ҳам бўлди, чунки уларнинг йиғлаб туришларини кўрмоқчи эмасди.

– Само, мен қайтсам бўладими? Жуда ҳам совқотдим.

Само тараддудланди:

– Салима опа, сизга ишониб, Серпилни ҳам уйига қайтариб юбордим. У билан учрашгандан

сўнг, эҳтимол, жуда тушкунликка тушсам-чи? Ким менга тасалли беради? Юраверинг. Мени бунақа оғир дамда ёлғиз қолдирманг. – У кўз ёши билан давом этди. – Ўзи оёғим тортмай турибди. Опажон, мен ўляпман, ахир. Сиз мени тушунмаяпсиз.

Салима «бўпти, борамиз» деган чоғда улар аллақачон манзилга етиб келишганди. Меҳмет уларни қарши олди. Мук тушиб ўтирган йигит уларни кўриши билан оёққа турди. Йигит ва қиз бир-бирининг юзига қарай олмас, фақат унсиз йиғлашарди. Ниҳоят, бу сассиз саҳнани Салима бузди:

– Шундоғ тураверасизларми? Тезроқ гаплашиб олинглар, кетайлик. Бу қанақа мотам?

– Бундан ортиқ мотам бўладими? Мен Самосиз қандай яшайман? Уни болалигимдан бери севаман. – Йигит бошига муштлаб давом этди. – Аллоҳим, бу нима кўргилик? Ўзинг мададкоримиз бўл!

Сўнг Меҳмет Самога ўгирилди:

– Жоним, нега буни менга аввалроқ айтмадинг? Нега?

Қиз Меҳметнинг юзига истиҳола билан аранг қарай олди.

– Менга уйланмайсан, деб қўрққандим. Нима қилай, сени йўқотишни истамадим. Лекин қўлимда бир китоб бор. Уни икки йил аввал ўқигандим. Ҳозир қайтадан ўқияпман. Унда бир йигит ўз қабиласида мавжуд бўлган қатъий тақиқларга қарамай, ўзи севган қизга уйланади. Уни ўлим жазоси кутарди. Сенда ҳам ўшандай юрак, жасорат бор деб ўйлаб, сенга ёздим. Сен эса, «мен розиман, аммо динимизда рухсат йўқ»,

деяпсан. Осон эмас. Албатта, сен учун ҳам, мен учун ҳам бунинг катта масъулияти бор. Аммо...

Қизнинг тараддудини кўрган Салима ташаббусни қўлига олди:

– Менга қара, Само! Жаҳлимни чиқаряпсан. Ҳатто ўз қизини сотадиган гажилар ҳам сендек тортинмайди, хижолат чекмайди. Сен нимадан уяляпсан? Агар сен ўзингни шунақа ерга урварсанг, бошқалар бошига кўтарармиди?

Салима ғалати аёл эди, гоҳида ўзини ҳам бошқаролмай қоларди. Бирданига ўзи ҳам қавмини яшириб юриши эсига тушди... Ўзини лаънатлаб давом этди.

– Нимага бунақамиз, билмадим. Сизлар гаплашаверинглар. Мен нарироқда кутиб тураман. Мен кўз ёшларни кўришга тоқат қилолмайман.

Меҳмет ҳамон йиғидан тўхтамаганди:

– Жоним, нимага буни менга айтдинг? Нимага? Сенсиз нима қиламан? Шуни ўйламадингми?

Само йиғи аралаш қичқирди:

– Нима фарқи бор? Нима ўзгарди? Сўрама, дедим-ку, Меҳмет, бошим шунақа оғрияптики, ҳеч нарсани ўйлолмаяпман. Онангга айтмадингми?

– Айтдим. Улар ҳам роса хафа бўлишди. Муслмонлар лўлига уйланиши мумкин эмасмиш. Уйдагилар, йиғиштир карам шўрвангни, дейишди. Лекин... айтишга осон! Ўзимни қўйишга жой тополмаяпман. Сендан айрилгим келмаяпти. Бу мумкин эмас. Илтимос, мени тушун, бир чорасини топармиз.

Чорасизлик ичида қолган Меҳмет ҳар қандай ишга ҳозир эди. Мияси лўққиллаб оғирирди. Бирданига эсига нимадир тушдими, кўзлари чарақлаб кетди:

– Бўлди, топдим. Унда мен ҳам лўлига айланаман. Сен рад этмасанг, бўлгани. Мен лўли бўлсам, муаммо ҳал бўлади-қўяди. Ҳеч ким қабул қилмайдиган бўлса, сен билан бирга қочамиз.

Йигитнинг кўз ёшлари қизнинг юрагига найзадек ботарди. Икки ёш бир қарорга келди. Меҳмет лўли бўлади! Лекин қандай қилиб? Иккиси ҳам шу ҳақда бош қотирарди. Илмсиз жамиятнинг илмсиз болалари бир хатони қўйиб, иккинчисига ўтишмоқда эди.

Бир томондан Меҳмет билан Салима, бошқа тарафдан Само билан Серпил кейинги кунлари лўли бўлмаган бир инсоннинг қандай қилиб лўли бўлиш мумкинлиги ҳақида бош қотиришарди. Кимдан сўрашса, «Бунақасини биринчи эшитишим», деб турарди. Уларнинг ҳар тўрталаси қўлларидан ҳеч нарса келмаслигидан қайғуга ботишарди. Салима Самонинг дардини англагани учун уни юпатишга киришди:

– Шу ерда бир қарама-қаршилиқ бордек. Ўғри лўлилар билан лўли бўлмаган ўғриларнинг қиз олиб, қиз бермаслигини тушунса бўлади. Лекин яхши лўлиларнинг қизини нима учун яхши бир оила келин қилмаслиги керак. Боз устига қиз дурустгина бўлса?

Улар ўзлари тўғри деб билган ҳар нарсани бир-бирларига айтишарди. Шу тариқа ичларидаги исён оловини ўчиришга уринишарди. Аммо, ҳар не қилишмасин, ҳаракат нуқталари хато бўлгани учун улар боши берк кўчада эдилар. Бир қадам ҳам олдинга юра олишмас, очик кўчага қандай кириш мумкинлигини ҳам билишмасди.

Салима билан Само, ниҳоят, хайрлашишди. Салима уйига қайтаркан, боши ғувилларди.

«Лўли бўлишнинг имкони бўлса, мен ҳам лўли бўламан», деган гапини у ҳеч ҳам унутолмасди. Ажрашган эри тушди ёдига. У хотинининг лўли қавмидан эканини билгач, унга бўлган муҳаббатидан асар ҳам қолмаганди!

Уйига яқинлашганида, шом азони эшитила бошлаганди. Азон овози келган тарафга қараганида, баланд миноралар кўзга ташланди. Бир муддат минораларга термилиб қолди. Ўзи сезмаган ҳолда минғирлади.

– Модомики, бизни ёқтирмас экан...

Бўғзига нимадир тиқилгандек бўлди. У ҳам нотўғри «фатво»ни эшитган, унинг юрагида яширин бир ғазаб вужудга келганди. Дафъатан бир қўрқувни ҳис этиб, шаккок ўйларни миясидан қувишга уринди. Қатъий қарорга келди: эртага Само билан бирга бирор мулланинг ёнига бориб, бу масалага аниқлик киритади. Зотан, бир-бирини жондан ортиқ севган икки инсон мавҳум бир сабабга кўра ажрашиб кетишини у истамасди. Унга ҳеч ким ёрдам қилмасди, аммо у бошқаларга ёрдамлашарди.

Само ўша кечаси ухламади. Салимани кўриши билан хурсанд бўлиб, у томонга отилди.

– Кел, опажоним, сен менга ҳозир жуда ҳам кераксан.

Салима шивирлаб жавоб берди:

– Юр, бир имомга бориб, бу масалани яхшилаб ўрганамиз. Бу масала менинг ҳам иззат-нафсимга тегяпти. Меҳметга ҳам жуда ичим ачиди.

Само онасини аранг кўндирди. Салиманинг таъсири остида ундан рухсат олди. Кўчага чиққанларида Само Салимадан сўради:

– Нега фақат Меҳметга ичингиз ачишади? Мен одам эмасманми? Аслида менга кўпроқ ачинишингиз керак эмасмиди?

Салима қадамларини тезлатиб, жавоб берди:

– Сен унинг устунроқ кўринадиган ирқига кириш учун урияпсан. Аммо у сени ўйлаб, сенинг камситилиб келинаётган қавмингга киришни истаяпти. Фарқини сезяпсанми? Шу сабабли кўпроқ унга ачиняпман, дедим. Аҳволини кўрмадингми?

Қайси мавзуда сўз бошлашса, гап бориб, Меҳметга тақаларди.

Салима таксига ўтирган пайтларида, сут қайнатаётган қозоннинг тагини ўчирмагани эсига тушди. Само билан бирга уйига бораётган Салима гапира-гапира эшикни очди. Салиманинг уйига бир неча марта кирган Само уйнинг қанчалик тозалигига эътибор қаратди. Уйдан озодалик ва покизалик уфуриб турарди. Ҳолбуки, ташқарида Салимани кўпчилик «фаросатсиз аёл» деб маломат қиларди.

Ўтирар-ўтирмас, Само сўз бошлади:

– Салима опа, бошингиздан ўтганларни айтиб бермоқчи эдингиз, ҳозир айни вақти.

Салима закий аёл эди. Кулимсираб жавоб берди:

– Сен менинг ўтмишимга эмас, ўз келажагингга қизиқяпсан, тўғрими? – Бош чайқаб сўзида давом этди. – Майли, айтаман. Мен кўрганларни сен кўрма, қизим. Олдинроқ билганимда эди, ўз қавмингдан бошқасига кўнгил қўйма, дердим.

Само унинг сўзини бўлди:

– Сиз ўз кечмишингизни айтиб беринг, қарорни мен ўзим чиқараман. Сизнинг аҳволингиз

ҳам меникига ўхшайдими йўқми, шунини билмоқчиман.

Аёл бир ҳўрсиниб олди-да, давом этди:

– Довуд билан бир-биримизни севардик. Оила қурдик. Кошки, унга тегмасам эди. Тириклай гўрга тикишди мени. Эрим сал жаҳли чиқса «айб ўзимда, лўлининг қизига уйланмаслигим керак эди», деб туриб оларди. Эҳ, буларни ҳечам унутмайман. Уйга бирор меҳмон келадиган бўлса, менинг лўлилим очилиб қолмасин деб ўзларини ҳар куйга солишарди. – Аёлнинг эсига нимадир тушдими, дарров, тузатиш киритди. – Ўзи мен лўли эмасман. Гаччоман.

Самонинг жаҳли чиқди:

– Гаччо деган сўзни биздан бошқалар ишлатмайди-ку? Нега ўзингизни сир тутасиз? Ўзингиз лўлиларни камситиб турибсиз-ку, бошқалардан яна ҳурмат кутасиз-а? Ҳатто ўғри ҳам, ғар ҳам, қўшмачи ҳам ўзининг кимлигини тан олади. Ўз боласини сотганлар ҳам қилмишидан уялмайди. Лекин биз, биз уяламиз, холос.

Салима афсус билан Самога ўтирилди.

– Албатта, уяламиз. Бизникилар ўғрилиқ қилишади, одамларни алдашади, фол очиб, найранг ишлатишади. Қани, лўлилар орасидан чиққан бирорта доктор, бирорта депутат борми?

Само лўли эканлиги сабаб мактабга олинмаган болаларни эслади:

– Қаердан ҳам бўлсин? Ахир лўлининг боласи бўлгани учун мактабга қабул қилишмаса, улардан қанақасига доктор чиқсин? Ўғри ва фирибгарлар бошқа миллатларда ҳам бор. Депутатлар ҳам бор, аммо уларнинг кўпчилиги ўз наслини сир тутеди. Мана, Тепажик маҳалласига бир қа-

ранг, қанчаси ўғрилиқ қилади? Уларнинг тўқсон фоизи очидан ўлса ҳам бировнинг нонига кўз олайтирмайди. Аммо ҳаммасига ўғрига қилинадиган муомалани қилишади. Истанбулда Драман, Қосимпошо, Тўпхона ва Султон маҳаллаларида ҳам лўлилар яшайди. Улар орасида яхши одамлар, асл инсонлар кўп. Уйларига кирсангиз ёғ тушса ялагудек. Ҳаммаси виждонли, ҳалол одамлар. Аммо уларга неча киши ишонаркин? У ерда менинг қариндошларим, танишларим бор. Аммо улар ўзларини худди қилган жинойти учун қочиб юрган жинойтчидек тутишади.

Само ичидан тошиб келаётган ғазабини тутолмай оёққа қалқди:

– Бунақа ноҳақлик қачонгача? Мен ишга киришаман. Ўйлаганим сари қаҳрим келяпти.

Яна нималарнидир гапирмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. Салимага ўтирилди.

– Қўй буларни, кейин нималар бўлганини айт!

– Кейин менинг лўилигимдан...

Аёл бирдан каловланди. Кейин ўзини қўлга олиб, давом этди:

– Менинг лўилигимдан шунчалар уялишар эдики, қаерга боришса, мени ўзлари билан олиб юрмайдиган бўлишди. Эрим ҳам мен билан юришга ор қиларди. Бир пайтлар «сенсиз яшолмайман» деб юрган одам йўқолган, ўрнига бошқаси келганди. Жуда ғазабнок эдим. Аёл киши учун ўлимдан-да ёмони – бу ўз эри томонидан камситилишини билишдир. Имконим бўлганида, бутун дунёга ёлворардим, «илтимос, ўз аёлингизни хўрламанг», деб. Мен уни қанчалар севардим. Мени ёқтирмаслигини билгач, ҳисларим елга соврилди. Ҳар куни «Ё Раббим, нима

учун мени лўли қилиб яратдинг?» деб тавалло қилардим.

Бир куни эримнинг пули йўқолди. «Бу уйда шу пайтга қадар ҳеч кимнинг пули йўқолмаган», деди эрим юзимга тик боқиб. Мендан шубҳаланаётганини сездим.

– Нега бунақа қараяпсиз? Мен умримда ўғирлик қилмаганман. Мендан шубҳаланманг, – дедим.

Гапимга қулоқ солармиди? Бутун оила қарор чиқариб бўлганди. Ўғирлик фақат лўлиларгагина тегишлидек, «сендан бошқаси олиши мумкин эмас, бизнинг оиладан ҳали ўғри чиқмаган, биз асил оиламиз», деб туриб олишди.

– Аслида менинг оилам асил, – дедим йиғлаб. – Агар сиз менинг онамнинг ўрнида бўлганингизда, билмадим, нималар қилардингиз. Онам ҳали келинлик пайтида отам одам ўлдириб, қамалди. Онам ўн етти йил номусини асраб, гул сотиб тирикчилик қилди. Бизни ҳам номусли қилиб тарбиялади. Кўчага чиқса ясаниб чиқмасди. Бегона эркаклар у ҳақда ёмон хаёлларга боришига йўл бермасди. Бундан ортиқ асил оила яна қаерда бор, деб фарёд солдим.

Само ўзини қўлга олганди.

– Қойил. Салима опа, Барака топинг. Анча хотиржам тортдим.

Аёлнинг кўзлари ёшга тўлиб, олдига қаради:

– Аммо фойдаси бўлмади. Улар ўз билганларидан қолишмади. Мени ўғирламаган пул учун ўғрига чиқаришди. Аҳмоқлигим сабабли, барибир тишимни тишимга босдим. Чунки эрим мени севмаса ҳам, мен эримни севардим. – Салима хоним кўз ёшларини тиёлмай изтиробли

ҳикоясини давом эттирарди. – Қизиги, ҳамон уни унутолганим йўқ. Аҳмоқман, ростдан ҳам. Шу сабабли ҳалиям эрга тегмадим... Кунларнинг бирида унинг кўйлагини дазмоллаб тургандим. Ўзига айтолмаган гапларимни кўйлагига айтиш билан овора эдим. Эшик тақиллади. Почтачи келган экан. Эримдан ажрашиш ҳақидаги ҳужжат келган. Турган еримда қотиб қолдим. Ўзимга келганимда кўйлагим ёниб, олов таглик тахтага ҳам ўтган, уйни тутун қоплаган эди. Кўп ўтмай ўзи ҳам келди. Кўзлари қип-қизариб кетганди.

– Нима бўлди, – деб сўради. Ҳаммасини айтиб бердим. У курсига ўтираркан, пешонасини қашлаб, жавоб берди:

– Нима қилай, Салима? Ҳамма, айниқса, яқинларим тинимсиз мен билан тортишадиган бўлишди. Одамлар орасида бош кўтаролмай қолдим.

Ўша кун кечқурун уч қаватли уйимизнинг учинчи қаватидан ўзимни ташладим. Аммо ажалим етмаган экан. Ўлмай қолдим. Мени касалхонага олиб кетишди. Бир ой ётдим. Касалхонадан чиқиб, қайтиб у уйга бормадим. Касалхонада ҳам у эрим эканини айтишга ор қилгани учун, бир танишим деган экан. Шундан кейин ҳам унинг уйига бора олармидим? Суд қарори билан ажрашдик. Қисқаси, емаган сомса учун пул тўладим. Биргина айбим – ўзим истамаган қавмга мансублигим эди. Ҳа, бу аччиқ, жуда ҳам аччиқ бадал эди. Яна нималарни айтсам бўларкин? Шунинг учун азизим, ҳеч қачон сенинг лўли эканингни билмаган гаччоларга эрга тегма. Улар ўзларини биздан устун кўриб, хўрлашади. Муттасил эрга уришади. Худди ўзлари истаган онадан туғилиб қолишгандек.

Имомга бориш учун йўлга чиққанларини негадир унутиб қўйган Само Салимани диққат билан тинглаб, ўз қарорини маълум қилганди. Меҳмет «ўламан Саттор» деса-да, унга тегмаслик ҳақида ўйларди. Аммо бу иш унинг қўлидан келадими-йўқми, ўзи ҳам билмасди. Чунки у туйғуларига қарши чиқолмасди.

Улар ислом нима эканлиги билинган бир оламда, исломни тилга олган ҳар бир кимса мулла деб эълон қилинадиган мамлакатда яшарди. Ниҳоят, улар бир сохта муллани ҳам топишди. Ҳақиқий устозга етолмасликнинг бадалини улар ҳам тўлашлари лозим эди.

Домла уларни сиполик билан қарши олди:

– Қани, келинг, ўтиринг-чи? Нима дардингиз бор?

Салима ва Само бир-бирига қараб қолишди.

Само бир бошдан ҳамма гапни айтиб бергач, сўради:

– Сиз айтинг, устоз, бизнинг гуноҳимиз нима? Ахир лўли бўлиб туғилишни биз истамаган эдик-ку? Шунақамасми?

Домла бошини чайқаб жавоб берди:

– Тўғри, бу сизнинг ихтиёрингиздаги масала эмас. Тақдирингиз шунақа экан. Тақдирни ўзгартириб бўлмайди.

Само тўлиб турган эди:

– Биз нима қилайлик, тақсир? Бизга уйланиш мумкин эмасми?

Домла қироат билан давом этди:

– Уйланишми? Лўлиларга-я? Асло... бу асло жоиз эмас! Ҳеч бир мусулмон лўлига уйланиши мумкин эмас.

– Лўли мусулмон бўлса ҳамми?

Исломни фақатгина эртақ китоблар орқали ўқиб ўрганган жоҳил домла ўз фатволарини давом эттирди:

– Лўлидан мусулмон чиқарканми? Улар лаънатланган қавм. Истасалар ҳам мусулмон бўла олишмайди. Аввал яҳудийликни қабул қилиши, кейин эса битта ғиштни баданига ишқалаб, то у тамом бўлгунича чўмилиши керак.

Само йиғламсираб ўз эътирозини давом эттирди:

– Ахир ғиштни минг йил баданга ишқаласа ҳам у тамом бўлмаслиги маълум-ку? Ахир биз мусулмон бўлишни истасак, нима учун яҳудийликни қабул қилишимиз, нима учун баданимизга ғишт ишқалашимиз керак? Бир одам гуноҳга қўл урганлар ҳам ҳеч қанақа ғишт ишқаламасдан, мусулмон бўлишади-ку? Нега биз бўлолмас эканмиз?

Халқ домла деб билган жоҳил яна «донолик»ни давом эттирди:

– Сиз лўлимиз деманг, тамом вассалом, синглим. Ахир тақдирингиз шундай бўлса, нима ҳам қилардингиз?

Само Аллоҳнинг бундай ҳукм чиқаришига ишонмаслиги боис, сўради:

– Лекин бу қандай адолатсизлик? Аллоҳ бундай ҳукм чиқариши мумкин эмас! Балки хато қилаётган бўлманг!

Домла файласуфона турқ билан ўрнидан туриб, кутубхонасига йўл олди.

– Тўхтанг, тўхтанг! Мен ўзимча гапираётганим йўқ. Мана ўша манбалар! Истасангиз шулардан ўқиб бераман.

Домла Қора Довуд муаллифлигидаги китобни олди. Орифлик ила тўғри ва нотўғри маълумотлар билан тўлиб тошган, Қора Довуд томонидан шарҳланган «Далойили Хойрот» китобини варақлашга тушди. Шу аснода ўз-ўзича гудранарди:

– Қаерда қолди-я? Ҳа-а, эсимга тушди. Ҳазрати Иброҳим қиссасида эди. – Бир муддат варақларни аралаштириб, худди пойгада ғалаба қозонган отдек кишнади. – Мана, топдим. Бу эски китобда ёлғон гаплар бўлиши мумкин эмас. Мана, шунинг ичидан топамиз ҳозир.

Самонинг юраги тўхтаб қолгудек эди. Мулла эса алоҳида ихлос билан Ҳазрати Иброҳим қиссасини ўқишга тутинди. Тезлик билан битта бўлимни тугатиб бўлгач, ўзи қидирган жойини топди.

– Мана, мана бу ерини эшитинг: Иброҳим алайҳиссаломни кофирлар ясаган манжаниқ тоши устига ўтқаздилар. Аммо тош жойидан силжимади. Шу орада шайтон етиб келди ва кофирларга маслаҳат берди. Давомини мана шу манбадан ўқиймиз.

«Шайтон орага кирди.

– Эй Намруд, бир эркак ва аёлни олиб кел. Манжаниқнинг қаршисида ҳамманинг кўз ўнгида зино қилсинлар!

Намруд бу ишни қила оладиган эркак ва аёлни топишни буюрди. Бироқ ҳеч ким бу шармандали ишга рози бўлмади. Аммо бир ака-сингил шу ишни қилишга розилик билдиришди. Акасининг исми Лў, синглисининг исми Ли эди. Ака-сингиллар бутун халойиқнинг кўз ўнгида ана шу ра-

золатга қўл уришди. Ўша ерда бу ҳолга гувоҳ бўлган аҳли жамоат бу ака-сингилга лаънат ёғдиришди. Кейин улардан тарқаган фарзандларга Лў-Лининг болалари деб от қўйдилар».

Домла китобни ўқиб бўлиши билан яна қаршисидаги меҳмонларга юзланди:

– Ана, кўрдингизми? Буларни мен ўйлаб топганим йўқ. Китобда шунақа ёзилган.

Само яна исён кўтарди:

– Бу китоб Аллоҳнинг каломи эмас-ку? Ёлғон бўлиши мумкин эмасми? Бунинг ёзган одам шу ҳодисани ўз кўзи билан кўрибдими? Қуръони Каримда ҳам шу ҳодиса тилга олинганми? Ҳадиси шарифда-чи?

Домла оғир-оғир жавоб берди:

– Азизим, бу китобни профессорлар, баъзи илоҳиёт муаллимлари таржима қилишган. Ёлғон бўлганида, улар бунақа туҳмат гапларни таржима қилишмасди. Лоақал таржима қилиш пайтида, шу ёлғон қисмни чиқариб ташлашарди.

Самонинг кўз ёшлари бошқа, Самонинг кўз ёшлари яна бошқа нарсалар учун оқарди.

Само ҳиқиллаганча, эшик томон юрди:

– Майли, кетдик. Мен ҳали бу масалани суриштираман. Кўрамиз, Қуръонда ҳам шунақа гаплар бормикин? Мен фақат Аллоҳга ишонаман. Икки бемаза ака-сингилнинг хатоси учун бегуноҳ одамлар то қиёматга қадар азият чекишлари мумкин эмас.

Орадан кунлар ўтди. Бу орада Меҳмет ва Самонинг муносабатлари ҳам совиб бўлганди. Само ҳам бу масалага ортиқ эътибор бермай қўйди.

Бир куни газетада чиқан бир хабар Серпилнинг эътиборини тортди. Унинг бутун фикризикри хонанда бўлиш эди. У хабарни қайта-қайта ўқиб чиқди.

*«ТИКОФИШ» Санъаткорлар уюшмаси
қўшиқлар танловини ўтказмоқда. Бу танлов бутун Туркия миқёсида бўлиб ўтади.*

Серпил ўз олдида бир мақсад қўйганди. Бу танловда у, албатта, қатнашади. У бола боқишдан чарчаганди. Қолаверса, у онасининг дардини ҳам яхши тушунарди. У энди онасининг орзуларини амалга оширишни орзу қиларди. Серпил билмаса ҳам, шайтон ва болаларни оч қолганларга ҳар доим ҳаром йўллارни тарғиб этарди.

У газетада чиққан эълонни қирқиб, чўнтагига солиб қўйди. Дераза олдида келиб, ташқарига қаради. Босиб ўтган йўللарни кўз олдида келтирди. Ҳар куни хонанда бўлиш ҳақида орзу қиларкан, «Пайғамбаримиз бунга нима деркин?» деган андишага борар, орзуларидан воз кечмоқчи бўларди.

Онасига қўшиқчи бўлиш орзуси ҳақида сўз очгиси келар, аммо тўғридан-тўғри гапиришга юраги дов бермасди. Танлов ҳақида хабар топгач, Самонинг дарди ҳақида бош қотиришни тўхтатди. Қўшиниларидан бирининг келишини кутди. Чунки улар онасини қандай кўндиришни билишарди.

Кутганидек бўлиб чиқди. Қўшниларникидан келган икки меҳмон аёлга ўз орзусини маълум қилгач, улар Серпилга жасорат бахш этишди.

Серпил аввал онасига қаради, кейин гап бошлади:

– Она! Газетада эълон чиқибди. Қўшиқлар танлови бўларкан, шунга қатнашмоқчиман. Илтимос, рад қилмасангиз. Майлими, она? Сизни бу оғир меҳнатлардан қутқармоқчиман.

Эгилиб ер супураётган аёл турган ерида тошдек қотди. Супургисини шарт-шарт ерга уриб, ғазаб билан қизига қаради.

– Жинни бўлдингми? Акаларинг икковимизни ҳам сўйиб ташлашади.

Серпил ёлворишга тушди:

– Онажон, мен сизни биламан! Истасангиз уларни ҳам кўндира оласиз. Сизнинг қўлингиз ва тилингиздан қушлар қочиб кетолмайди.

Шафиқа хоним қизини эшитишни ҳам истамасди:

– Икки дунёда ҳам рози бўлишмайди. Мен уларни яхши биламан!

Яхшилик йўлида маслаҳат берувчилар топилмайдиган дунёда Аллоҳ изн бермаган масалада маслаҳатчилар ҳам тез топилади. Қўшни хотинлар Серпидан хавотир олишар, қўлларидан келган ишни қилишарди:

– Шу қадар гўзал овоз увол бўлиб кетаверади-ми? Аллоҳдан қўрқинг, Шафиқа хоним, қизингизга зиён қилманг!

Нариги аёл ҳам уни кўндиришга уринди:

– Бу қиз ҳали саҳнага бир чиқсин! Бизнинг қизимиз қанақа қўшиқлар айта олишини ҳали олам билади. Биздан чиққан қўшиқчилар қанақа қиздиришади. Булбулларимиз бизни қандай ғурурга тўлдиради. Серпилни ҳам улардан нимаси кам? Серпилнинг овози уларникидан ҳам чиройли-ку? Эҳ, синглим, синглим. Сен бу қизнинг йўлига тўғаноқ бўлма!

Ҳар калладан ҳар хаёл чиқади. Бу масала Шафиқа хонимнинг ҳам миясида айланиб турарди. Аммо у ўғилларидан қўрқарди, холос.

Серпил кунлар давомида онасини кўндиришга уринди. У лўлиларнинг қўлидан нималар келиши мумкинлигини кўрсатмоқчи эди.

– Она, биз камбағалликдан қутуламиз. Сиз рози бўлсангиз бўлди. Илтимос, онажон!

Шафиқа қизига ўз қарорини баён қиларкан, асабийлашганди.

– Бўпти, бўпти, акаларингга айтаман. Агар улар рози бўлишса, борасан.

Оқшом тушганида, ўғиллари ишдан қайтиши билан она шу мавзуда оғиз очди. Ҳасан бу таклифдан қаттиқ ранжиди:

– Мутлақо бўлмайди. Мен қўшиқчилар қандай машҳур бўлишларини яхши биламан. Уларнинг жуда оз қисми бузилмай туриб санъаткор бўлади.

Шафиқа хоним ниҳоят бу ишнинг ҳам хийласини топди:

– Ўғлим, асабийлашма. Уни ёлғизлатиб қўймаймиз-ку? Сен борасан, биз борамиз. Тоғанг ёнида бўлади. Танлов аёллар ўртасида бўларкан-ку?

Ҳасан ҳали у пайтлар исломнинг амрларидан тўла хабардор эмасди. Шу сабабли тез рози бўлди. Серпил Тепажикдаги тўйларда ҳам қўшиқ айтиб юрарди. Тўй мажлислари ва казион орасида унча катта фарқ бўлмасди. Оммавий маданият кўзларни қамаштириб қўйганди.

Серпил танлов ҳайъатига мурожаат этаркан, танлов қачон бўлиб ўтишини ҳам суриштирди.

Сўнгги кун Серпилнинг қовоқлари шишган, ҳарорати баланд, анча тоби қочиб қолганди.

Уни кўриш учун келган дугоналари билан аранг саломлашарди:

– Манави тескариликни қаранг! Танловга қатнашаман деганимда бу касалга йўлиқдим. Ажабо! Менинг қўшиқчи бўлишим Аллоҳга хуш келмаётганмикин? Кейин бирдан У бизни ёқтирмаслиги эсимга тушди. «У бизни ёқтирмаса, унга нима фарқи бор?» дея танловга қатнашмоқчи эдим.

Дугоналари ҳаяжондан ўзларини қўярга жой топа олишмасди. Исломга умуман алоқаси бўлмаган ҳукмларни ўйлаб топишарди:

– Бунақа нарсаларни хаёлингга ҳам келтирма! Қўшиқчилик айб эмас-ку? Кўнглинг тоза бўлса, бўлди-да!

Ҳали пайти келиб, йиллар оша, бу талқинлар яна унинг оёғи остидан чиқиб қолишини у ҳам билмасди.

Эртаси куни катта ҳаяжон билан ҳозирликлар ниҳоясига етганди. Афсуски, Серпил танловда ютиб чиқолмаслигини алақачон англаб бўлганди.

Томоғи ҳамон оғрир, овози ҳам дағаллашиб қолганди. Майлига, ҳатто енгилса ҳам қатнашиши керак. Ётоғида шуларни ўйлаб ётаркан, олдига Само келди. Қўлида бир варақ мактуб, Серпилга ўқиб бермоқчи эди. Фақат Серпилнинг ҳамма ўртоқларини танимасди. Ҳар қалай қўшни маҳалладан бўлишса керак. Серпил Самонинг дардини тушунганди. Фамгинлик билан Самодан узр сўради.

– Айбга буюрмайсан, Само, сени ўз ҳолингга ташлаб қўйдим. Бу танловда, албатта, қатнашим керак. Манави гаплар мени қаттиқ эзди.

Сиз ўйлагандек эмас. – Кейин ўртоқларига қаради. – Сен билан ёлғиз гаплаша оламизми?

У ҳали сўзини тугатмасдан туриб, қизчалар ўринларидан туриб кетишди. Серпил ёстикдан бошини узиб, ўтириб олди.

– Энди хатнинг қаеридан ўқимоқчи бўлсанг ўқи. Кейин менинг ҳам сенга айтадиган гапларим бор.

Само Меҳметдан келган мактубни ўқий бошлади:

«Севиклигим Само!

Кечаю кундуз сени ўйлаганим сабабли охирги ўн кун ичида ухлолмадим. «Лайли ва Мажнун»даги Лайлининг ҳам, Мажнуннинг ҳам доғини ўзим чекапман. «Лайлининг дарди сенга қолдими, мен борман-ку», дейишинг мумкин. Айбга буюрма, азизам! Мени кечир, аммо сен мендек ёнаётганинг йўқ. Менчалик ўртанмаслигингни изтироб ила кўриб турибман.

Мен сенга «лўли бўлиб, қочайлик», дегандим, сен ҳали ҳам менга жавоб бермадинг. Сен мени тушунмаяпсанми, Само? Мен сенсиз яшаёлмайман. Нега менга аниқ жавоб айтмаяпсан? Телефон ҳам қилмайсан? Хўп, уйда телефонни бошқа биров кўтаради, ҳам дейлик. Лекин уйингдагилар ҳеч уйдан ташқари чиқишмайдими? Улар ҳатто ҳожатга ҳам боришмайдими? Телефон қилиш учун бир дақиқа ҳам вақтинг йўқми?

Ошиқ жасоратли бўлади, дейишади. Сен қанақа ошиқсанки, ҳеч нарсга журъатинг етмайди? Сен мени севмайсанми, Само? Сен мени тушунмайсанми? Мени таниёлмадингми? Нега ҳаракатсиз турибсан?

Қара, сендан ўтиниб сўраяпман, юр, қочиб кетайлик. Мен ўзим оч қолсам ҳам сени боқа оламан. Ўзим емасам ҳам сенга едираман. Менга ишонмайсанми? Мен лўлиликни қабул қилсам, никоҳимиз ҳам бўлади. Сендан аниқ бир жавоб бўлмагани учун мен ҳам лўли бўлиш учун нималар кераклигини ўрганолаяпман. Илтимос, мен билан қочиш ниятинг бўлса, бу ҳақда албатта менга хабар бер. Бўлмаса жинни бўлишим ҳеч гап эмас. Илтимос, мени тушунтиришга ҳаракат қил. Агар шундай давом этаверса, мени жиннихонадан топасан...

Мактуб худди олов бўлиб ёндиради. Само шошиб қолди. Йиғламсираб Серпилдан сўради:

– Сен менга ёрдам бер, илтимос. Аҳволимни кўриб турибсан. Домладан сўрадик, «бўлмайди», деди. Буни унга қандай тушунтирамиз? Кўряпсан, деводаларча севиб қолган. Кошки муҳаббати бошқаларникига ўхшаса? Ҳозир бунақа аҳволга тушиб ўтирмасди.

Серпил қийналиб гапираётгани учун саволларга имкон қадар қисқароқ жавоб беришга уринади.

– Менга қара, Саможон! Сени яхши тушунаман. Биласан, эртага менинг танловим бор. Шу танлов ўтиб олсин, бу масалани амаллаб ҳал қиламиз. Меҳметнинг оиласи билан гаплашаман. Сен унга битта яхши мактуб ёзиб ҳаммасини тушунтир. Мендан ҳам хавотир олма, бўптими? Етарлича эътибор беролмадим. Лекин менинг ҳам ўзимга яраша дардим бор. Мени ҳам севадиганлар бор. Биласан, маҳаллада менинг бир севгилим бор. Лекин совчи юбормаяпти.

Оиламдагилар бошқа бировга бериб юборишадди, деб ўзимни қўярга жой тополмаяпман. Бир тарафдан танлов ҳаяжони. Танлов ўтиши билан бу масалада атрофлича гаплашамиз. Энди сен бор. Уйингдагилар кутиб қолишмасин. Мен сени излаб топаман.

Икки дугона келишиб олишди. Умид ва тасалли тополган Само Серпилга шифо тилаб, ўрнидан турди.

Серпил ёлғиз қолганида, бир муддат Меҳметнинг кўз ёшларини ўйлаб, ўз хаёлларига берилди. Агар овози тузалса, эртага танловда ғолиб чиқишига ишонарди. Агар ғолиб чиқса, ҳаммаси бошқача бўлади. Ана шундай ширин хаёлларда уйқуга кетган Серпил тушларида ҳам саҳнани кўрди, қаршисида Само ва Меҳмет йиғлаб туришарди.

* * *

Танлов бошланган, издиҳом ўтаётган бионинг ичи тумонат одамга тўла эди. Серпил аввал ҳакамларни кўздан кечирди. Кейин бошловчига қаради. Бошловчи Измирнинг энг машҳур сухандонларидан бири Гўкхан Гўзайдин эди. Уни кўриши билан жасоратга тўлди. «Демак, бу тadbир ёшларни алдаб аврашга қаратилган бемаъни томоша эмас», деб ўйлади. Аммо у фирибгарларнинг қўлидан ҳар иш келиши, ҳатто машҳур сухандонларни, ўз оталарини ҳам ўйинга тикиб юборишларини у ҳали тушунмасди.

Ҳакамлар ҳайъати орасидан бирор бир танишини қидирмоқчидек узоқ тикилди. Собиқ депутат Рушту Шардағ ва Парла Шенолнинг отаси бор эди уларнинг орасида. Бастакор Шаҳин Шенол ҳам улар билан бирга эди.

Казинодан бери келмайдиган тепажикликлар уни ўртага олиб, насихат қилишарди. Шу ерда Ойша, Туркон, Тулай, Алев, Зейнеп ҳам бор эди. Серпил нима дейишни билмасди. Шайтоний йўлда шайтоннинг ўзи уларга ўз ёрдамчиларини юбориб турарди.

Танлов кечга яқин бошланганида, саҳнага чиққанлар билан тортишган ёшлар сафи ҳам сийраклашганди. Серпилнинг дугоналари ҳам шу тортишувларни муҳокама қилишарди.

– Мана бу ердан дугонамиз чиқади, лекин унда ўша кутилаётган овоз йўқ, мана, кўрасизлар!

Ёшлар бетоқатлик билан танлов иштирокчисининг саҳнага чиқишини кутишарди. Серпилнинг дугоналари ҳам уни кўришлари билан шовқин-суронлари икки карра кўтарилди.

– Анави қизми? Ҳа... ўша, ўша-ку? Унинг турган-битгани истеъдод, овоз бўлса...

Бошқа бири гапни ҳазил тарафга буришга уринди:

– Ҳа, дугонамизга айтиб қўйиш керак, яна овозини эшитиб ҳушимиздан кетиб қолмайлик.

Серпил ҳамма гапни эшитса-да, индамай турарди. Овози ҳам бироз очилганди. Умиди уйғонди. Дугоналарнинг гаплари унга оғир ботгани учун муттасил тарзда томоқ оғриғига қарши дорилар қабул қилар, шу сабабли бўлса керак, томоғи анча юмшаганди. Шу пайтда онаси ҳам уйида ястаниб ўтирганча, саҳнада томоқ йиртаётган хонандаларга қараб «Ҳали шошмай туринглар, қизим чиқсин, кўрсатиб қўяди», дерди. Ўнтача иштирокчи ўз қўшиқларини куйлаб бўлганидан кейин навбат Серпилга келди. Олд

томонда ўтирган ёшлар ҳамон бояги мавзунини давом эттиришарди.

Серпил саҳнага илк қадамини қўяркан, аввал «бисмиллоҳ» демоқчи бўлди. Аммо «Аллоҳга хуш келмайдиган ишни унинг оти билан бошлашим тўғри бўлармикин?» дея, фикридан қайтди. Созандалар ҳамон қўлларидаги чолғуларни созлашар. Серпил эса ўз орзулари билан маст эди. У тезроқ қўлига микрофон беришларини кутарди. Мана, ниҳоят, у қўшиқ бошлади:

*Оқшом тушди, гамга ботдим мен яна,
Кўзларинг рангини соғиндим, мана,
Кел, моҳтобим, кел, севгилим, кела қол,
Кўзларинг рангини соғиндим, яна.*

Залда қилт этган товуш йўқ. Серпил ҳакамлар ҳайъатига қараган пайтида улар ҳам сеҳрлангандек саҳнага тикилиб ўтиришарди. Қўшиқ тугаши билан ҳамма ёқни олқишлар босиб кетди. Ҳакамлар танлов якунларини айта бошлашди. Томошабинлар Гўкхан Гўзайдиннинг оғзига қараб ўтиришарди.

– Биринчи ўрин соҳиби – ёш хонанда Серпил!

Серпилнинг дугоналари у томон талпинар, уни олқишлашарди. Ташқарига чиққан пайтида севинч ва табриклар давом этарди.

– Яшасин, Серпил! Сен ғолиб чиқдинг! Табриклаймиз!

Асл ғолиблик нима ўзи? Ҳали бутун дунё бу саволга жавоб бера оладиган даражада камол топмаганди. Кошки бу табриклар рўмоли сабаб ўқишдан ва ишдан четлатилган ёш қизлар учун ҳам қаратилса эди.

Серпил завқ-шавқ ичида севинчини дўстлари билан баҳам кўраркан, кечанинг қоронғи манзарасига маъносиз тикилди. Мавҳум бир ифода билан минғирлади:

– Ҳа, мен ютдим. Аммо нима фойда? Пайғамбаримиз мени табрик этармидилар? Бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам...

*Баъзи одамлар зиёга етакласа,
баъзилар зиёнга бошлайди...*

ШАЙТОН АЛЛОҲНОМИ БИЛАН ҲАМ АЛДАЙДИ

Измир вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаши Серпилнинг ҳаётига ҳам бир мунча ўзгаришлар олиб кирди. Ҳали олдинда Туркия биринчилиги турарди. Танловнинг якуний босқичи Истанбулнинг «Тепабоши» казиносида ўтиши кўзда тутилганди. Серпил ва дугоналари интиқлик билан ўша кунни кутишарди.

Серпилнинг орзулари жуда катта эди. Туркия булбули бўлишни истарди. Албатта, бунинг учун маънавий жиҳатдан катта йўқотишга тайёр туриши керак. У ҳам шайтон сингари алдаш сирларини ўрганиши лозим эди.

Ён-атрофдан ёғилаётган табрик ва қутловлар шу қадар кўп эдики... Серпил ана шу олқишлар денгизига чўкаёзди.

Февраль ёмғирлари савалаб турган бир кунда Серпил танловга ҳозирлик кўрарди. Уни тез-тез йўқлаб турувчи дугоналари келган пайтда ҳам, кўшигини тўхтатиб дарров улар билан суҳбатга киришиб кетарди.

Баъзан Само эсига тушиб қоларди. Аммо Серпилнинг танлови Самонинг парвосига ҳам келмасди. У дунё билан алоқаларини тамоман узганди. Бир куни Само тасалли топиш умидида Серпилнини ёнига келганида, Серпил қизиқиш билан ундан сўради.

– Меҳметдан бирор хабар йўқми? Шу нарса ҳеч хаёлимдан кетмай қолди, нима қилдинглар ўзи?

Само ўша заҳоти йиғлашга тушди. Зотан, неча кундирки, дардини дастурхон қиладиган бир дўст топа олмаётганди. Салима опаси ҳам уйида йўқ. Шу сабабли ёнида йиғлай олиши мумкин бўлган бир дўстга эҳтиёжи борлигини яхши англаганди. Само кўз ёшларини арта-арта жавоб берди.

– Тамомила айрилдик. У лўлига айланиши мумкин эмас. Ҳеч бир одам ўз ирқини алмаштира олмайди. Бу ҳолимда мени ҳам унинг оиласи қабул қилмайди. Иккимиз ҳам қийин аҳволдамиз. Уники мендан ҳам баттар. «Аллоҳим, тезроқ жонимни олсанг-чи», деб ёлворармиш. Ҳеч нарса емасмиш.

Уларнинг суҳбатларини ичкаридан эшитиб қолган Серпилнинг онаси ғазаб билан қайтаркан, ўзини тутиб туrolмас, тинимсиз қичқирарди:

– Буларни қара-я! Тўқсонга эркак билан юрган қизни талашиб-тортишиб олишади. Покиза бир қизни ирқи туфайли рад этишади. Аллоҳнинг ғазабига учрагурлар! Шайтонга ҳай бераман-да, бўлмаса бориб уйларини остин-устин қилиб келардим.

Само сўлгин жавоб берди:

– Қай бирини? Ўзларини сутдан ҳам оппоқ деб тасаввур қиладиганлар битта эмас-ку? Қайси-

нинг жазосини берасиз? Бу ишнинг бирор чораси бўлиши керак. Аллоҳ ва Пайғамбар бизни шу ҳолимизга ташлаб қўймас!

Серпил мавзунини ўзгартирмоқчи бўлди. Дугонасини чағитишга уринди:

– Модомики, бу ишни тугатган бўлсангиз, энди бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қил. Биласанми, нимани сўрамоқчиман? Сен қўшиқлар танловида биринчи ўрин олганимни эшитдингми?

Само бепарвогина жавоб берди:

– Эшитмай бўларканми? Табриклайман!

Аслида ҳеч бир мусулмон Аллоҳнинг ҳукмига терс иш қилган инсонни табрикламаслиги керак. Аммо, буни на Серпил, на дугонаси биларди.

Орадан кунлар ўтди. Танловнинг мамлакат босқичига ўн беш кун қолганди. Серпил ўзи ёқтирадиган велосипед саёҳатига чиққан бир кунда, тепажиклик хонимлар бир тарафга кетиб боришаётганини кўрди. Велосипедни тўхтатиб сўради.

– Қаёққа кетяпсизлар?

– Мавлудга! Бир домла келган, жуда овози чиройли экан. Ўшани эшитгани кетяпмиз.

Серпил ичида «барибир у ерда бизни оёқ учида кўришади», деб ўйласа-да, барибир сўради:

– Домла гаччоми?

Жавоб бераётган аёл ҳам ўзининг лўли эканини яшириб юрарди. Юраётиб жавоб берди:

– Ха, ҳа, гаччо бўлмаса домла бўлармиди?

Бундай саволлар ҳар гал Само ва Серпилнинг қаршисидан чиқаверарди. Аёлнинг орқасидан бақириб қолди:

– Нега бўлмас экан, уларнинг биздан қаери ортиқ?

Бир неча сония аёлнинг орқасидан қараб тургач, у ҳам боришга қарор қилди.

Аёлларнинг орқасидан мавлуд ўқиладиган уйга кириб борди. Серпилни таниганларнинг бари унинг ёнига келиб, табриклаб кетарди. Кўп ўтмай, Серпилдан битта қасида ўқиб беришни илтимос қилишди. Зотан, Серпил тўйларга борса – қўшиқ, мавлудга борса – нашидлар ўқиб юрарди. Аёллар домлани эсдан чиқариб, Серпил билан овора бўлиб қолишганди. Бир аёл баланд овозда унга илтифот кўрсатарди.

– Сенинг овозингни эшитишим билан, ўзимни йўқотиб қўяман. Қани, қизим, ўқи, булбулдек чиройли куйлаб бергин.

Катта залда ўтирган аёллар бошларидаги рўмолларини ҳам ечиб, Серпилни тинглашга ҳозирлик кўришарди. Кексароқ аёллардан бири баланд овозда қичқирди:

– Қани, Серпил, сенинг овозинг жуда чиройли-да! Бизга бир нашид айтиб бер. Бир кўнглимизни бўшатиб йиғлайлик.

Серпил ҳам бошига битта рўмолни танғиб, янги ўрганган нашидини айтишга тушди:

*Эй одам, бошингни кўтар, назар сол!
Бир кун бу кўзлардан нур кетар тайин,
Қалбингни Роббингга ром айла алҳол,
Қул бўлиш не ҳожат ўлимдан кейин.*

*Қадду қоматингга керилма, илло,
Бир кун бу қоматнинг йиқилмоғи бор.
Аллоҳдан бошқага юкунма асло,*

Жон келиб бўзсингга тиқилмоғи бор.

Бир аёл бу нолаларга чидолмай оҳ тортди:

– Аллоҳ, Аллоҳ, сен бизни ўлдирасан-ку?

Битта нашид тугаши билан иккинчи бошла-
нар, аёлларнинг вой-войлашию кўз ёшлари тин-
масди. Серпил уларнинг сазасини ўлдирмаслик
учун қўшиққа қўшиқни уларди. Яна эсига туш-
ган қўшиқлардан бирини бошлади:

– Шундан сўнг навбатдан одамлар ҳатто Қуръ-
ондан ҳам кўпроқ рағбат кўрсатадиган Мавлуд-
га келди. Мавлудхон Лайло хонимнинг ҳам овози
жуда ширали экан. Ихлос билан хиргойини бош-
лади:

*Аллоҳ отин зикр этайлик аввало,
Бизни йўқдан бор этибдур ул Худо,
Бошласа ким ишни ҳақ оти ила
Ҳақ ани раҳмат этар зоти ила.*

Аёллар «хууув» деб уни олқишлашга тушиш-
ди. Кимдир йиғлар, яна кимдир уввос соларди.
Мавлудхон отин бу эътибордан руҳланиб саҳи-
фадан саҳифага ўтиб борарди:

*Тифл чоғи дер эди «ё умматим»
Сен қариб ҳам тарк этарсен суннати.*

Серпил бу сўзларнинг маъносига етиб борол-
масди. Шу сабабли мавлудхон аёлдан сўради:

– «Умматим» нима дегани?

Отинойи жуда одобли эди. Қироатни тўхтатиб
аста жавоб берди:

– «Менинг умматим» дегани. – Кейин берилиб
тушунтиришга ўтди. – Пайғамбаримиз саллол-

лоҳу алайҳи васаллам бир ривоятга кўра, туғилган пайтларидан бошлаб, «ё умматим» деб йиғлар эканлар. Сулаймон Челеби ҳазратлари ҳам шунга алоҳида эътибор берганлар. Яъни Росулulloҳ ҳатто тифл, яъни гўдаклик чоғлариданоқ «эй умматим, умматим» деб йиғлаган эканлар. Бизчи, биз баъзан кап-катта одамлар бўлиб туриб, Расул акрамнинг суннатларини унутиб қўямиз. Суннат – бу йўл, демакдир. Яъни ҳазрати Пайгамбаримизнинг йўллари.

Серпилнинг кўзларида ёш ҳалқаланди, бошидан муздек сув тўкилгандек сесканиб кетди:

– Нима? Рост гапиряпсизми?

Мавлудхон қаршисидаги қизнинг таъсирланганини кўриб. Бундан илҳом олди:

– Албатта, рост гапиряпман. Мана, ўша жумлалар. Сен истаган домладан бориб сўрашинг мумкин.

Серпил бошини эгиб, давом этди:

– Ҳалиги... мен қўшиқчи бўлмоқчи эдим. Бу оғир гуноҳми? Унинг мендан қаҳри келмасмикин? Шунга сўрамоқчи эдим.

Серпил шу саволни бераркан, Мавлудхоннинг кўзларига тик қараб турарди. Гўёки «Менга диққат қилинг. Мен лўлиман, у менга эътибор қаратармикин?» демоқчи эди.

– Табиийки, қаҳри келади. Аллоҳга ҳам хуш келмайди. Ахир Аллоҳ сени қўшиқчи бўл, одамларни хурсанд қил, деб яратмади-ку. Сен бу дунёга бир имтиҳон учун келдинг. Имтиҳондан ўтмаган бола ҳам синфдан синфга ўтолмайди. Агар ўқитувчи амаллаб уни бошқа синфга ўтказса, унга нисбатан ноҳақлик бўлади. Аллоҳ эса, ҳеч бир бандасига нисбатан ноҳақлик қилмайди.

Олдинги домланинг «аулилар мусулмон бўлолмайдилар», деган сўзларини хотирласа-да, Серпил бир қарорга келганди. Аллоҳ ва пайғамбар уни севмаса ҳам, Серпил Аллоҳ ва унинг унинг Расулини норози қилишни истамасди. Инсон гуноҳ ишдан воз кечган онда ўзида бир енгиллик туяди. Серпил шу сўзида сўнгига қадар тура олармикин? Ҳар бир инсон ўз оқибатини нима бўлишини билмаганидек, Серпил ҳам билмасди.

Ана шу қароридан сўнг ўзини қушдек енгил ҳис эта бошлаганди. Уйга келиши билан, баъзи дўстларига, қўшниларига танловнинг якуний босқичида қатнашишдан воз кечганини айтди. Кимга айтмасин, ҳамма қаттиқ афсусланарди.

– Асло бундай қила кўрма, ахир бунинг нима-си гуноҳ экан? Бу овозни сенга Аллоҳ бермадими? Марднинг моли майдонда, деб бекор айтмаганлар. Нега сен бу майдонга кирмай туриб уни тарк этипсан?

Мантиққа мос келадиган ёлғон сўзларни ҳеч ким ундан аямасди.

Ҳатто шайтоннинг ҳам ақли етмайдиган мантиқ ўйинларига Серпилни ҳам кўндиришга ури-нишарди.

– Сен ҳам қўшиғингни айт, ҳам мавлудларда ўқиладиган диний қўшиқларни ўрган. Зеро, сенинг юрагинг тоза. Рўза ҳам тутасан. Э, яна нима қолди?

Серпил маҳзунлик билан қўшиб қўйди.

– Отинойи «гуноҳ» деганди-да!

Бунга ҳам чора топишди:

– Отинойи шунақа дедими? Сен бу отинойиларга, домлаларга эътибор берма, қизим. Жаҳаннам эшигини биринчи бўлиб ана ўшалар очи-

шади. Қара, сени йўлингдан қайтаргани учун ўзи қанча гуноҳга ботибди. Аллоҳнинг иродасига қарши чиқишибди. Ахир нега сенга бу гузал овозни берди? Умматлар эшитмаслиги учунми? Унутма, мусиқа руҳнинг озуқасидир.

Улар Серпилга ана шундай ўғитларни беришаркан, шайтон ҳам бир четда туриб «Қойил, одам боласи васвасага солишда мендан ҳам ўтиб кетибди-ку», деб ҳайратда донг қотиб турарди. Исломдан етарли хабари бўлмаган Серпил бу гаплардан қаттиқ таъсирланарди.

Исломий йўлдан ким тез чиқиши мумкин? Албатта, исломни яхши англаб етмаганлар! Шу боис, Серпил қайта-қайта ўз фикрини ўзгартирган эди.

– Яхши, танловда қатнашаман. Гуноҳи сизнинг бўйнингизда.

Инсон табиати қизиқ: очларнинг қорнини тўйдиришни, таҳсилга пули етмайдиган ўқувчининг харажатларини қоплашни бўйинларига олишни истамайдилар, аммо бировнинг гуноҳига келса, дарров ҳимматлари жўш уради.

Серпил ўша кечаси ўзини ҳар ёққа уриб, туш билан ўнг орасида чалғиб, ухлолмай чиқди. Эртаси куни кузакнинг намхуш ҳавосида кечаги карахтлик ҳам тарқала бошлади.

Ичида қўпаётган тўфонлар ҳақида уйидагиларга чурқ этмади. Тинимсиз дуо қиларди:

– Аллоҳим, агар бу ишим сенга хуш келмаса, ўзинг бу ишимга монелик қил, – дерди.

Аллоҳнинг иродасидан беҳабарлиги учун У белгिलाган ҳар бир тақиқ аслида Яратганнинг монелиги эканини ҳали англаб етмаганди. У мўъжиза юз бериб, Аллоҳ унинг йўлини боғла-

шини истарди. Кўп одамлар билишмайдики, ҳеч бир имтиҳон олувчи савол бериб, жавобни ҳам ўзи бериб қўймайди. Кейин, яна билишмайдики, агар Аллоҳ ўзи қарши бўлган ҳар бир ишга муъжизавий тарзда ғов яратганида, бу имтиҳоннинг имтиҳонлиги қолмасди.

* * *

Серпилларнинг уйида тарбияланаётган болаларнинг оналари ўз фарзандларидан тез-тез хабар олишда давом этишарди, бу маҳзун гўдаклар ҳамон оналарига мўлтираб қарар, тезроқ бу ғамбода кулбадан олиб кетишини исташарди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган қўшиқ танловининг мамлакат босқичи ҳам бошланди. Туркиянинг турли вилоятларидан ғолиблар кела бошладди. Халқ бу тантанани илҳақ кутарди. Одамлар билан тўлиб-тошган «тепабоши» казиноси Серпил учун бурилиш нуқтаси бўлиши керак эди.

Оила аъзолари ҳам ёнида эдилар, аммо барибир уни ҳаяжон босарди. Яқинлари залда ўтиришар, Серпилнинг навбатини келишини кутишарди.

Серпилнинг кўзи беҳосдан унга қаттиқ тикилиб турган измирлик машҳур суҳандон Гўкхан Гўзайдинга тушди. Бошловчи имо билан уни чақирди. Серпил югуриб унинг ёнига борди.

– Лаббай, акажон!

Бошловчи бироз ҳаяжон билан гап бошлади:

– Мени эшитяпсанми? Қатнашчиларнинг бирортаси сенга тенг келолмайди. Сен, албатта, биринчи бўласан. Балки бирорта ҳомийси бақувватроқ иштирокчи улоқни илиб кетар, сергак бўл, ҳаққингни бировга бериб қўйма.

Серпил қаршисидаги бу инсонга миннатдорлик кўзи билан боқиб турарди.

– Минг раҳмат сизга, акажон. Агар мендан ҳам кучлироғи чиқмаса, албатта, эътироз билдираман.

Бошловчи бош чайқади:

– Менга қара, қизалоқ, бу нима деганинг? Сендан кучлироғи йўқ. Мен ҳаммасини битта-ма-битта эшитиб кўрдим. Сенга тенг келадигани йўқ.

Аслида бу Аллоҳнинг сифати эди. Фақат Унга тенг келадиган зот йўқ. Аммо Аллоҳни танимаган оломон унга онд сифатларни ожиз бандаларга нисбатан қўлларди.

Бошловчи самимият билан сўзида давом этарди:

– Аллоҳга шукр, саҳнада кўп йиллик умрим ўтди. Мен бунақа ишларни яхши тушунаман. Агар бирор бир ҳийла қилишмаса, сен ғолиб бўласан. Яхшиям шу ердаман. Бўлмаса, сен бу ҳийлаларни тушунолмай қолардинг. – У бир муддатдан кейин яна қайтиб келиб, қизнинг қулоғига шивирлади. – Менга қулоқ сол, синглим, гап-сўзларга қараганда, бошқа бировга биринчиликни берворишмоқчи экан. Бардам бўл, қаттиқ тур.

Серпил қизиқиш билан иштирокчиларни кузата бошлади. Кейин ўзига ўзи деди:

– Қўшиқчи бўламан деган қизлар ҳам кўп экан-да, а? Одамзод жаннат ваъда қилинса ҳам бу қадар ошиқмаса керак. Демак, ёшларни қўшиқчи бўлишга чақирувчилар жаннатга чорловчилардан кўра кўпроқ ишлаган кўринадилар.

Серпил бошловчининг овозидан сергак тортди:

– Азизла-а-ар! Кутиб олинг! Саҳнага-а-а-а... «Йил қўшиқчиси» танловининг Туркия босқичи биринчи ўрин соҳиби-и-и-и... Серпи-и-и-ил!

Олқин саслари тинганида Серпил қўлида микрофонни тутиб турарди. Танлов қондасига кўра, у якуний босқичда айтган қўшиғини куйлаши лозим эди.

*Оқшом тушди, гамга ботдим мен яна,
Кўзларинг рангини соғиндим, мана...*

Миллионлаб йигит-қизнинг орзулари пучга чиққан паллада бир қиз ўз орзулари қанотида сархуш учарди. Уни олқишлаганлар қўл силкиб саломлашишаркан, бу қарсаклардан ҳеч қандай фойда йўқлигини ич-ичидан англаб турарди. Мухлислар қайта-қайта ундан қўшиқ сўрашарди.

Серпилнинг хаёлига эса, мавлудда ўқиган нашиднинг сатрлари эшитиларди:

*Қадду қоматингга керилма, илло,
Бир кун бу қоматнинг йиқилмоғи бор.*

Негадир мазаси қочгандек бўлди. Қачонлардир у одамларга ана шундай нашидларни ўқиб юрарди. Энди у ана шу янги муҳитга кўникиши керак. Ичидаги тушунчалардан халос бўлгиси, бутун борлиғини шу қўшиқларига бахш этгиси, ичидаги Серпилни қувгиси келарди.

*Унга мос келмайдиган мезон мавжуд бўлса,
уни ҳам четга суриш керак.*

ШАЙТОННИНГ ЛИБОСЛАРИ

Тепажикқа келганида, Серпилнинг ҳаёти ўзгара бошлаганди. Тунги клублардан таклиф устига таклиф тушарди. Энг йирик клуб раҳбари Семиҳ, айниқса, унга маҳкам ёпишиб олганди.

– Оҳ Серпил, оҳ-ҳ, сен пул машинасисан! Сени клубимга олганимда пулнинг тагида қоп кетардим, – дерди.

Бу орада Серпил ёқтирган йигит ҳам бошқа бир қиз билан ялло қилиб юрарди. Серпил ҳар қанча эзилса-да, ҳеч кимга дардини айтолмасди.

Ниҳоят, Серпил «Фуар акаслар» клуби сахна-сига чиқди, ўша йиллари у яхшигина пул топар, топган-тутганини онасига келтириб берарди.

У борган давраларда одамлар тўлиб-тошар, олқишлардан одамнинг қулоғи битгудек бўларди.

Ҳамма ерда бўлганидек, бу ерда ҳам яхшилар ва ёмонлар кўп эди. Чолғу асбобларига қараб юрадиган бир йигит Серпилни кўз остига олиб қўйган, вақт топди дегунча унга хушомад қиларди.

Бир куни яна ўша эски қўшиғини бошлади:

– Серпил хоним, ишонинг, сизни жудаям яхши кўраман. Сизни бирор ерга таклиф қилсам бўладими?

Серпил ҳам доимгидек рад жавобини берди:

– Сизга неча марта айтдим, биринчидан, ўзимнинг ёқтирганим бор. Иккинчидан, менинг акаларим номус учун одам ўлдиришдан ҳам қайтишмайди. Агар сиз уларни бир кўрганингизда эди, менга қайтиб бу ҳақда оғиз очмаган бўлардингиз.

Йигит оғзини қийшайтириб жавоб берди:

– Йўқ, хоним, агар сиз айтгандек бўлса, акаларингиз сизни шунча эркакнинг қаршисига чиқариб қўймасди. Агар менинг ҳам синглим ёки аёлим худди шунақа саҳнага чиқиб қўшиқ айтса, уларни шартта сўйиб ташлардим.

Шу пайт Серпил акаларига «фақат аёллар бор даврада қўшиқ айтаман», деганини эслади.

– Акам мени фақат аёллар учун қўшиқ куйлайди, деган фикрда.

Йигитча бўш келмади:

– Ор-номусли қизлар сизга ўхшаб...

Серпилнинг ғазаби тошганди:

– Сен менга ор-номусдан дарс берадиган бўлдингми? Қани, қоч йўлимдан! Бошқаларга номус ҳақидаги сафсата сотгунча, ўзинг ҳам бироз номусли бўлсанг, зиён қилмасди.

Йигит нима деярини билмай, тишларини ғижирлатди:

– Қани, биттасига яқин юрганингни кўрайчи, нима қиларканман!

Шу аснода казинонинг аёл хизматчиларидан бири сархуш ҳолатда қўлидаги шишани ҳалиги йигитга узатди.

– Қани, арсадоним, ич, бир қулатум ичиб олсанг-чи? – кейин чайқалганча қаршисида турган Серпилга қаради. – Ҳа, мана шу суюқоёқ билан гап талашяпсанми?

Серпил аранг ўзини қўлга олди:

– Опа, ким бўлсанг ҳам тилингни тий, мени ҳақорат қилишга, номусимни топташга ҳаққинг йўқ.

Аёл йигитнинг қўлидаги бояги шишани олиб, бир кўтаришда бўшатаркан, куракда турмайдиган ҳақоратларни ёғдиришга тушди:

– Ҳа-а... лўли! Ҳали сен номусдан гапирадиган бўлиб қолдингми? Сенга ўхшаганларни кўпини кўрганмиз. Саҳнага илк чиқишидан ўзини номусли, ахлоқли кўрсатишга ҳаракат қилишади. Номусинг бўлса, нима учун қўшиқ айтаман, деб томоғингни йиртасан? – Аёл қаҳ-қаҳ уриб кулди ва бирдан тўхтади. – Кўзингга қара, суюқоёқ лўли, кимни алдамоқчи бўляпсан?

Серпил аслида жуда вазмин қиз эди. Аммо бундай камситишлару ҳақоратлар ҳатто мушукни ҳам арслонга айлантириш мумкин.

– Ҳўш, мен суюқоёқ лўли эканманми? Энди менга айт-чи, ўзинг бирор марта фоҳишалик қилган, суюқоёқ лўлини кўрганмисан? Мен сени суюқоёқ турксан, дедимми? Мана сенга, мана, мана!

Аёл биринчи зарбадан учиб тушган бўлса, кейингиларига ҳам жавоб қайтара олмай тупроққа қоришди. Аммо Серпил алаmidан чиқай демасди. Залда қий-чув қўпди. Серпил йиллар давомида тўпланган дард-аламини худдики мана шу аёлдан олаётгандек, уни аёвсиз калтакларди:

– Сўзингни қайтариб ол, бўлмаса сени ҳозир бурдалаб ташлайман!

Атрофдан ёрдамга етиб келганлар амаллаб Серпилнинг чангилидан бояги аёлни тортиб олишди. Аёл ўрнидан тураркан, Серпилга бошдан-оёқ назар ташлади:

– Сенинг жойинг бу ерларда эмас. «Акация»да номуссиз қизар жуда кам. Сен яхшиси, Истанбулга бор. У ерда сенга ўхшаганлар тиқилиб ётибди. Бемалол айшингни суриб юраверасан. Ана уша ерда қўшиқчи бўламан деб фаҳш ботқоғига ботганларни истаганча топишинг мумкин.

Серпил қайта саҳнага чиққанида қулоғи остида «суюқоёқ лўли» деган тавқи лаънат такрор жаранг сочарди. «Лўли, лўли, шу таҳқирдан қутулмадим. Ҳатто шу алкаш хотин ҳам менинг лўли эканимга ёпишяпти!»

Серпил беихтиёр ҳалиги домла Қора Довуд афандининг китобидан ўқиб берган парчаларни эслади. Домланинг айтган гаплари миясидан айланиб юарди:

«Лўлилар Иброҳим алайҳиссаломга душманлик қилишди, улар лаънатга қолишган. Лўли ҳеч қачон мусулмон бўлолмайди».

Серпил ғазабдан ўзини қўярга жой тополмасди. Бир томондан томошабинларга табассум ҳадя этаркан, бошқа томондан ўзини камситилган ҳис этиб, юраги изтиробга тўлган эди.

Серпилнинг ҳозир ўқиётган қўшиғи ҳам унинг руҳий ҳолатини ифода этарди.

*Нечун маҳзун йиглаб кезарсан бунда,
Аллоҳ йиғлатдими, кулдирар яна.
Неча ошиқ келиб кетган очунда,
Аллоҳ йиғлатдими, кулдирар яна.*

Серпилга яна томошабинлардан олқиш ёғилаётган пайтда, боя уни йўлдан урмоқчи бўлган йигит ичкарида овоз ускуналарини ишдан чиқариш, хонанданинг овозини бўғиш учун тинимсиз уринмоқда эди. Серпил бунга сезиб турса-да, айна пайтда қўлидан ҳеч нарса келмас, дардини кимга айтишни билмасди. Олқишлар тинимсиз давом этарди. Кунлар шу тариқа ўтиб борарди.

Фақат бу пайтда Серпилга келаётган таклифларнинг кети узилмасди. Кимдир бир пиёла чой ичишни, кимдир қайсидир тадбирда иштирок этишини, яна бирови турмушга чиқишни таклиф қиларди.

Парда орқасида юз бераётган ҳодисалар, бепарда қилиқлар, ҳаёсиз аскиялар ва қаҳқаҳалардан у бениҳоя жирканарди. Кейин эса ўз ҳаёлларига чўмарди:

«Мана ўша олқишлар! Болаликдаги орзуларим ижобати! Қарсак нима ўзи? Икки кафтнинг бир-бирига урилишидан чиқадиған овоз. Бу олқишлар Аллоҳнинг буйруқларига мос келадиған ишлар учун янграганда ҳам бошқа гап эди. Эҳ, телба Серпил, шуларга алдандингми?»

Серпил ўзининг шу ҳолатидан жирканиб кетди. Қатъий қарорга келганди: шаҳарга кетади! Муסיқадан дарс беради, радиода қўшиқ айтади, фақат шу, холос. Бу ифлос майдонни тарк этади. Шу фикрини илк бор онасига айтганида, яхшигина гап этишиб олди.

– Бекор айтибсан! Сени ҳеч қаерга юбормайман. У ерда сенга ким қараб юради? – У бироз ўйланиб яна қўшиб қўйди. – Менга қара, яна битта-яримта лўлига кўнгил бериб, юзимни шувут қилсанг, кунингни кўрсатаман.

Қизиқ, онаси у севган йигитни қаердан таниди экан?

Лўлилар қандай ҳақоратларга дуч келишини яхши билган аёл севгилиси тарафидан ҳам, лўлилиги сабабли ажрашиб кетишгани боис, ўз қавмидан бутунлай қўл ювиб қўлтиққа артганди. Лўлилардан нафратланарди. Аслида у лўлиларнинг ҳаммасини бир хил тоифа деб биладиган кимсалардан нафратланиши лозим эди.

* * *

Серпил шошиларди. Ҳар куни бир иш билан банд эди. Аввал қўшиқчиликни ташлади, кейин кутилмаганда, ёқтирган йигити билан қочиб кетди. Унинг бу ҳаракати кўпчиликни саросимага туширди. Ундан буни ҳеч ким кутмаганди-да!

Серпилнинг ўзи ҳам гоҳида қилмишидан ҳайратга тушарди. Бошқа томондан акаларидан бениҳоя қўрқарди. Аммо акалари кутилмаган пайтда юз берган бу никоҳга дарров рози бўла қолишди.

«Турмуш қуришган бўлса, бахтли бўлишсин», деб дуо қилиб, ўринларидан туришди.

Серпил тўйиб нафас олди. Сунъий олқишлар кўз олдига келиши билан бу даврадан тезроқ чиқиб қутулгани учун Яратганга шукрлар қиларди.

Лекин бу шукронани умрининг сўнгига қадар давом эттира олармикин?

Ҳар кимда бўлганидек, Серпилда ҳам, бу вазият ошкор эмасди. Хатони кўриш бошқа, аммо ўша хато ишга қўл урмасдан умр кечириш – бу энди энг олий масала эди.

*Севган эмас,
имонли ва ақлли эркаклар
рашикчи бўлишади.*

КИРИШ ҲАМ, ЧИҚИШ ҲАМ ИНСОН УЧУН

Серпил ўзича бахтиёр эди. Лекин барибир ўзига яраша муаммолари ҳам йўқ эмас. Серпилнинг эри мусиқачи бўлишига қарамай, тез-тез аёлига рўмол ўрашни маслаҳат берар, аммо Серпил қулоқ солмасди.

Бир қўшнисига эридан шикоят ҳам қилди.

– Опажон, эрим ўран, деяпти. Мен шу ёшимгача рўмол ўрамадим. Энди ўрайманми? Рўмол ҳам гапми, бошимга турбан киярмишман. Барибир сочим кўринади-ку? Бу нимаси бўлди энди?

Қўшни аёл ҳам унга насиҳат қилди:

– Ақлли эркаклар хотинини қизғанади. Улар аёлларнинг сочлари тез жалб қилишини яхши тушунадилар. Офарин сенинг эрингга! Барибир диндор бўлганга нима етсин.

– Сиз шунақа дейсиз-да! У диндор бўлгани учун эмас, шунчаки қизганчиқлиги сабабли турбан кийишимни сўраяпти.

– Нима қипти? Сен ҳам ўранавер. Ақлли эркак экан, дедим-ку? Омадинг бор эканки, сени

рашк қиларкан. Ҳозир рашкли эркак қолдими? Кеча қип-яланғоч расмга тушган бир аёлнинг эридан «Сиз хотинингизни рашк қиласизми?» деб сўрашди. «Ҳозирча рашк қилиш учун асос бўладиган ишни кўрганим йўқ» деб жавоб берди. Инсонлар айниб боряпти, қизим. Рашкчи эркак ўз ўрнида рашк қилиб, касал пайти рашкини бир четга сургани яхши.

Серпил бу суҳбатдан жуда мамнун бўлди. Фақат унинг яна бир дарди бор эди. Эри жуда бағрикенг, меҳрибон бўлишига қарамасдан, жуда кўп ичиб, уни ранжитарди. Серпил ҳар қанча ёлворса ҳам, эри унга қулоқ солмасди. Серпилнинг бахтиёр кунлари шу тахлит узоққа бормади.

Бу муҳитда у етти йилни ортда қолдирди. Эри билан муносабати тобора бузила борди. Бахтсизлик бошланди. Ажрашиш фикрига тушди. Эр ҳар куни ичиб келар, мастлик билан нима қилаётганини билмасди. Серпил яна қўшни хотинга дардини дастурхон қилди:

– Опа, тоқатим тоқ бўлди. Ичмаса туппа-тузук одам, аммо ичиб келадиган бўлса... Оғзидан чиққан гапни қулоғи эшитмайди. Бу билан яшолмайман.

Бу суҳбатга қўшни хонадонга меҳмон бўлиб келган аёл аралашди.

– Мен сени танидим. Анави овози чиройли хонанда қиз эмасмисан? Жавобини бервор бунақа эрни. Санъатингга қайт. Юрасанми бу нокасининг қош-қовоғига қараб.

Серпилнинг тепа сочи тикка бўлди:

– Худо сақласин! Қайтиб қўшиқчи бўлгим йўқ. Эркакларнинг ҳирс тўла кўзларини эсласам,

кўнглим озади. Нега мен бир тўда одамларнинг кўнглини хушлаш учун даврага чиқиб, қўшиқ айтишим керак? Аллоҳ мени ўзимга ўхшаган одамларнинг кўнглини овлаш учун яратганми? У ерларда ҳам биринчи ўринда шахсий манфаат туради. Қўшиқчиликни тарк этишимни айтганимда, бир казино раҳбари «Эй, шунча пулдан қуруқ қоларканман-а», дея айюҳаннос солганини кўрсангиз, сизнинг ҳам ҳушингиз бошдан учарди. Одамларнинг менга бўлган илтифоти ҳам менинг овозимдан фойдаланмоқчи бўлганлари учун экан. Кунлаб ортимдан югуришарди. Мен энди қўшиқчиликни тушимда ҳам кўришни истамайман. Менга бу ҳаёт ёқмади. Сиз менга бошқа бирор фойдали маслаҳат беринг, агар бўлса.

Шайтон Серпилнинг туйғуларини ўзгартирмаса, у бир қарорга келганди. Қўшни аёл «сабр қил, қизим», деган гапдан бошқасига ўтолмасди.

Серпил баланд овозда бақаришга тушди.

– Сизнинг бошқа бирор тавсиянгиз йўқми? Бир неча йилдан бери битта гапни айтаверасиз. Эрим баъзида ичиб келса, мен шунақа дўппослайдики, айтишга тил ожиз. Ҳуши жойига келгач, унинг ўзи ҳам қилган ишидан пушаймон бўлади. Гоҳида узр сўрайди. Аслида эрим ўзи ёмон одам эмас. Узр сўрайдиган одам ёмон бўлмайди. Нимадир иш қилишимиз керак-да! Агар у ичкиликни ташласа, оиламиз бинойидек рўзгорга айланади. Ичкиликни давлатнинг ўзи умуман тақиқласа – зўр иш бўларди-да! Чиқарганнинг уйи куйсин. Шу савил деб оилам пароканда бўлай деяпти. Кимга борай, кимдан чора излай, деб кечалари уйқум ҳам қочиб кетади. Сиз эса сабрдан бошқасини билмайсиз.

Икки аёл жимгина Серпилнинг суҳбатига қулоқ тутиб ўтиришарди. Аммо иккисининг ҳам хаёлига бирор бир яроқли гап келмасди. Зеро, фикр туғилиши учун инсонга билим керак.

Бир куни эрталабга яқин уйга келган эри яна тўполон кўтарди. Бу гап олдингидан ҳам ёмонроқ ичиб келганди. Нима қилаётганини билмасди. Деразаларни синдириб, Серпилни ҳам ўласи қилиб калтаклади. Серпилнинг тоқати тоқ бўлганди. Деразадан бошини чиқариб, овозининг борича бақирди:

– Ичкилик сотиб, эримни маст қилган ўша давлат қани? Одамларга сотилаётган ичкиликлар қанча оилаларни хонавайрон қиляпти, гўдакларнинг, аёлларнинг кўз ёшларига сабаб бўляпти, сизлар қаерга қараяпсизлар? Шу ҳам давлат бўлдимиз? Ахир давлат ўз фуқаролари учун қайғурмайдими?

У ўзи нима деб бақираётганини тушунмас, асл айбдор кимлигини ҳам билолмасди.

Бор овози билан қичқирган Серпил кейин курсига чўкканча аламини босишга уринди. Яна эрига ялинишга тушди:

– Илтимос, ичманг шу савилни, ўзингиз яхши одамсиз-ку? Лекин ичсангиз сизни таниёлмай қоламан. Илтимос, оиламиз бузилиб кетмасин, раҳмингиз келсин.

Серпил эрини жуда-жуда севарди.

Серпилнинг бу каби таваллолари йиллаб давом этарди. Фақат Серпил давлатнинг қўли билан очилган ярани ёпиш қудратига эга эмасди.

Шуларни ўйлаб, йиғлаб ўтирганида эшик тақиллади. Келган аёл Само экан. Уни кўриши билан Серпил терисига сиғмай кетди. Бир пайт-

лар Само Серпилнинг тасалласига эҳтиёж сезарди. Энди унинг ўзи таскинга муҳтож.

Ўтириб сўзлашга тушганида, Самонинг дарди янада ортганини англади. Серпил унинг дардига дармон бўлишга уринаркан, Самонинг ҳам аҳволи яхши эмаслигини кўриб, дарров ундан кўнгил сўради.

– Сен билан кўришолмаяпмиз. Меҳметдан бирор хабар борми? Олдин жон, кейин жонон, деганлар. Ўз дарди-ташвишим билан бўлиб, сизни унутдим.

Само йиғламсираб жавоб берди.

– Гапирма, Серпил, Меҳмет телба бўлиб қолди.

– А, нимага телба бўларкан?

– Ҳа, Серпил, Меҳмет бир мулланинг олдига борган экан, «Ўли қизга ўйлана олмайсан», дебди. Ўша кечаси у ҳеч ким билан гаплашмай қўйибди. Ҳозир ҳам худди шунақа, ҳеч ким билан иши йўқ эмиш. Кеча сал ҳушини тўплаб, отасига қараб «Сиз мени севгимдан ажратдингиз, сизлардан рози эмасман», деганмиш. Ҳа, шунақа гаплар, Серпил, пешонада борини кўз кўраркан. Аллоҳ бошимизга бу кунларни солганларга раҳм қилмасин!

– Ҳа, тўғри айтасан, Худо бор, ҳар бир зулм жавобсиз қолмайди.

* * *

Серпил тезроқ туғмагани боис, бора-бора эри билан ажрашишдан бошқа йўли қолмаганини тушуниб етди.

*Сиз томонларда зулмга
қаршилар чора
кутиб ўтирадиларми?*

ЗУЛМГА ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ ЮРАКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Самодан қаттиқ хавотир олган Салима бу хабарни эшитиб, севинчини ичига сиғдиролмай, Самонинг қошига югурди. Самонинг онаси ҳам бу таърифдан боши осмонга етди. Аммо ҳеч нарса демади. Само ҳам шошиб қолганди.

– Тинчликми, опа? Шу пайтда-я? Нима бўлди?

Салима ҳаяжон билан тушунтиришга уринди:

– Қара, Само! Сенинг дардингга отинойилар чора топишади. Яшиловага бир отинойи келаркан. Ўшанинг олдига борайлик. Бир дам солиб қўйсин. Балки Меҳмет сендан совиб, ҳушига ўзига қайтармиди? У бечорага ҳам жуда ачинаман. Шунинг учун сенинг ёнингга келдим, юр, кетдик. Соат ўнда қабул бошланаркан. Бориб балки бирорта тумор ясатиб оларсан?

Само имомларга бориб, пул тўккан билан бирор ўзгариш сезмаган дугоналарини эслади. Қўшни аёлга эътироз билдирди.

– Йўқ, опажон! Отинойининг қўлидан нима келарди? У Меҳметга нима қилиб берарди?

«Ирқимни мен яратмадим» деган китобда ўқиганман: Одамлар ақлли бўлгани сари ўзлари ва ақлларини қўриқлашга тушишади.

Аёл айтганида туриб олди, ниҳоят, Самони ҳам кўндирди. Кийиниб йўлга чиқишди. Аслида ичидаги яра тузалмаганди ҳали.

Орадан кўп ўтмай, ваъзга етиб боришди. Одам жуда кўп эди. Аввал уни тинглашади, кейин домла уларга дам солади. Кимларнингдир илтимосига кўра, тумор ҳам ясаб беради. Бундай домлаларнинг аксарияти тумор ёзиш билан шуғулланишарди.

Само домлага қаради. Бу одамни қаердадир кўрганди.

Отинойи ваъзини бошлаганда ҳамма бутун диққатини жамлаб унга тикиларди. Отинойи ваъзининг ўрталарига етганида, бирданига сўз оҳангини ўзгартирди.

– Ҳеч кимга тайёр жаннат берилмайди, азизлар! Мамлакатимиз инсонийлик, тараққийпарварлик ва замонавийлик деган тушунчалар ортидан тобора заҳарланиб, ортда қолиб бормоқда. Масалан, ичкиликни олайлик. Шу пайтгача у юз минглаб оилаларни паришон қилди. Минглаб одамлар ичкилик туфайли ақлини йўқотди. У туфайли ҳаётдан кўз юмганлар. Қамоққа тушганлар озмунчами? Агар Қуръон туфайли шунча одам зиён кўрганида уни аллақачон тақиқлаб қўйишарди. Аммо ичкилик ҳамон муқаддас қадрият сифатида қўриқланади. Ичкиликни тақиқлаш керак, деймиз. «Бу инсон ҳуқуқларига зид» деб айюҳаннос солишади. Нима инсон ҳуқуқлари ароқ билан барқарор бўладими? Қани бу ерда мантиқ?

Само отинойининг ҳар бир сўзини ич-ичидан тасдиқлаб ўтирарди. Отинойи ана шу таъсирчан услубда сўзини давом эттирди.

«Инсониятнинг таназзули устида турган ҳамма нарса ҳалокатга маҳкум. Рим империясининг ҳалокатига ҳам айнан маишатпарастлик, зинокорлик сабаб бўлмадими? Динсизлар мусулмонларни кўпинча инсон ҳуқуқларини поймол қилишда айблашади. Баъзи режимлар ўзини ўзи барбод қилганини эса билишмайди. Келинг, биз бу масалаларни қандай ҳал қилишимиз ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтсак. Биз ғалати қавммиз. Бирор ёмон нарсани ўз кўзимиз билан кўрсак-да, унинг олдини олиш учун ҳеч қандай чора кўрмаймиз. Фақат йиғлашни, онгсизларча бош кўтаришни истаймиз, ҳамма яхши нарсаларга осонликча эришишни хоҳаймиз. Бутун куч-ғайратимизни ана шундай орзу-ҳавасларга сарфлаймиз. Бу нотўғри азизлар! Ҳаракатсиз натижага эришиб бўлмайди. Қимирлашимиз керак. Агар қоронғиликни йўқотиш учун қуёш бўлолмас эканмиз, ҳеч бўлмаса юдуз, лоақал шам бўлишимиз керак. Мана, қаранг. Ҳурматли хонимлар! Қуллик уч қисмдан иборат бўлади: Биринчиси – Аллоҳга қуллик. Бунинг маъноси Аллоҳнинг амрига итоат қилиш, У истагандек яшаш, демакдир. Иккинчидан «қул» сиз инсоннинг ўзи учун ишлатилади. Учинчи, инсоннинг бошқа бир инсон қуллик қилишидир. Бир инсон бошқа бировнинг амри билан яшаса, бу – инсоннинг инсонга қуллик қилиши бўлади. Усманийлар даврида ҳам қул сўзи кўп ишлатилган. Лекин ундаги қуллик бошқача. Қул сўзи энг ҳақиқий маъносини Аллоҳга қул бўлиш орқали топади.

Инсонлар Аллоҳга қул бўлишса, унинг иззатига ҳам сазовор бўлишади. Ҳозир кимлардир Аллоҳга қул бўлишга қарши чиқишади. Аммо уларнинг ўзлари нимага қул эканликларини ҳам билишмайди. Биз-чи, фарқига борамизми? Йўқ, биз жаннатга осонликча эришмоқчи бўламиз. Биз ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан ҳузур-ҳаловатга етишни истаймиз. Йўқ, бунақаси кетмайди, азизларим. Ҳаракат қилишимиз керак!

Само отинойининг сўзларига ҳайрон қолганди. Худди «Ирқимни мен яратмадим» китобидаги домлага ўхшарди. Ҳаётида илк бор ана шундай хотиржамлик бера оладиган бир мусулмон билан юзлашган эди.

Отинойи айтмоқчи бўлган сўзини тугатиб бўлиши билан жамаотга юзланди:

– Айтмоқчи бўлганларим ана шулар эди. Саволлар борми?

Само бу таклифдан жуда ҳам хурсанд бўлди. «Лўлилар ҳам мусулмон бўла оладими?» демоқчи бўлдию, аммо қўрқди. Кўнглидан жой ола бошлаган бу устоз ҳам яна ўша эски гапни айтса, ҳафсаласи тамоман пир бўлиши муқаррар эди. Ундан нафратланишни истамасди. Лекин сўрамаса ҳам бўлмасди.

Ниҳоят, титроқ овозда сўради:

– Устоз, кўпинча лўлилар мусулмон бўлолмайди, дейишади. Сизнингча, бу тўғрими?

Шу пайт оломон орадан «шу ҳам савол бўлдими?» қабилидаги норозилик нидолари чиқди. Ҳали отинойи жавоб бермай туриб, ҳамма ўзича ақлини кўрсатишга тушиб кетганди.

– Лўлилар мусулмон бўлиши учун миноранинг тепасига чиқиб намоз ўқиши керак.

– Лў билан Ли деган ака-сингилни эшитганми-сан? Улар Иброҳим алайҳиссаломнинг қарғиши-ни олган. Улардан туғилган авлодларни лўлилар дейишган.

– Лўлилар мусулмон бўлиши учун бир гишт баданига ишқаланиб адо бўлганига қадар юви-ниши керак. Кирларини фақат шу тарзда юва олади.

Само жамоатга бир қараб олди-да, яна оти-нойига ўгирилди:

– Жавоб берасизми, хоним афандим?

Отинойи кулимсираб жамоатга имо қилди.

– Жавоб бераман, фақат аввал тинчиб олиш-син.

Салима Самони шу отинойининг олдига олиб келганидан жуда ҳам миннатдор эди. Салима лўли бўлса-да, кўнгли тоза мусулмон эди. Фақат у «лўлилар мусулмон эмаслар, биз мусулмон бўлганимиз учун лўлиликдан чиққанмиз, энди бу саволнинг нима кераги бор эди», деб ўзича но-рози шивирлади.

Само эса юраги тўхтаб қолгудек бўлиб, отиной-ига тикиларди. Болаликдан бери не-не хўрликлар кўрганини эслади. Айрим муаллимларни таҳқиро-муз қарашлари ҳануз кўз ўнгидан кетмасди.

Отинойи жамоатга самимий нигоҳ ташлади:

– Азизлар, озроқ тинчлик сақланглар, илти-мос!

Бирданига шовқин-сурон тўхтади. Ҳамма жимиб қолди. Отинойи рўмолини тўғрилаб, сўз бошлади:

– Лўлилар! Эҳ-ҳ, лўлилар!

У энди сўзини давом эттириш учун оғиз жуфт-лаганида, «полиция, ҳеч ким қимирламасин»,

деган хитобдан сўнг ҳамма бир сесканиб олди. Бир неча ёши катта аёл полиция ходимини қарши олишди:

– Нима бўлди? Бирорта террорчини излаб юрибсизларми?

Эшикдан кириб келган ходимлардан бири қошларини чимириб, жавоб берди:

– Бизга маълумот етиб келди. Бу ерда ноқонуний йиғилиш ўтказаяётган экансизлар.

Само ўзи тўқиган романнинг ичига кириб қолгандек ҳис этди ўзини. Унда ҳам билимли устозларни орган ходимлари олиб кетишар, одамларнинг қаерга кетганини ҳам билолмай қоларди. Ҳозир шундай бўлармикин? Само дарҳол ўрнидан турди.

– Ёлғон, бу ерда унақа йиғилиш бўлаяётгани йўқ.

Полиция ходими отинойига ишора қилиб сўради:

– Сизлар билан йиғилиш ўтказган шуми? Бу экстремистик ташкилотнинг ходими-ку?

Отинойи мурсагини кияркан, сўради:

– Полиция ходимлари аёллар мажлисига шунақа кириб келаверадими? Олдиндан хабар бериб кейин кирмайсизларми?

– Сендан сўрашимиз қолувди, – деди полициячилардан бири. – Қани, тез юр, биз билан!

Ўша пайтларда полициячилар диндонларнинг аксариятини террорчи деб қарарди.

Само полиция ходимларига ялинишга тушди:

– Йўқ, унақа ташкилот аъзоси эмас. У оддий бир муслима аёл. У ҳозир шунақа яхши гапларни гапириб турувди. Илтимос, устозни қўйиб

юборинг. – У йиғламсираб сўзида давом этди. – Мен бундай яхши мусулмон аёлни биринчи марта кўриб туришим. Илтимос, қўйиб юборинг.

Отиной ўз сийратига мос равишда Самога жавоб берди:

– Хато қилдингиз, синглим, мен экстремистик ташкилот аъзоси эмасман. Аммо, Қуръонда зикр қилинган Аллоҳнинг аскарларидан бириман. Тўғрироғи, шу ниятдаман. Иншооллоҳ, бу оламдан ҳам шундай кетаман. Сиқилманг!

Полициячилар аёлнинг қўлларига кишан солиб улгуришганди. Улардан бири ҳатто «опанинг қўлларига кишан солганимиз яхши бўлмади-да!» деб норозиланди.

Жамоат нима юз берганини тушунолмасди. Кимдир «уни қўйиб юборинглар» деб ёлворар, яна бири «биз бир неча соатдан бери террорчининг сўзларини эшитиб ўтирган экамиз-да», дея афсуснамо бош чайқар эди.

Отиной эшикдан чиқаркан, жамоатга ўғирилди:

– Золим кимсалар ўзларини оқлаш учун ҳамиша сабаб топа оладилар. Бир замонлар нурчилар, сулаймончилар деб ушлаб кетишди, суҳбатларимиз чала қолди. Энди ҳизбуллоҳчи, экстремист, деб айб қўйишяпти. Гоҳида бошқа нарсаларни ўйлаб топишади. Сиз сиқилманг, аммо зулм ўз-ўзидан йўқолиб кетишига ҳам умид қилманг. Ҳаракат қилинг, азизлар!

Отинойининг кўзлари Самога қадалди:

– Сиз жуда ақлли қиз экансиз, синглим. Аллоҳ эртага сизга берилган бу билимнинг ҳам ҳисобини сўрайди. Ўз устингизда ишланг. Яна бир нарсани унутманг. Аллоҳнинг олдида бандалар

тароқ тишлари каби баробар. Бу ҳақда Қуръони Каримда ҳам айтилган.

Полициячи «бўлди, бас қилинг», дея отинойини машинасига чиқараркан, Самонинг фарёди эшитилди.

– Илтимос, уни қўйиб юборинглар, Унда дардимга даво топгандим. Қалбимга қувват олгандим. Дунёга қайтадан келишимга сабабчи бўлди. Руҳимга хитобни ундан топгандим.

Полиция машинаси тезликни ошириб кўчанинг бошида ғойиб бўлгунча, Само унинг ортидан бир нималарни гапириб қолди:

«Кеч топгандим, эрта йўқотдим. Тез орада қайта дийдор кўришмоқни насиб эт, Аллоҳим!»

Жамоат аҳли уйга қайтиш мақсадида кўчага чиқишганди.

Воқеа дарҳол ўз таъсирини кўрсатганди. Само зинапояда ўтирганча, юм-юм йиғлар, одамларни кузатар, ҳамма отинойининг ортидан боришини истарди. Полицияга, амниятгами, волийгами, ҳатто Бош вазиргача мурожаат қилишларини хоҳларди.

Аёллар эса, аксинча отинойини айблашарди. Улардан бири ўзига минғирлади:

– Ўзи шунақа бўлишини билгандим. Сен аёл киши бўлсанг, бунақа гапларни сенга ким қўювди ўзи? Жуда тўғри бўлди-да!

Само бақирганча унинг сўзини бўлди:

– Нимани билгандингиз? Билсангиз, бу ерғанима учун келдингиз? Нима, гапирган гаплари ёлғонмиди? Ичкилик чиндан ҳам жамиятимизни емирмаяптими? Улардан жабр чекканларнинг биттаси, мана, менинг дўстим бўлади. Шу сабабли уйи бузиламан, деб турибди. Эри ёмон

одам эмас, аммо давлат чиқараётган ичкилик ана шу одамни чинакам ёмонга чиқариб қўйди. Агар бирор бир иймонли одам «ичкиликни йўқотиш керак» деса, ҳамма унга еб қўйгудек қарайди. Шу гапни бирорта динсиз, атеист одам айтиб кўрсин-чи? Бирортаси гинг дермикин? Мен ўқиган китобда буларнинг бари жуда аниқ, очиқ-ойдин ёзилган. Қанийди, сиз ҳам ўқиганингизда.

Салима кўрқиб кетди:

– Юр, кетдик! Жинни бўлганмисан? Бу гапни бир гапирдинг, бошқа оғзингга олма!

Само ғазаб билан ўрнидан турди:

– Йўқ, кетмайман! Мен отинойини, албатта, излаб топаман!

Аёллар Самога қарашди. Қўшни аёл қўлини пахса қилиб гапира кетди:

– Сен энди уни қаердан ҳам топардинг? Ким билсин, уни қаерга олиб кетишдийкин? Яна сени ҳам қамоққа тиқишмасин?

Само жасоратли қиз эди. Билими бўлмаса, юрагида ўти бор эди. Шу сабабли бемалол жавоб қайтарди:

– Майли, тиқишсин! Бирор айбим бўлса, мени ҳам қамашсин! Бораман!

Кўчадан тез-тез юриб кета бошлади. Бир қанча одамдан олдинга ўтиб олгач, тўхтади. Сал хаёлга толганча Салимага яқинлашди. Секинга савол берди:

– Ҳалиги... пулим тугаб қопти... Менга озроқ қарз бериб турасизми? Эртага опкелиб бераман.

Салима кўрқиб турарди:

– Беролмайман. Кейин мен ҳам жинойтга шерик бўлиб қолишим мумкин.

– Шерик бўлмайсиз. Пул беринг.

Салима титроқ қўллари билан сумкасини очиб, Само сўраган пулни берди.

Само вақт йўқотмаслик учун таксида ўтириб, полиция бўлимига кетди. Эшикда турган полициячига вазиятни тушунтириб ичкари кирди. Аммо унга бу ерга унақа аёлни олиб келишмаганини айтишди. Марказга боришни тавсия қилишди.

Бир неча соат ўтиб, отинойи олиб келинган жойни топди. Аёлни сўради. Полиция ходими отинойини сўроқ қилиб, кейин қўйиб юборишганини айтди. Само ҳайрон бўлди:

– Қанақасига? Агар уни қўйиб борган бўлсангиз, нима учун ушлаб кетдинглар?

– Бизга хабар келганди, синглим, – деди маъмур. – Ўша аёл ҳақида баъзи хабарларни айтишганди. Суриштириб кўрдик, биз излаётган ташкилотга алоқаси йўқ экан. Кейин қўйиб юбордик. Хизматчилик!

Само чуқур нафас олиб, ортига қайрилди.

Уйига қайтаркан, отинойини қаердан топиш мумкинлиги ҳақида ўйларди.

Ҳамма нарсани онасига тушунтирмоқчи бўлди. Фақат уйига қайтаётганида, онасига ҳеч нарсани тушунтириб бўлмаслигини англади ва қароридан воз кечди.

Орадан кунлар ўтди. Аммо Само отинойи айтган сўзларни унута олмасди. Ҳатто исмини ҳам билмаган отинойи ҳатто кечалари тушига ҳам кириб чиқарди. Меҳметни ҳам тушида кўриб турарди. Энди унинг ёнига яна бир киши қўшилди.

Само бир хил калималар устида қийналиб қолар, ўзига ўзи тушунтирарди:

– Ҳа, айнан мени таърифлабди. Ҳам ҳеч нарса қилолмаяпман ҳамда бутун дунёнинг тузилишини истаяпман.

Самонинг бир қулоғи ташқарида эди. Қаерда бирор зиёлисифат аёлни кўрса, олдига чошиб борарди. «Албатта, бир куни юзлашаман», дерди.

Кўп ўтмай, яна бир хабар келди. Бир мударрис диний мавзуда дарс ўтаётган экан. Дарҳол ўша тарафга йўл олди. Балки Меҳмет учун бирор чора топиб берар?

Мударрис аёлнинг суҳбатига қулоқ тутди. Мударрис жўшқин тарзда хитоб қиларди.

– Ҳамма рўмол ўрасин. Сочининг битта толаси ҳам кўринмасин. Эҳтиёт бўлинглар. Кейин Аллоҳнинг дўзахида чирсиллаб ёнасизлар! Мен сизнинг фойдангизни кўзлаб гапиряпман.

Мударрис худди ўзига жаннат нақд қилинган-у, бошқаларга дўзахга тушиши нақддек гапирарди.

Ваъз тутаганидан кейин жаннатга киритиладиган бирорта эшикни қолдирмаган, тингловчиларни умидсизлик кўчасига бошлаганди.

Савол-жавоб қисмига келгач, Само яна ўша саволни берди:

– Муаллима хоним! Лўлилар мусулмон бўлиши мумкинми? Аллоҳ ва унинг Расули уларни лаънатлаганми?

Бу мударрис хоним ҳам хурофот тўла китобларни ўқиб, кўзи очилгани учун киприк қоқмасдан жавоб берди.

– Асло! Лўлилар мусулмон бўлолмайдилар. Аллоҳ ва Расули уларни ростдан ҳам лаънатлаган.

Само ҳар бир муаллим ёки мударрис ҳақиқатни билади, деб гумон қилгани учун уларга ишонар, аммо қалбида теран бир ҳисси туярд.

– Қанақасига? Лўлиларни ҳам Аллоҳ яратган-ку? Аллоҳ ўзига юз бурган қулини рад этиши мумкин?

– Лекин лўлиларни биласанми, улар...

Само қаҳр билан унинг сўзини бўлди:

– Биладан, биладан, ака-сингил ҳақида гапириб бермоқчисиз, а? Майли, бу ҳақиқат ҳам дейлик. Лекин минг йиллаб олдин яшаган одамларнинг гуноҳи учун нега мен жавоб беришим керак? Менинг айбим нима?

Хурофот китобларини ўқиб туширганлар ҳаммаси келишиб олгандек битта гапни қайтаришарди. Мударрис аёл жавоб берди:

– Бу тақдир. Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди.

– Аммо Аллоҳ бундай адолатсизлик қилиши мумкин эмас. Менинг Роббим ўзига юзланган бирор қулини ноумид қўймайди. Мен ўқиган китобларда шундай ёзилган.

Мударрис шошиб қолди:

– Сизга нима бўляпти? Ростан ҳам лўлимисиз?

Само ёшли кўзлари билан жавоб берди:

– Ҳа, фараз қилингки, мен ҳам лўлиман.

– Бас, бунақа гапни қайтиб тилингизга олманг. Лўлилар мусулмон бўлолмайди. Лўли эмасман, десангиз бўлди, тамом-вассалом.

Само ҳамон хурофот тўла китоблардаги ёлғон фатволарга ишонарди. «Лўли эмасман, десанг бўлди», дегани Самога хийла таскин берди.

– Ҳа, мен лўли эмасман. Лекин бу ноҳақлик. Бир саволим бор. Сиз Аллоҳга осийлик қилган

ота-боболарингиз учун жавоб берасизми? Сиз мансуб бўлган ирқдан ҳам ўта ваҳший кимсалар чиққан. Яқинда ўқидим. Ҳар бир ирқдан яхши-ёмон одамлар етишиб чиқиши табиий. Ўз ирқингиз билан ғурурланманг, Китода шунақа ёзилган. Мен ҳам шу гапни сизга такрорламоқчиман. Ҳозир ҳам сизнинг миллатдошларингиз орасида қанча жинойтчилар бор. Уларнинг гуноҳи, жинойти учун сиз жавоб берасизми?

Мударрис яна довдиради:

– Бизми? Йўқ...

– Нега сиз жавоб бермайсиз-у биз жавоб беришимиз керак? Мен болаликдан эшитганман. Сизнинг миллатингизда ҳам муқаддас китобни ахлатхонага ташлаганлар, оловга ташлаб, сувга оқизганлар бўлган. «Аллоҳ» дегани, фақат ёлғиз унга топингани учун бегуноҳ инсонларни қамоққа ташлаган, осган, сўйган кимсалар ҳам яшаб ўтган экан. Сиз бемалол қаддингизни тик тутиб юрибсиз-ку, нима учун биз Иброҳим алай-ҳиссалом давридаги икки аҳмоқнинг қилмиши учун жабр тортамыз? Ҳали шу ривоят ҳам ростми, ёлғонми – Худо билади.

Мударриснинг кўнглига ёқиб тушди бу эътирозлар. Аммо ўзи ўқиган китоблардаги ҳукмларнинг аксига ишонадиган бўлса, кофир бўлиб қолиш қўрқуви ҳам йўқ эмасди. Шунинг учун ҳам ён бергиси келмади.

– Э, нима қиламиз? Сизнинг, узр, уларнинг тақдирида шу ёзилган экан-да?

Само кўз ёшлар ичида ҳамма нарсани унутган, йиллар олдинги фарёдини такрорларди:

– Хўп, энди мен Аллоҳ деб ёлворайинми? Кимга сажда қилай? Кимни Парвардигорим деб

атай? Биласизми, мен намоз ўқишни бошладим.

Само йиғлай-йиғлай мударриснинг ҳузуридан чиқди. Уйга келганида ҳам кўз ёшлари тинмаганди. Ҳеч кимса йўқ уйида овозини борича йиғлаб, Аллоҳга тавалло қиларди:

– Э Аллоҳим, мени эшитиб турибсан. Менингуноҳим йўқ экан. Мени динсиз қолишимга изн берасанми? Ялинаман, менга йўл кўрсат. Ўзинг ҳақ йўлга бошла, Аллоҳим!

Самонинг миясида иккита савол чарх урарди: биринчиси, бу гап-сўзлар ёлғон бўлиб чиқиши мумкинми? Иккинчиси эса, агар бу сўзлар ёлғон бўлса, нима учун бу қадар тез ёйилиб кетди?

Само болалигидан лўлиларнинг лаънатланганини ўқиб, эшитиб келади. Онаси ҳам болалигидан бери шу гапларни эшитиб улғайган. Агар бу ҳукм ёлғон бўлса, нима учун йиллар, асрлар бўйи яшаб келяпти? Само инсоният дунёсини ҳам англолмай қолганди. Ер юзида беш минг йиллик ёлғон ҳамон яп-янгилигича турар, қўриқланар, аммо дунё бундан беҳабардек эди, гўё.

Само билмасдики, ёлғон хурофотнинг акси исбот этилмагунча, бу ёлғон қиёматга қадар яшаши мумкин.

Само Серпилга ҳам тушунтиролмаган бир ҳақиқат туфайли бахтсизлигига яна бир бахтсизлик қўшилганини ўйлаб, не қиларини билолмас, изтироблар оташида қовриларди.

Орадан ўн-ўн беш кун ўтганидан сўнг, яна домла шу ҳақда баҳс юритганини эшитиб қолди.

Тепалиқда яна бир домла ваъз ўқирди. Само «Ажабо, биринчи марта кўрган домлам шу эмасмикин?» деб ўйланиб қолди. Шунинг учун ҳам унинг ёнига бориши аниқ эди. Бу охирги

бориши бўлади. Унга тинчлик бермаётган саволларни яна бир марта сураб кўради. Ўша заҳоти Серпилга ҳам хабар берди. Эртаси куни биргаликда борадиган бўлишди. Воситачи сифатида Садони ҳам таклиф қилишди. Садо Самонинг ҳолига ачинарди.

Меҳмет руҳий ўзгаришлар ичида юрганида, нега ундан хавотир олмаслиги керак? Само ундан хавотирда эканини айтган, Садонинг кўнглини олганди. Ваъзни эшитгани Садо ҳам борадиган бўлди.

Ваъз бошланганида, Серпил билан Садо аввалроқ, Само эса эндигина келганди. Дарров домлага қаради. У кўришни истаган домла бу эмасди. Аввалига бир бурчакда Серпил билан Садонинг ёнида ўтириб, уни тинглай бошлади.

Домла тавба ҳақида гапирарди.

– Азиз хонимлар! Аллоҳнинг бир сифати Ғофурдир. Яъни у узр сўраган, тавба қилганларни афв этувчи зотдир. – Воизнинг овози янада юксалди. – Инсонларнинг гуноҳлари, чўллардаги қум зарралари каби кўп бўлса, денгизлардаги сув томчилари сингари беҳисоб бўлса, дарахтларнинг япроқлари қадар саноқсиз бўлса, бир бандаи ожиз Яратганга муножот қилиб «Ё Роббим! Тавба қилдим, Парвардигорим! Мени ўзинг кечир» деса, ўша гуноҳларга қайта қўл урмаса, Аллоҳнинг Қуръони Каримда ваъдаси бор: Аллоҳ тавба қилгувчиларнинг тавбасини қабул қилади! Тавба қилгувчи бой бўладими, фақир бўладими, оқ ёки қора бўладими, соғлом ёки бемор бўладими, барчанинг гуноҳларини афв этади. Аллоҳ учун банданинг кимлиги, қанақалиги эмас, унинг тавбаси қанчалик астойдил экани муҳимдир.

Бу гал Самонинг кўз ёшлари севинчдан, қалбида ҳис этган ҳузур туйғусидан оқарди бу гал. Домланинг сўзлари унга жуда-жуда ёқаётганди.

Домла давом этди:

– Баъзи инсон худди Жаннатнинг калити ўз қўлларида тургандек, ҳаммани бир бошдан Дўзахга юбораверади. Бу катта хатодир, азизлар! Биз ўз динимизни ўрганмасак, бизга ёлғон, уйдирма таълимотларни тиқиштиришади. Эни

ёмони, биз ана шу уйдирмаларга ишониб қоламиз. Уйдирма таълимотлар сабаб биз залолатга юз тутамиз. Шу боис, биз ҳаммамиз Расулуллоҳга ваҳий қилинган Аллоҳнинг динига қайтишимиз керак. Шунинг учун, Аллоҳнинг номидан ҳар доим ёлғонлар айтиб келинган. Аллоҳ ва унинг пайғамбарига туҳматлар қилинган....

Бир соатга яқин ваъз насиҳат қилган домла сўзини тугатиб, саволларга жавоб қайтиришга ҳозир эканини билдирди. Само дарҳол ўзининг асосий саволини берди ва ҳаяжон ила жавоб кута бошлади.

– Лўлилар мусулмон бўла оладиларми? Нима учун бўла олишмас экан?

Само ва Садонинг қувончи фалакка ўрлади. Дарҳол ўринларидан туриб, домланинг қўлини ўпдилар. Самонинг кўзларидан севинч ёшлари шашқатор оқарди. Тингловчилардан бири луқма ташлади:

– Бўлиши мумкинми? Пайғамбаримиз нима деганлар?

Домла хоним хурофотларни жуда яхши биларди. Шу сабабли хотиржамлик билан савол эгасига юзланди:

– Ҳўш нима деганлар?

– Нима дердилар? «Етмиш икки ярим миллат бор, ўша яримта миллат бу лўлилардир» деганлар-ку?

Хадича исмли бу аёлнинг қошлари чимирилди, лаблари қимтилди.

– Бўлиши мумкин эмас! Бу сўзингиз туҳматдан бошқа нарса эмас. Бунақа ҳадис йўқ. Кунини кеча Маҳмуд Тўптош хожаимиздан ҳам сўролмадим. «Етмиш икки ярим» сўзи бирорта ҳадисда

ишлатилмаган. Етмиш икки ёки етмиш уч сонлари келтирилган. Яъни «Менинг умматим етмиш уч фирқага бўлиниб кетади, улардан фақат биттаси нажот топади», деганлар. Яъни бу ерда иймон ҳақида сўз боряпти. Қайси гуруҳ ёки тариқатдан бўлса ҳам, иймон келтирганларнинг барчаси шу нажот топадиганлар фирқасига киради. Жоҳил кимсалар «ўша нажот топувчи фирқа бизмиз» деб кўкракларига уришади. Улар дунёга ўзларининг тор нуқтаи назари билан қарайди. «Ярим» масаласига келсак, Расулуллоҳ (с.а.в.)га туҳматдан бошқа нарса эмас. Чунки ул зот ҳеч бир ирқ ёки миллатни бошқасидан устун қўймаганлар. Демак, яримта миллат сўзи ҳам бўҳтондан бошқа нарса эмас. Миллатлар ҳақида битта саҳиҳ ҳадис бор: «Фақат икки миллат бор, биринчиси куфр, яъни ҳақиқатни инкор этувчи миллат, иккинчиси эса мусулмон миллатидир».

Само қувончидан самоларда парвоз этарди. Аёллардан бири эътироз билдирди:

– Қанақасига? Ахир турк миллати, курд миллати, инглиз, француз.... ахир миллатлар ва ирқларнинг сони жуда кўп-ку?

Домла хоним шу саволни кутаётганди. Ҳар бир сўзини дона-дона тушунтира бошлади:

– Мана, қаранг, азизлар! Дунё мусулмонлари даҳшатли ва тизимли маданий империализм ҳужумига дуч келди. У пайтларда ҳеч ким бировнинг ирқига парво қилмасди. Бизнинг миллатимизга севиш учун фақат мусулмон бўлишнинг ўзи кифоя эди. Бу кучли бирлик демакдир. Шу тариқа бир-бирига боғланган миллатни йиқитиб бўлмасди. Шу боис, бу миллатни турли майда эл ва элатларга парчалаш зарурати юзага келди.

Уларнинг орасига турли низо ва нифоқ солишга уриндилар. «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил!» Ана шу буюк бир миллат ирқларга, элатларга ажратилиб, бўлакланди. Улар орасида қонли тўқнашувлар, бўлинишлар юзага келди. Пайғамбаримиздан кейин дунёга келган мусулмонларнинг барини уммат, ирқдошларга эса қавм деймиз. Қарашлар ўзгарганидан кейин ҳамма нарса ўзгара бошлади. Бинобарин, яримта миллат деган тушунча йўқ. Иброҳим алайҳиссаломнинг оловга ташланиши чиндан ҳам икки осий банданинг гуноҳига боғлиқ бўлганида ҳам бугунги румин (роман) миллати бунинг учун жавобгар бўлмасди. Чунки Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло «Ёсин» сурасида «Ҳеч ким бировнинг гуноҳи учун жавобгар бўлмайди» дея марҳамат қилади. Ҳеч кимга бошқа бировнинг гуноҳи юкланмайди. Бинобарин масала ўз-ўзидан ечимини топади. Лўлилар ирқи йиллар давомида ёмон бир қавм сифатида кўрсатиб келинади. Ҳолбуки, қавмларнинг яхши ёмони бўлмайди. Ҳар бир қавмнинг яхши-ёмон одамлари бор, холос. Лўлиларнинг кўпчилиги мард, тоза инсонлардан иборат. Аммо айрим лўлилар одамларнинг уларга нисбатан нафрати, қарашлари боис, атайин ёмонлашиб кетишган. Бу ҳол ҳар қандай қавм билан ҳам юз бериши мумкин эди.

Барча лўлилар дунёга тоза, покиза бўлиб келадилар, ташқи муҳит таъсирида уларнинг қай бири ўғри, фолбин ёки фирибгар бўлиб кетиши мумкин. Ахир бу дунёда ўғрилиқ, фолбинлик ва найрангдан йироқ бўлган лўлилар ҳам бор-ку, хўш, уларнинг айби нима? Ана шулар ҳақида ўйлаб кўришимиз керак. Агар ўғрилиқ инсон

қавмига, мансабига борлиқ бўлганидан, лўлиларнинг ҳаммаси ўғри бўлиб кетарди-ку?

Бутун дунё ўз қавмидан чиққан ўғриларни кўрмаяпти, фақат ўғри лўлиларни кўряпти, холос. Саҳобаларга бир қаранг. Саҳройи араблардан қандай ҳалим, тақводор, бағрикенг тоифа юзага келди. Бошқа қавмлар ҳам ўз-ўзидан исломни афзал кўриб, уни қабул қила бошладди. Ҳатто уруш пайтида ҳам амал қилиш лозим бўлган қатъий чоралар белгиланди. Ҳатто уруш пайтида ҳарбий ҳаракатларга қатнашмаганларга тинчлик шароитидаги чоралар қўллана бошланди. Орадан асрлар ўтиб, миллат парчаланиб кетгач, бугунги манзара юзага келди.

Жанубий Шарқ томондаги курд билан Тракиядаги курд Қораденгиздаги лаз билан Адапазаридаги абазин, черкас ва албанлар бари битта миллатдан эдилар. Энди фақат бир қавм миллат унвонига эга чиқди. Уларнинг ўзи миллат, қолганлари иллатдек, гўё.

Бу сўзлар Самонинг руҳига, қалбининг нозик қатларига сингиб борарди. «Зотан, Роббимизнинг хатога йўл қўймаслигига амин эдим» деб қўйди ичида. Кейин атрофга севинч тўла кўзлари боқишга тушди.

Садо эса таъсирланмаганди. Чунки ҳар бир инсон эшитганларини ўз эҳтиёжига кўра қабул қиларди.

Само миясини кемириб келган саволлардан халос бўлиб, уйига қайтди. Ўша кундан бошлаб, тез-тез бошига рўмол ўрар, диний мавзулардаги суҳбатларга кўпроқ вақт ажратарди. У ўзича домла хонимни айтган сўзларни тез-тез такрорларди: «Ўз-ўзига битмас зулм. Модомики, бу ҳа-

ётни ёқтирмас эканман, уни ўзгартириш учун ҳаракат қилишим лозим», деб ўйлар, аммо бунинг учун нима қилиш кераклигини билмасди.

Маҳалланинг илк ўранган аёли ҳам Самонинг ўзи эди. Аммо бу кифоя эмасди. Чунки ўраниш бу ҳали ҳамма нарса дегани эмасди.

Серпил ҳам ўранди.

Маҳалланинг баъзи кишилари у билан тортиша бошладилар. Кимдир «Бу нима аҳвол, худди кўршапалакка ўхшаб олибсанлар» деса, яна кимдир «Ҳали ёшсизлар, бунчалик берилиб кетишнинг кераги йўқ, миянгиз заҳарланмасин», дейишарди.

Қўшиқчилик пайтида ҳеч кимдан танқид эшитмаган Серпил энди давомли тарзда танқидлар ўқиға нишон бўлганди. Ҳатто уни олмон орасига олиб, танбеҳ берганлар ҳам бўлди. Фақат камдан-кам одамлар унинг қилган ишини маъқуллашарди.

Аслида ҳақиқий иймон соҳиблари танқидларга ҳам, мақтовларга ҳам эътибор бермайди. У фақат бу ишни Аллоҳнинг розилиги учунгина қилади. Само ҳам ана шу тоифа сафида борарди. «Мен ҳам нимадир қилишим керак, – дерди у. – Модомики, шу йўлни танлаган эканман, бир четда томошабин бўлиб қолмаслигим керак. Аммо ишни нимадан бошласам экан?» – деб давомли тарзда бош қотирарди у.

Серпилнинг ҳам, Самонинг ҳам оналари икки қизнинг ёпинганига жуда мамнун бўлишди. Меҳмет Самони ўранган ҳолда кўрса-да, унга ҳеч нарсани айтмаган, фикрни ошкор этмаганди. Чунки у гапиролмасди энди. Фақатгина Самонинг кўзларига маъюс қараб турарди, холос.

Серпил ва Само ишни Қуръони Каримни ўрганишдан бошлаш лозимлигини тушуниб етишмаган бўлишса-да, ҳар иккиси ичида бир ғайратни ҳис этарди.

Само яқиндан эшитган хабарни Меҳметга етказмоқчи бўлди. Аммо Меҳмет уни тушунадиган аҳволда эмасди. Само қўлидаги китобдан жуда ҳам таъсирланганди. Худди дунёни ёлғиз фатҳ этадигандек ҳис қиларди ўзини. Белини букиб, бахтига соя солувчи бир нарсa бор эди. У ҳам бўлса Меҳметнинг аҳволи эди. Само исломни қабул қилган кундан сўнг дунёни бошқа кўзда кўра бошлади. Ҳозир ҳам бир домла ҳақида эшитган, ваъзларига боргиси келарди. Руҳий покланиш учун бор куч-қувватини сарф этарди. Бу орада у Хадича хонимнинг ҳам дарсларига қатнаш, унга нисбатан миннатдорлик ҳис этарди. Унинг бир сўзи ҳеч қачон ёдидан чиқмасди: «Агар инсоннинг саҳродаги қум зарралари, денгиздаги сув томчилари, дарахтлардаги япроқлар сонидек гуноҳлари бўлса ҳам, Аллоҳ уларни кечира олади».

Само домланинг дарсларини тингларди. Унинг ёнига ҳар ҳафта борарди. Яна дарсга борадиган бир куни нотаниш бир аёл унинг ўранганини кўриб, илтимос қилди:

– Узр, сиздан бир нарсани сўрасам бўладими?

– Марҳамат, хонимафандим, нима хизмат буюрадилар?

Аёл сочларини орқага ташлаб, кўзларини Самонинг кўзларига қараб, ёлворди:

– Қизим, жуда ҳам бебош, шунга ёрдам сўрамоқчиман.

Само «агар қизи йўлдан озган бўлса, мени домла деб ўйлаб, ёрдам сўрамоқчи», деган хаёлга борди.

– Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

Аёл атрофига аланглаб, қизнинг қулоғига эгилди:

– Сиз исиқ-совуқ қиларкансиз. Қизимга битта тумор қилиб бера оласизми?

Само турган ерида қотиб қолди.

Аёл келиб-келиб уни бир афсунгарга ўхшатибди? Аввалига «бир боплаб адабини берсаммикин?» деб ўйлади. Кейин китобда ўқиган чиройли сўзлар ёдига тушди: «Инсонлар жаҳл устида ҳар хил сўзларни айтиш мумкин. Аммо жаҳл чиқиб турган пайтда ҳамма ҳам яхши гапни гапира олмайди. Фақат мўминларгина ҳақ сўзни айтадилар».

Само қисқа фурсатда аниқ бир қарорга келиб бўлганди.

– Мени афсунгарга ўхшатдингизми? – сўради атрофига қараб.

– Адашдим, шекилли?

Само зўрма-зўраки кулимсиради:

– Шунақага ўхшайди. Аммо барибир сизга фойдам тегса дегандим. Инсонларга тумор. Сеҳр-жойда билан ёрдам бериш қийин. Ёрдам беришнинг бошқа йўллари ҳам бор. Тумор эса ширкка тенг. Қолаверса, афсунгарлар одамларга фоида эмас, зиён келтиришади. Ораларини бузади, уйларини йиқади, алдашади, уларнинг пулларини шилиб, хонавайрон қилади. Мен сизга тумор қилиб беролмайман. Лекин бошқа бирор ёрдамим тегса, хурсанд бўлардим.

Аёл ёрдам сўзини эшитиб севиниб кетди.

– Ростданми? Чиндан ёрдам бера оласизми? Балки дам солиш, ўқиб қўйишни биларсиз? Қизимнинг аҳволи жуда ёмон.

Аёлда йилларнинг, асрларнинг таъсири бор эди. У мусулмонларнинг қўлидан дам солиш, ўқиб қўйишдан бошқа ишлар келиши мумкинлигини ҳам тушунмасди. Ўранган аёл ҳақида у фақат шуларни биларди, холос.

Аслида бу динсиз бандаларнинг одати эди. Фильмларда мусулмонни кўрсатиш керак бўлса, сохта диний уламо одамларга дам солиб, иссиқ-совуқ қилувчиларни кўрсатишарди. Ўранган аёл кўрсатилиши билан мақсад ойдинлашади. Бунақа аёллар ё фол кўради, ё бир касофатга қўл уради. Баъзида парда ортида ҳар қандай разолатга тайёр турадиган аёлларнинг кирдикорлари кўрсатилади.

Само яна сўради:

– Қизингизга нима бўлган ўзи? Айтинг, мен ҳам сизга фойдам тегиш-тегмаслигини билай.

Аёл умид блан Самонинг қўллариغا ёпишди. Самодан камида ўн беш ёшлар каттароқ бўлишига қарамасдан, унинг қўлларини ўпгудек бўлди. Кейин қўзлари ёшга тўлди:

– Синглим, қизгинам ақдан озяпти, ёрдам беринг. Қанча фолбину қушночларга бордим. Бирортасидан ёрдам кўрмадим. Ҳатто... ҳатто...

Аёл йиғлашга тушди. Овози титради:

– Нима десам экан.... Уяламан. Мени пасткаш деб ўйлашингиздан қўрқаман. Нима қилай, ҳаммасини қизимни қутқазиб қолиш учун қилдим.

Само ҳали қизга нима бўлганини билолмаганди. Аёлнинг сўзини бўлишга эса, журъати етмасди.

– Уят бўлса ҳам айтаман. Қизимни қутқазиб қолиш унга ўликнинг тирноғини ҳам едирдим.

Самонинг ҳайратдан оғзи очилиб қолган, кўнгли айнирди:

– Нима? Ўликнинг тирноғи? Ё Аллоҳ? Бунга қандай қўлингиз борди?

– Домла шунақа деди, иримчи домла.

– Бунақа иримчиларни Аллоҳ жазосини берсин. Астаффируллоҳ! У домла асло мусулмон бўлмаса керак!

Аёл айбдорона елка қисди:

– Билмасам, балки насронийдир?

– Йўқ, ҳақиқий насронийлар ҳам бунақа ишга қўл урмайдилар. Шунақа даҳшатли ирим-сиримлар бўладими? Буларнинг барчаси ёлғон, уйдирма, хурофот. Қизингизга раҳмингиз келмадими?

Аёл кўз ёшларини артиб давом этди:

– Унга раҳмим келганидан қилдим-да шу ишларни? Менга осон бўлди деб ўйлайсизми? Қарасам, қизимни қўлдан беришим мумкин. Кейин шу ишга қўл урдим. Тирноқ билан жоду қилинган экан-да!

Само хотиннинг кўзларига бу гал шиддат билан тикилди:

– Мени маъзур тутасиз, аммо қилган ишингизнинг зиғирча фойдаси йўқ, бўлмайди ҳам. Ўлган одамнинг тирноғидан нима наф? Сиз маданиятли хонимга ўхшайсиз, тирноқдан мадад кутиш сизга ярашмайди. Агар афсунгарларга ишонгандек, Аллоҳга ҳам бироз ишонганингизда, бу кўз ёшларингиз оқмаган бўлармиди? Ўша динсиз, имонсиз кимсалар ўзларини домла деб аташса-да, одамларга даво сифатида соч, тирноқ, ҳатто пешобни ҳам тавсия қилишяпти. Ана шундай номуссизлар сабабли одамларимизнинг динга, ҳақиқий диндорларга муносабати ҳам ўзгариб боряпти. Нега шундай жодугарлар ҳақида тегишли жойга бориб хабар бермайсизлар?

Аёл бошини эгибгина сўради:

– Энди мен диндан чиққан ҳисобланаманми?

Само ўзи билмаган нарсалар ҳақида гипиришни истамасди.

– Билмайман. Аекин Аллоҳнинг марҳамати кенг. Астойдил тавба қилсангиз, чўлларнинг қуми, денгизларнинг томчилари, дарахтларнинг япроғи қадар мўл гуноҳларингиз бўлса ҳам, Ўзи афв этгусидир Аммо, Аллоҳга берган ваъдагизда туришингиз керак.

Аёлнинг ёзига ёруғлик югурди:

– Мени масжидга олиб бориб, гуноҳларимдан поклаб қўясизми? Илтимос, мен битта ўзим масжидга киришга қўрқаман.

Самонинг боши ғувиллай бошлаганди. «Қандай телбага йўлиқдим?» дея бошини ушлади. Аёлга юзланиб сўради:

– Кечирасиз, сиз насрониймисиз? Агар шундай бўлса, черковга борсангиз бўларкан. Мусулмон бўлганингизда масжидга бориб гуноҳдан тозаланиш ҳақида ўйламасдингиз. Очиғи, сизни тушунолмаяпман.

Аёл яна ўнғайсизланди.

– Нима бўлди? Яна бирор хато қилдимми?

– Ислон динида гуноҳдан поклаш деган тушунча йўқ. Аслида бу нарса насронийликда ҳам йўқ. Аллоҳга қарши исён ва гуноҳларни унинг ўзидан бошқа биров кечири олмайди. Аллоҳнинг аршига кўз тикканлар инсонларни ўзлари кечирадиган бўлишгач, ана шунақа бидъатлар пайдо бўлган. Бир гуноҳкор қул бошқа бировнинг гуноҳини қанақасига кечириши мумкин?

– Билмасам, киноларда кўрсатади-ку? Ислонни ҳам, тўғриси, унақа чуқур билмайман. Айланай...

Само жуда закий бўлгани учун ўзи ўқиган китоб ва маърузалардан нимани ўрганган бўлса, уни ўша заҳоти хотирасига муҳраб қўяр, тегишли хулоса чиқарарди. – Сизни тушунаман. Менинг ҳам билимим унча кўп эмас. Аммо тавба қилишингиз учун сизга на имом, на бошқа бир диндор киши керак бўлмайди. Ўша гуноҳларга қайта қўл урмасликка қарор қилдингизми? Агар бу йўлга қайтмасангиз, сўнг чин дилдан пушаймон бўлиб, Аллоҳдан мағфират сўрасангиз, сиз тавба қилган ҳисобланасиз. Бу мавзуда бир қанча ваъзлар эшитдим, китоблар ўқидим.

– Шунақами? Яхши, сизга катта раҳмат. Бугуноқ тавба қиламан.

Кўчанинг чеккасида тик туриб суҳбатлашишарди. Само сўради:

– Айтганча, қизингизни унутибмиз. Унга нима бўлган ўзи? Нимадан қутқармоқчисиз?

Аёл чуқур нафас олди:

– Мана, қаранг, мен сизни яхши кўриб қолдим. Қизимни сиз қутқариб қолишингиз мумкин. Юринг, машинам шу атрофда. Бизникига борамиз, қизим билан кўришасиз, у билан гаплашасиз. Фақат бизни қутқарсангиз, бас. Йўлда ҳаммасни тушунтириб бераман. Қани, юринг, машинамга...

Само ўзи танимаган аёлнинг машинасида кетиш хато эканини биларди. Кинофильмларда охири нохушлик билан тугайдиган бунақа ҳолатларни кўп кўрганди. Бироз ўйланиб қолди. Кейин «менга тузоқ қўядиган бирор душманим йўқ-ку?» деб ўйлади.

Аёлнинг ортидан эргашиди. Машина шаҳар четроғига қайрилса, ўзини ташқарига отишни кўзлаб борарди.

Мерседесда боришаркан, аёл унга тушунтиришга тушди:

– Бир қарасам олдимдан ўтиб бораётган экансиз. Дарҳол машинани тўхтатиб, ортингиздан бордим. Нима қиламан, чўкаётган одам чўпга тармашаркан. Осон эмас, бир боламдан айрилай, деяпман.

Само бундай машинага биринчи бор миниши эди. «Бой оилага ўхшайди, ҳатто бойлик ҳам тузата олмайдиган бу дарднинг оти нима экан?» деб ўйлаб борарди.

– Қизингизга ўзи нима бўлган? – деб сўради охири сабри чидамай. – Жуда қизиқяпман-да!

Аёл ич-ичидан хўрсиниб, гап бошлади:

– Бу дардни душманимга ҳам раво кўрмайман. Қизим бир лўли йигитни ёқтириб қолибди. «Ўламан саттор, бошқасига тегмайман», деб турибди.

Само худди ток ургандек сесканиб кетди:

– Ҳа-а-а! Қизингизга шунинг учун ўликнинг тирноғини едирдингизми? Айнан шутина гуноҳи учун шу қадар разилликка бордингизми?

– Бу нима деганингиз? Нима қилишим керак эди? Кўз ўнгимда қизимнинг нобуд бўлишига қараб ўтираманми? Аслида ўлим ҳам бундан кўра авлороқ. Ўлимда ҳеч бўлмаса одамзоднинг номуси булганмайди-ку? Аммо бунақа номуссизликни биз қабул қила олмаймиз. Одамларга қай юз билан кўринамиз?

Само аёлдан кўз узмай борар, у эса сўзида давом этарди:

– Асалим, қизим ақлини йўқотган кўринади. Уялмай нетмай, «Лўли Ойдинни севиб қолдим», деса бўладими? Ҳушим бошимдан учди. Бировлар эшитса нима дейди, а?

Само ич-ичидан чуқур нафас олди:

– Демак, шунақа денг? Лўли бўлиш шунақа ёмон нарсa экан-да?

– Сиз билмасмидингиз?

Аёл Самонинг ҳаёти ҳам шу сабабли бошқа ўзанга тушиб кетганини билмасди. У Самонинг лўли қавмига мансуб бир париваш бўлиб чиқишини ҳам хаёлига келтирмаганди. Чунки Само яхшигина ўраниб олган. Аёл эса, лўлилар ҳижобда юришини тасаввур ҳам қилмаганди. У ўзи билмаган ҳолда қизининг бир лўли «балоси»-га дуч келгани ҳақида бошқа бир лўлига шикоят қилиб турарди.

Само аёлнинг саволига тавозе билан жавоб қайтарди:

– Лўлиларни яхши биламан. Мен асли лўли бўлмаган одамларга бир нарсани ҳеч тушунтира олмаяман. Қаранг, ҳатто қизингизга ўликнинг тирноғини едиришгача борибсиз? Ўлик тирноғини қаердан олдингиз?

– Асти сўраманг! Менга бу иш осон бўлди, деб ўйлайсизми? Қабрдан қазиб чиқартирдим. Бир қари чолнинг ўлиги экан. Қўллари ҳам чирий бошлаган экан. Эҳ, эсласам вужудим титраб кетади. Қизимни йўқотиб қўймаслик учун нима-лар қилмадим, дейсиз?

Самонинг кўнгли ағдарилгудек бўлаёзди. Худди ўша тирноқни ўзи ютгандек ўқчишига сал қолди.

– Бўлди, Худо хайрингизни берсин, қолганини айтиб ўтирманг!

– Кўрдингизми? Сиз ҳатто эшитишни ҳам ис-тамаган ишни мен ўз қўлларим билан қилдим. Бошқа нима ҳам қилардим? Ахир она юраги шунақа бўларкан.

– Ҳа, тўғри, – киноя билан тасдиқлади Само. – Она юраги ҳар ишга қодир экан, унда мен сизга қанақа ёрдам беришим мумкин?

– Сиз аввал бориб, қизимни бир кўринг, у билан бир гаплашинг!

Само туғилганидан бери бунақа ҳангомага дуч келмаганди. Қизни эмас, унинг ақлли онасини бу балодан қутқариш керак эди аслида. Бу аёлга лўлилар ҳам ундан кам эмаслигини, у қилган ишни ҳатто энг жирканч лўли ҳам қилмаслигини унга қандай тушунтирсин?

– Қизингиз ҳозир нима қиляпти? – деб сўради у аёлдан.

– Хонасида. Устидан қулфлаб чиққанман. Очсам ўша Ойдиннинг ёнига югуради. Нима қилай?

– Шўрлик! Бечора қизингиз ақлдан озиб қолмасайди!

Аёл шиддат билан газни босди:

– Озаверсин! Лўлига текканидан кўра эсидан оққани яхши! Сиз кўпни кўрган қиз экансиз. Биз ўзига тўқ оиламиз. Отаси ҳам бой одам, кўлини истаган жойга узатса – етади. Келиб-келиб, шундай қизимизни лўлига берамизми? Истанбулда бошқа эркак қуриб кетибдими?

– Истанбулда яшайсизми?

– Ҳа, ёзда бир неча ой шу ердаги уйимизда турамиз. Измирни жуда ҳам ёқтираман. Бу ерда маза қилиб кўнгил ёзаман. Лекин уч йилдан бери бу қиз ҳаммасини бурнимдан чиқаряпти.

Само ҳануз бу аёлнинг чиркин ишларини тушунолмас, унинг сўзлари ҳамон вужудини музлатиб турарди. Бундай инсонларнинг энг аввало иймонга эҳтиёжи борлигини у яхши тушунарди.

Ўн беш-йигирма дақиқадан сўнг улар лифтда эдилар.

Само лифтда кўтариларкан, ўйлаб қолди:

«Инсонлар лифтда кўтарилган каби юксала олмайдилар. Аммо буни ҳам ҳар бир киши англай олса эди».

Меҳмет эсига тушди. Аёлга қараб, қисқача тушунча берди:

– Биласизми? Аўли қизни ёқтириб қолган бир йигитга севганини олиб беришмагани учун йигит шўрлик ақдан озибди. Ҳозир кўчама-кўча гандираклаб юрганмиш. Онаси қилган ишидан пушаймон, аммо энди фойдаси йўқ. Сиз ҳам бир куни ўшандай пушаймон бўлиб қолмайсизми?

– Худо сақласин! Нафасингизни иссиқ қилсангиз-чи?

Само индамади.

Кўп ўтмай, каттакон бир залга кириб келишди. Зал антиқа ашёлар билан безатилган эди. Само ҳайрат ила атрофига қаради.

– Сиз ўтира тулинг, мен ҳозир Наргизни олиб келаман.

Шу аснода хизматкорлари етиб келишди.

– Хоним афандим, сизга нима олиб келай?

Само хизматкор аёлнинг катта-катта, муте кўзларига қараб жавоб берди:

– Раҳмат, ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

– Илтимос, йўқ деманг, нима ичасиз? Чойми, қаҳвами, шарбатми, балки спиртли ичимликлардан нимадир ичарсиз?

Само сесканди:

– Тавба қилдим, спиртли ичимликлардан Яратганнинг ўзи асрасин! Миллиардларни бе-

ришса ҳам ичмаган бўлардим. Жуда илтифотли экансиз, майли, қаҳва олиб кела қолинг!

Хизматкор аёл кетганидан сўнг Само яна атрофга назар солди, ўзини қўрқинчли фильмга тушиб қолгандек ҳис этди. Ишқилиб қаҳвага бирор нима қўшиб келишмасмикин?

Кўп ўтмасдан, аёл қизини етаклаб келди. Қиз Самони кўриши билан унга ҳужум қилди:

– Сен нега келдинг, алвасти жодугар? Менга яна қанақа ҳийлалар қиласан, а? Мени Ойдинимдан ажратиш учун яна нима ҳунар кўрсатасанлар?

Само унинг ҳамласидан ўзини аранг қутқариб қоларкан, бор овозда қичқирди:

– Ўзингизни қўлга олинг! Бошқа бир ўранган аёл сизга бирор бир ёмонлик қилган бўлса, унинг аламини мендан олишингиз нотўғри. Мен шунчаки бир муслима аёлман. Мен севишганларни бир-биридан айиришни ўзимга касб қилиб олганим йўқ. Аксинча, мени севганимдан айирдилар. Мен бу ҳасрат қанчалик оғир эканини жуда яхши биламан.

Қиз унга ажабсиниб қараб қолди:

– Унда нима учун бу ерга келдингиз?

– Билмайман, онангиз қўярда-қўймай мени судраб келди. Сизнинг аҳволингизни йўлда ундан сўраб билдим. Афсусдаман. Сеҳр-жодуга келадиган бўлса, мен бунақа нарсалардан жуда йироқдаман. Менга бунақа гапларингизнинг умуман кераги йўқ.

Қиз ўзининг тезлигидан хижолат тортди:

– Очиғи, ўранган аёлларга ҳеч ишончим қолмади. Сизни ҳам ўшалардан биттаси деб ўйлабман. Яхшиси, сиз бу уйдан кетинг.

Само тезликда эшик томон йўл олди.

– Албатта, ҳозироқ кетаман. Ялинсангиз ҳам уйингизда қолгим йўқ. Бу уй инсонийлик қиёфасини йўқотганлар билан тўла, аўлиларни инсон ўрнига кўрмайдиганлар макони экан. Диндорларни ҳам кўрарга кўзи йўқ одамлар уйи экан бу ер. Аслида мен ҳам исломни чуқур билмайман. Ўзимга керакли нарсаларни биламан, холос. Ҳали билмаган нарсаларимни энди ўрганаман.

Қиз бирдан сергакланди:

– Шошмай тулинг.

Эшикка яқинлашган Само бирдан тўхтаб қолди:

– Мен сизнинг гапингиз билан иш қиладиган ёш бола эмасман. Менинг ҳам иззат-нафсим, ор-номусим бор. Бунақа ҳақоратларни ҳазм қилолмайман.

Қиз югуриб келиб, Самонинг йўлини тўсди ва унга ёлвора бошлади:

– Илтимос, мени кечиринг. Бир неча ойдан буён қафас ичида ўтириб, ақлимни йўқотяпман, шекилли. Асабларим қаттиқ чарчаган. Айбга буюрманг, келинг, бироз гаплашайлик. Мен сизни бошқа бировларга ўхшатибман, узр.

Само қизнинг илтижоларидан кўнгли юмшадди. Ортига қайтиб, ўша курсига ўтирди. Қиз ва онаси ҳам унинг қаршисидан жой олишди. Қиз дардини дастурхон қилди:

– Мен сизни нотўғри тушунибман. Сиз оддий мусулмон экансиз.

Само ўзи ўқиган «Ирқимни мен яратмадим» номли китобидаги жумлаларни хотирлади:

«Сиз диндан ва асл мусулмондан қўрқманг. Агар ҳақиқий исломга амал қилинганда эди, дунёда бирор бир фожиа юз бермасди».

Само сабр билан сўради:

– Тўғриси, мен сизларни танитайман, исмларингиз нима? Меники Само.

Онаси жавоб берди:

– Менинг исмим Фотима, қизимники Наргиз.

– Наргиз хоним, келинг, очиқчасига гаплашамиз. Балки сизга бирор ёрдамими тегиб қолар. Жуда қаттиқ умидвор бўлманг-у, лекин...

– Албата, истасангиз юринг, менинг хонамга борайлик. – Кейин онасига қараб олди. – Ёлғиз гаплашсак яхши бўларди.

Фотима хоним ҳамон Самодан умид қилиб турарди. Балки қизига дам солиб қўяр? Шу боис, уларнинг ёлғиз қолишига ҳам рози бўлди.

Қизнинг хонасига киришганида, Само яна ажабланди. Деворлар турли актёр ва актрисаларнинг суратлари билан тўла эди. Наргиз ўн еттига кирган бўлса-да, ҳали ҳам болаларга хос ишлардан халос бўлолмаганди. Хўш, нима бўляпти: Самонинг ўзи ҳам унинг ёшида актрисаларга жуда қизиқарди-ку? Уларга тақлидан гапиришни, кийинишни, уларнинг ўрнида бўлишни истарди. Дафтарларига ҳам қўшиқчи ва артистларнинг суратларини ёпиштириб юрарди.

Инсон бўлиш недир аслида, ўйла,

Ўзини ўзликдан жудо этмоқми?

Гумроҳлик либосин киймоқми, сўйла,

Нурдан зулмат томон бадар кетмоқми?

Қиз кўз ёшларини тиёлмасдан Самога ёлворди:

– Биламан, сиз тақводорсиз. Илтимос, сиз ҳам бирорта таниш домла ёки отинойиларингизни

чақиринг. Ота-онамга қарши афсун ўқийди. Тумор ёзиб берадими, бир нима қилсин! Менга Ойдиндан бошқаси керакмас.

Само аччиқ кулимсиради:

– Сиз ҳам мени сеҳр-жодудан боши чиқмайдиган одам деб ўйлабсиз-да? Сиз ҳам мени тушунмабсиз. У тарафдан мен сизга ёрдам беролмайман. Ўзи Ойдин нима иш қилади?

– Ногорачи.

– Ҳа-а, бошқа бирор касби бўлганида ҳам оилангизни кўндиришнинг имкони бўларди балки.

– Нима фарқи бор? Ана, Ўзаннынг қизи ҳам довулчига тегиб кетди-ку? Нимаси ёмон? Уларни ерга уриш керакми? Нима, ўғрилиқ қилсинми ёки? Аўли деб унга ҳеч ким иш бермайди. Вақтида ўқиёлмаган. Нима қилсин бечора?

– Мени нотўғри тушундингиз.

Қиз унинг гапларини эшитмагандек давом этди.

– Ойдин жуда тоза йигит. У ҳар куни кечаси клубга бориб, ногора чалади. Одамларга қувонч улашади. Одамлар у чалган мусиқага рақс тушади, лекин ҳеч ким қизини бергиси келмайди. Хўп, Ойдин ёмон экан. Қилган иши ҳам паст иш экан, у чалган мусиқага қулоқ осиш тўғри бўладими?

Самонинг боши қотиб қолган, битта муаммони ҳал қилолмай иккинчисига йўлиққанди. «Балиқ бошидан сасийди», дейишади. Аммо бу «балиқ» ҳам бошидан, ҳам думидан айнишни бошлабди. Қизга раҳми ҳам келди:

– Нима қилишни билмай қолдим. Ота-онангиз Аллоҳга ишонишса, уларга Яратган аўлилар-

ни камситишни буюрмаганини тушунтирган бўлардик. Тушунишимча, оила аъзоларингиз динни унча тушунишмайди ва буни исташмайди ҳам. Шу боис улар диний нуқтаи назардан тушунтиришнинг фойдаси йўқ деб уйлайман. Ҳозир сизнинг ягона муаммонгиз Ойдиннинг лўли ва ногорачи эканида.

— Адашяпсиз. Ойдин ҳатто депутат бўлса ҳам, ота-онамнинг фикри ўзгармайди. Ойдин «агар сени менга берсалар, мен бу ишни ташлаб, дарров ўзимга бошқа бир иш топаман», деяпти. Отам ҳам бемалол уни иш билан таъминлай олади. Ҳамма гап унинг лўли қавмидан эканлигида. Мен унинг ҳамма нарсасига розиман. Фақат ота-онам буни истамайди. Улар ҳатто фирибгар, ярамас инсон бўлсаям. Аўли бўлмаган одамни авло кўришади.

— Хўп, агар Ойдин араб бўлганида ота-онанингиз сизни унга беришармиди?

Қиз ўйламасдан жавоб қайтарди:

— Беришмасди, лекин бунчалар қарши ҳам бўлишмасди.

— Курд бўлса-чи?

— Беришмайди. Улар курдларни ҳам ёмон кўришади. Лекин буларнинг менга нима алоқаси бор? Менинг дардим бошқа-ку?

— Шунчаки қизиқяпман, бордию, инглиз ёки француз бўлса-чи? Улар сизни беришармиди?

— Мен истасам, улар, албатта, беришарди. Мен аллақачон қочиб кетишим керак эди. Бир марта қочиб ҳам кўрдим. Аммо дарров ортга қайтаришди. Агар қайтмасам, шўрлик Ойдинни қамоққа тиқишарди.

Само қочган қизларини қайтариб келишганини эшитиб, Серпилнинг акалари қанчалик асл инсонлар эканини яхшироқ англади.

– Ё Тангрим! Булар қанақа одамлар ўзи? Энг яхшиси уларга Аллоҳнинг каломини англатиш лозим. Балки қалбларига бирор ёруғлик инар? Аммо бу ишни мен қилолмайман. Муфтий бейга айтаман. Ёки бирор тушунган одамни топиб келаман. Мен ўқиган китобда, агар қалбларга иймон кирса, марҳамат киради, дейилган.

Қиз ғазаб билан ўрнидан турди:

– Йўқ, уларнинг қалбларига марҳамат кирмайди. – Кўзларидан шашқатор ёш оқизиб давом этди. – Уларнинг қалблари тошга айланган. Улар мени ўлимга юборишмоқда. Олдин мен кўнгила қўйган йигитлар қандай хиёнат қилганларини улар ҳам яхши билишади. Ойдин эса мендан бошқасига қарамайди. У шунақа яхши йигитки, мен сизга тушунтириб беролмайман. Жуда марҳаматли, бағри кенг. Аммо ота-онам...

Само ҳоргин сасда жавоб берди:

– Ҳа, лўлилар орасида ҳам марҳаматли, яхши инсонлар кўп. Мен бир яхши одамни топиб, уйингизга олиб келаман. Ота-онангиз билан гаплашади. Уларга лўлилар ҳам инсон эканини, касбнинг яхши-ёмони бўлмаслигини, истаган пайтда бошқа ишнинг бошини тутиши мумкинлигини тушунтирсин. Аммо яқинларингиз, аввало, Аллоҳга ишонишлари керак. Фақат ишонишнинг ўзи етмайди. Аллоҳнинг ҳукмларига ҳам амал қилиш лозим бўлади.

Наргиз қўл силтади:

– Эҳ, сиз оиламизни тақводор деб ўйлайсизми? Агар Ойдин ҳақида гапирмоқчи бўлсангиз,

улар Аллоҳни ҳам, пайғамбарни ҳам тан олишмайди.

– Мен яна айтаман, бу ишда мен аралашмайман. Онанг ва отанг билан бир домлани гаплаштираман. Сени унга беришадими-йўқми, билмайман. Аммо мен уларга лўлиларнинг ҳақиқий ҳолатини тушунтираман. Уларнинг руминларга қариндош эканини, ҳар икки халқ бир хил хромосомаларга эга эканлигини, минг йиллардан кейин улар бошқа-бошқа қавмларга ажралиб кетганини айтаман. Албатта, уларнинг қалбида инсонийлик уйғонган бўлса.

Бир соатга яқин гаплашишди. Само Наргиздан Ойдин билан қандай танишиб қолганини сўради.

– Ҳали ёшинг ҳам кичкина. Сен нимангга ишониб унга кўнгил қўйдинг? Бунинг устига сен ўқиган китобларингга ҳам жуда қаттиқ ишонган экансан.

Қиз ўз саргузаштини айтишга тутинди.

– Мен ўшанда ўн тўрт ёшда эдим. У билан гаплаша бошлаганимда уйдагилар унча эътибор беришмади. Замонавий оилада бу масалаларга оддий қарашади. Ўн уч ёшда ҳаётимга кириб келган одам отамнинг фабрикасида ишларди. У мендан 15 ёш катта эди. Уни ака ёки амакидек севиб қолгандим. Ёш қиз эдим. Одамларга ҳаддан ортиқ ишонганим зиёнимга ишлади. Онам кичик бир ҳаракат билан мени ўзимга келтирди. Бир йилдан сўнг мактабдошим билан гаплаша бошладим. Менга уйланишини айтди. Унга ҳам ишондим. Сўнгра унинг холаваччам билан юриши маълум бўлди. Синиб қолдим. Энг телба-тескари пайтим эди. Шундай бўлса-да, алданишим

менга ёмон таъсир қилди. Кейин бу ерга кўчиб келдик. Дўстларим билан ярмаркага боргандик. Ҳамма ўйин-кулги билан машғул эди. Мен эса ҳамма нарсага маъносиз қарардим. Йиғлагим келарди. Ўн тўрт ёшимда элик йиллик хиёнат ва алдовларга дуч келгандек эдим.

– Ҳаддан ортиқ эркинлик ҳам, ҳаддан зиёд босим ҳам яхшиликка олиб келмайди. Сизни бу ёшда қанақасига бўш қўйиб беришди? Замонавий оилаларда ҳам бу қадар эркинликка йўл берилмайди. Ҳайронман. Кейин нима бўлди?

– Ойдин ногора чалаётганди. Бир пайт у ёнимга келди. «Назаримда, сизнинг катта бир дардингиз борга ўхшайди, сизга қандай ёрдам беришим мумкин?» деб сўради. Аввалига жавоб бермадим. У қаттиқ туриб олди.

Кейин ойим ва унинг дугоналари билан бордик ярмаркага. Яна олдимизга келди. Менга алоҳида илтифот кўрсатди. Бу сафар унга боғланиб қолдим. Табиийки, бу бир вақтнинг ўзида юз бермади. У менга ҳеч қачон шунчаки эрмак сифатида қарамади. Фақат бир гапни айтарди:

«Ўйингдагилар сени менга беришса эди, сен учун ҳатто жонимни ҳам бахш этардим. Ҳақиқатан у сўзида турадиган йигит эди. У билан қочиб кетдим. Лекин ёшим етмагани сабабли ўйдагилар мени қайтариб олиб келишди. У менга «сени кутаман, сендан бошқасига қарамайман» дерди. Ростдан ҳам бошқа бировга қарамади. Ҳозир ҳам шундай. «Ўлгунимча сени кутаман», дейди. Жуда яхши йигит. Агар чиндан ҳам унга теголмаслигимни аниқ билсам, ўз жонимга қасд қиламан.

– Ўз жонига қасд қилиш қанчалик оғир гуноҳ эканини биласизми? Бу дунёдан кетар-кетмас нариги дунёда бўласиз. Асло бундай қила кўрманг.

– Ахир у билан бирга бўлмас эканман, бу ҳаётда яшашнинг нима қизиғи бор?

Само бу ёш қизни йўлга сололмаслигини тушунди. Ниҳоят кетиш учун ўрнидан турди.

Наргизнинг онаси ҳаяжон билан сўради:

– Нима бўлди? Уни фикридан қайтара олдингизми?

– Бунинг асло иложи йўқ.

Худди шу аснода эшик қўнғироғи жиринглади. Наргизнинг отаси Қоя бей келганди.

Само кетишидан аввал бу эр-хотанга лўлилар ва руминлар ҳақидаги ҳақиқатни айтгиси келди. Ҳар қанча тараддудига қарамасдан, «мен ҳам лўлиман» дейишга тили бормасди. Аммо лўлиларга нисбатан адолатсизликни ҳам ҳазм қилолмасди.

Қоя бей келган пайтда унга аёли Самони таништирди:

– Қоя бей, бу қиз биз билан гаплашгани келибди.

Қоя бей кутилмаган меҳмонни хушламай турганини билинса-да, зўраки илжайди.

Само ичидан «бисмилло» деб гап бошлади.

– Мени тинглаш учун розилик берганингиздан мамнунман. Мен ҳозир сиз ҳақингизда гапирмоқчи эмасман. Мен диний масалаларни ҳам чуқур билмайман. Бу мавзуда жуда кўп китоблар ўқидим. Шу сабабли нимадир дея олсам керак. Афтидан сиз ҳар бир инсондан манфаат кутасиз. Мен сизга ёрдам беришим мумкин.

Аммо аввал баъзи саволларимга жавоб бера ола-сизми?

Қоя бей ўта такаббур одам эди. Бунақа шарт-ли иддаоларни ёқтирмасди. Аммо ўлганнинг ку-нидан бош ирғади.

Само эр-хотин ўтирган креслонинг қаршиси-дан жой олди.

– Қоя бей, сизнингча, лўлиларнинг илк отаси ким бўлган?

– Буни ҳамма билади-ку, – деди Қоя бей боши-ни ҳам кўтармай. – Албатта Одам Ато-да!

– Яхши, ундан туркларнинг илк отаси ким?

– Ким бўларди, бизнинг отамиз ҳам Одам Ато. Нима демоқчисиз ўзи?

– Шошилманг, афандим, сиз бу билан лўлилар билан турклар аслида қариндош эканини тан олдингиз, тўғрими?

Қоябей асабийлашди. Ўрнидан сапчиб турди:

– Бу нима деганингиз? Мен қанақасига улар билан қариндош бўлишим мумкин?

– Афандим, ҳозир ҳар икки қавм бир ота-онадан эканини ўз оғзингиз билан айтдингиз-ку? Сиз айтган гап шу маънога олиб келмайдими?

Эркак худди ақддан озгандек бақирди:

– Бу телба қиз қаердан келди менинг уйимга? Йўқотинглар уни! Мени лўлиларга қариндош деб айтишга ким ҳуқуқ берди бу жиннига? Бу не гўстоҳлик?

Само яна ўрнидан туриб, эшик томон юрди. Кетаётиб, шу гапларни айтди:

– Сиз бунчалар кибрга берилдингиз, афандим? Қайси онадан туғилишни ўзингиз хоҳлаганми-дингиз? Сизни бир лўли хотин ҳам туғиши мум-кин эмасмиди? Шу туришда лўлидан қаерингиз

ортиқ? Ҳа, фақат пулингиз. Аммо лўлидан туғилганингизда, бу қадар бойликка эга бўлмасдингиз. Чунки онангиз сизни ўқитолмасди, катта давраларга кироолмасдингиз, иззат-ҳурмат орттироолмасдингиз. Натижада ё ўғри, ё мардикор, ёки ноғорачи бўлардингиз. Буни густоҳ деяпсиз. Аллоҳ яратган бу дунёда сиздан бошқаларнинг ҳам яшашга, гапиришга ҳақи борлигини унутманг. Аллоҳнинг олдида сиз кимсиз? Ожиз бир банда. Ҳали ҳам ёшингизни ҳурмат қилиб индамаяпман.

Само бу гаплардан кейин эшикни қарс этиб ёпди-да, чиқиб кетди.

Эркак турган ерида қотиб қолганди. Шу онда эшитган гапларининг маъносини чақишга уринмоқда эди. Фазаб билан хотинига қаради. Заҳрини кимга сочишни билмасди.

– Менга қара, менинг асабимга ўйнашнинг бошқа йўлини тополмадингми? Мен билан ўйнашма, охири ёмон бўлади.

Само лифтга етганида эркакнинг қаҳрли овозини эшитди:

– Тўхта, дедим.

Само беихтиёр тўхтади. Эркак эшикни очиб унга қаради.

– Сен бу билан нима демоқчи бўлдинг?

– Нима демоқчи бўлганимни тушунмадингизми?

– Қизингни лўлига бер, демоқчимисан?

– Йўқ, аввало сиз лўлилардан афзал эмаслигингизни билинг, демоқчиман.

– Лўлиларга мени тенглаштира! Улар чодирларда яшашади, ўғрилиқ қилишади.

– Агар жамият уларни қабул қилганида эди, улар ҳам ўғрилиқдан воз кечишарди. Қолаверса,

ҳамма лўлилар ҳам чодирда яшамайди. Ҳаммаси ҳам саёқ эмас. Хўп, сизнинг ота-боболарингиз ҳам шу чодирда, ўтовларда яшамаганмиди? Кейин Онадўлига келиб давлат қуришди. Халифалик яратишди. Охирида Республика тузишди. Бугун эса бу мамлакатнинг эгалари деб фақат ўзларини билишади. Бошқаларни одам ўрнига қўришмайди. Қолаверса, сизга шундай маданиятли, зиёли лўлиларни кўрсатишим мумкинки, сиз уларнинг даражасига етишингизга анча бор.

Қоя бей ўзини қўярга жой тополмасди. Бу ҳижобли қиздан шу қадар ақлли, айти пайтда аччиқ гапларнинг чиқиши уни лол қолдирганди. Лўлилар ҳақидаги фикрлари ҳам уни ўйлашга мажбур қиларди.

– Ҳа, нега жим қолдингиз? Лўлилар яримта миллат, лаънатга учраган қавм, демоқчимисиз? Шошилманг. Айнан шу туҳматлар сизнинг лўлиларга нисбатан қарашларингизни шакллантирган..

– Ҳа, - деди Қоябей сал довдираб. – Ахир, исломда ҳам бор-ку? Динимиз уларни лаънатланган, деб атайди.

– Йўқ, бу масалани мен чуқур ўргандим. Ислом дини бир миллатни иккинчисидан устун қўймайди. Аксинча, Қуръони Карим барча инсонлар тенг эканини уқтиради. Бир дақиқа шошманг, мен сизга ўша оятни кўрсатаман. – Само сумкасидан Қуръони Каримнинг маънолар таржимасини олиб керакли жойини топди:

– «Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (тур-

ли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир» (Хужурот сура, 13-оят).

Яна ушбу сурада Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Эй мўминлар! Бир қавм иккинчи бир қавм билан тортишмасин». Балки талашаётган қавмдан наригиси устунроқдир?

Сиз лўлиларни ерга уряпсиз. Балки лўлиларнинг ҳам баъзилари сиздан устунроқ бўлиши мумкин-ку? Сиз буни билармидингиз?

Само эр-хотинга бироз қараб тургач, сўради:

– Ҳўш, давом этамизми?

Эркак қотиб қолганди. Хоним эса бундай суҳбатларни тинглашни истамасди. Само хонимнинг аҳволини англамай туриб, давом эттиришни истарди.

– Жавоб бермадингиз, афандим?

Эркак ўзича минғирлади:

– Демак, Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в) билан Аллоҳнинг каломи бир-бирига зид келаркан-да!

– Асло, бўлиши мумкин эмас. Пайғамбаримиз Аллоҳнинг изни бўлмаса бирор бир сўзни айтмасдилар. Мана, қаранг, Расулуллоҳнинг Видо хутбасида нималар дейилган: «...Мусулмон мусулмоннинг биродаридир... Шу тариқа барча мусулмонлар оға-инидирлар. Аллоҳ наздида энг хайрлироғингиз Аллоҳдан энг кўп қўрқадиганингиздир. Арабнинг Ажамдан устунлиги йўқ. Устунлик фақат тақво биландир». Яъни ислом билан яшаш назарда тутиляпти.

Қоя бей нима деярини билолмай қолганди.

– Сени қара-я! Нималар деяпсан? Шунча нарсани қаердан биласан? Сен ҳофизмисан?

– Йўқ, шунчаки. исломни имкон қадар ўрганган бир бандаман, ҳолос. Шу мавзуда анчадан бери мустақил тадқиқот олиб бораман. Шу сабабли мана шу оятлар ва ҳадисларга дуч келганман.

Эркак бу гап анча овозини юмшатди.

– Аввал ичкарига кирайлик. Шу ерда батафсил гаплашиб олардик. Эшик олдида турмайлик, кўни-қўшни дегандек...

Қоя бейнинг бу таклифи аёлига унча хуш келмади. У эрининг Само тарафга оғиб кетишидан қўрқарди.

– Етар, бунақа гапларнинг нима кераги бор? Само хоним, раҳмат, кетишингиз мумкин.

Қоя бей эътироз билдирди:

– Йўқ, хотин, сен жим тур, аввал бу қизни бир эшитайлик. Бунда бир гап борга ўхшайди. Хўш, лўлилар ҳам биздек Аллоҳ олдида тенг эканлар, нима учун хутбаларда имомларимиз бу ҳақда оғиз очишмайди? Мен, Аллоҳга шукр, ҳайит намозларини қолдирмай ўқиб бораман. Лекин бунақа гапларни биринчи эшитишим.

– Ваъз мусулмонлар учун қилинади. Имомлар жамоат орасида лўлиларга алоҳида тўхталиб ўтирармиди? Сиз араб, турк, лаз, абаза, курд ёки бошқа бирор миллатга алоҳида хитоб қилган имомни кўрдингизми? Мусулмон мусулмондир, ваъз уларга умумий қилинади. Имомлар ирқларга, эллатларга қараб ўтиришмайди. Аслида эътибор беришса бўларди-я...

– Ҳа-а, сўзларингиз тўғри.

Уй бекасининг тоқати тоқ бўлди:

– Нимаси тўғри? Лўлиларга бирдан қарашингиз ўзгардими?

– Хотин, бу қизнинг гапларида мантиқ бор. Ростдан ҳам, туғилганимизда, ўз миллатимизни, оналаримизни ўзимиз танламадик-ку?

Аёл энди Самога ҳужум қилишга ўтди:

– Дарҳол уйимдан йўқол. Сени нима учун уйга киритдим ўзи? Сен нималар деяпсан?

– Мен ҳақиқатни айтяпман. Аммо нафсингиз шу қадар каттаки, ҳақиқатларни тан олгингиз келмайди. Ҳолбуки, ҳамма инсонлар бу дунёда туғиладилар, ўладилар ва қайта тириладилар. Бир кун сиз ҳам бу ҳақиқатни англаганингизда вақт ўтган бўлади.

Само яна эшикни қарс этиб ёпиб чиқди. Бу пайтда Қоя бейнинг миясида бир тўфон қўпганди. Само ўз уйига келди. Чунки ваъз вақти келганди. Меҳметнинг ғам-ташвишига қарамай, унинг руҳига ажиб бир осойиш инганди. «Тўғри сўзлаш инсонга шунчалик ҳузур бахш этса, тўғри яшаш қанчалик ҳузур бахш этаркан-а?» деб ўйлаб бораркан, акасининг сўзидан ҳушёр тортди:

– Қаерда эдинг, Само?

Само ҳамма гапни очиқ-ойдин гапириб берди.

– Офарин сенга. Менинг синглим ана шундай бўлиши керак. Сен ўқи, синглим, сен ўқишинг учун ҳамма шароитни яратиб бераман.

* * *

Само ҳар куни ваъз кассеталарини эшитиб, диний билимга бўлган эҳтиёжини қондиришга уринарди. Янгиликларни ҳам кузатиб борарди. Фақат ҳар куни телевидениедаги янгиликларда ишлатиладиган ажнабий сўзларни унча тушунмасди. Ўзи тушунмаган сўзларнинг рўйхатини

ҳам туза бошлади. Кичкина бир дафтар тутиб, у ерда сўзларни жамлаб борди.

* * *

Орадан бир йил ўтди. Меҳмет Самони энди танимасди. Само паришон юрса-да, бирор чораси қолмаганди.

Меҳмет билан учрашишни Самонинг оиласи ҳам тақиқлаб қўйганди. Садо ва ҳолатдан хабардор қўшнилар фақатгина Самони айблашса-да, Меҳметнинг оила аъзолари ўзларини айблашарди. Само «фақат исломга юз бурсамгина, бу дардларга бардош бера оламан», дея бутун кучини диний билимларни ўзлаштиришга сарфларди. Шайтондан ўзини олиб қочиш учун нафсоний хусусиятлардан ўзини олиб қочарди.

Кунларнинг бирида Хадича отинойининг ёнида ўтирганида, эшикдан кирган аёлга эътибор қаратди. Бу аёл унинг кўзига анча таниш кўринди. Аёл ҳам уни танигандек эди.

– Сизни эсладим, сиз ҳам мени танидингизми?

– Сизни қаердадир кўргандекман, лекин қаерда кўрганимни эслолмаяпман.

– Ҳалиги, қизини лўлига бермаслик учун ҳаракат қилган аёл эсингиздами?..

– Ҳа-а-а, эсладим. Қизингизни йўлдан қайтариш учун ўликнинг тирноғини едирган хоним-да? Хўш, нима бўлди унга? Тинчликми?

Аёл ҳазин овозда жавоб берди:

– Минг афсуски, қизим ўз жонига қасд қилди. Уни асраб қололмадим. Бунга қизнинг бадбахт онаси сабаб. Нуҳ дедию, пайғамбар демади. Бечора отаси сиз билан гаплашиб, анча юмшаб қолганди. Қизи ўлгач, ўзини ҳар тарафга отди.

«Қизим бунчаликка боради, деб уйламагандим, ўша лўлига берсам бўларкан», дея минг пушаймон бўлди. Аммо сўнгги пушаймон кимга наф келтирибдики...

Бу хабар Самони даҳшатга солди. «Яна бир инсон жаҳолат қурбони бўлди», – деди у ўзига ўзи, – миллатимизни уйғотишимиз керак. Ҳақиқатни одамларга англатишимиз керак». Энди у Меҳметни яна ҳам кўпроқ уйларди. Ҳар куни дуо қилар, ундан хабар олар, аммо қўлидан бошқа бирор иш келмасди. Охирида яқинлари Меҳметни даволаш учун фолбинларга, мулларга қанча пул сарфлаётганини эшитиб, уларга мактуб ёзди. Меҳметни энг аввало докторга олиб бориш кераклигини уқтирди. Аммо унинг гапига ким қулоқ соларди? Унинг йиғидан, мотамдан кўзлари шишиб кетганди...

«Энг ёмон қарор ҳам беқарорликдан
афзалдир» деган гап нотўғри.
Ёмон қарор чиқарган одам
яхши қарорга келиши қийин масала.
Аммо қарорсиз одамнинг яхши қарор
қабул қилишига имкони бор.

ОРАДАН ЙИЛЛАР ЎТДИ

Серпил эридан ажрашди. У эрининг уйига қайтиб бормасликка қарор қилди. «Ҳаммаси бошидагидек давом этса бўлмасмиди?» деб ҳам ўйлади. Аммо аслида уйининг бузилишига ҳам ичкиликка рухсат берилгани сабаблигини тушунмасди. Бу айрилиқ Серпилнинг бир неча кун қон ютишига сабаб бўлди.

Энди Серпил бева аёлга айланганди.

Само эса жаҳолат туфайли юзага келган ярадан ҳамон қутулолмасди.

* * *

Серпил кўп изтироб чекар, ўз устида ишлар, жойларга бориб мавлуд ўқитар, ўз-ўзича нимадир ишлар билан машғул эди. Маҳалладаги ёш йигитлардан бири Мелиҳ Серпилга қизиқиш билдирди.

Йиллар кўнгилсизликлар билан ўтаркан, Серпил яна бир мушкулот билан юзма-юз келганди.

Диний машғулотларнинг бирида Мелиҳнинг гуруҳи билан юзма-юз келиб қолишди. Бир масала юзасидан баҳс бошланди. Мелиҳ ва Серпил бир томонда эдилар. Бўш пайтда Серпил Мелиҳнинг ёнига келиб, унга тушунтирди:

– Менга қара, укам, сен билан битта маҳалладанмиз. Бир-биримизни яхши биламиз. Мен сенга қасам ичиб айтаман, уларнинг гаплари бутунлай хато. Сен масаланинг аслини тушунмаяпсан.

Мелиҳ Серпилдан анча кичкина бўлса-да, унинг фикрлари катта одамларникидан фарқ қилмасди. Бу йигит ўзига хос билим ва иймон соҳиби эди. Шу боис жиддийлик билан жавоб қайтарди:

– Мен ҳаммасини билиб турибман. Бир неча кундан бери сенинг фикрингни ҳимоя қиляпман. Бошқаларга ҳам сенинг жуда покиза, тақводор аёл эканингни айтяпман. Аммо баъзилар бу нарсани тушунишни ишташмаяпти. Сени тушуна олишмаётганидан қаттиқ афсусдаман.

Кейинчалик ҳам Мелиҳ Серпилни ҳимоя қилиб келди. Бирор масалада қийналса, албатта, Мелиҳдан сўрарди. Ҳар қалай дин уларнинг бу учрашувларига қарши эмасди. Аммо барибир меъёр унутилмаслиги лозим. Ана шу меъёр ҳаддидан ошса, шайтон орага суқилиб кириши ҳеч гап эмас.

Серпил буларни ҳали билмасди. Шу боис атрофдан баъзи одамлар уларнинг бу суҳбатларини бошқача тушуна бошлаган, ҳатто Серпилга танбеҳ берувчилар ҳам чиқиб қолганди:

– Сен ақлдан оздингми? Нима, Мелиҳни куёв қилмоқчимисан? – деб сўраганлар ҳам бўлди.

Бу нарса олдин Серпилнинг хаёлига ҳам келмаганди. Қизи ҳали кичкина, аммо катта бўлса, Мелиҳни куёв қилиши мумкин-ку?

– Ҳа, гар қизим катта бўлса, ёқтириб қолса, нима учун куёв қилмаслигим керак, – деди.

Аммо атрофдагилар бу сўзни ўзларича тушунишди. «Серпил Мелиҳга қизини бераркан», деган мишмишлар ҳам болалаганди.

Бу гаплардан ранжиган Серпил Мелиҳга шикоят қилди. Мелиҳ ҳам уни диққат билан эшитди:

– Аслида мен ўзимни дин хизматига бағишлаган, оила қуришдан воз кечган эдим. Лекин фикримдан қайтдим. Сенга уйланмоқчиман, нима дейсан?

Серпил ундан бунақа таклифни кутмаганди.

– Жинни бўлдингми? – деди дафъатан. – Сендан неча ёш катта эканимни биласанми?

– Ёшнинг нима аҳамияти бор? – деди Мелиҳ. – Ҳазрати Хадича ҳам пайғамбаримиз (с.а.в) дан ўн беш ёш катта эдилар. Аммо улар бахтиёр яшашган.

Серпил анча пайтгача бу таклифдан ўзига келолмай юрди. Бу орада турли гап-сўзлар тилдан тилга ўтиб борарди. Ҳатто «Серпил Мелиҳ билан никоҳсиз яшаркан», дейишгача боришди. Бундан Серпилнинг фифони фалакка чиқди. Чунки у айбсиз айбдорга айланган, ўзи билмаган ҳолда доғ олганди. Баъзилар ўзича аёлга маслаҳат ҳам беришарди:

– Шу Мелиҳга тегиб ол. Ундан яхшироғини тополмайсан. Сени жуда ҳам яхши кўради. Ҳар доим тарафингни олиб юради. У сени бахтли қилади. Жуда масъулиятли йигит. Би-

лими ҳам яхши, билмаган нарсаларингни ўргатади.

Кунлар шу тариқа ўтиб борарди. Серпил айнан бева аёл бўлгани учун боши ана шундай маломатлардан чиқмаётганини яхши биларди. Ҳаммадан кўпроқ ўзидан кичик йигит билан турмуш қурса, одамлар роса гап-сўз қилишларини у сезиб турарди. Бу муносабатлар охири жонига тегди. Ҳаммасига чирт кўзини юмиб, Мелиҳ билан турмуш қурди.

У ана шундан сўнг ҳаёти тамоман ўзгариб кетишига ишонарди. Никоҳдан сўнг у бутун эътиборини болаларига қаратди. Уларни ўз ёнига олиб келиши керак, аммо ҳали уйлари йўқ эди. Мелиҳ бу борада Серпилга ўз таклифини айтди:

– Биласан, мен ётоқхонада тураман. Ўзимга бирор иш топмасам бўлмайди. Мен ҳарбий хизматга кетгунимча ижарага бирорта уй топамиз. Мен хизматга кетсам, онанг билан бирга турасан. Қайтиб келганимдан сўнг каттароқ уй топамиз. Болаларни ҳам олиб келасан.

Ҳаяжон ва ҳавас ўтиб кетгунча, эркакларнинг кўпчилиги бева аёлларни ана шундай ваъдалар билан алдашар, кейин кўпчилиги бу фикридан қайтарди. Шу боис, Серпил ҳам унинг ваъдасига у қадар қаттиқ ишонавермади.

– Онамнинг ёнида қоламанми? – сўради Серпил. – Онам бунга нима деркин? Биз никоҳ ўқиганимизни билишса, уйдагилар нима дейишади, ҳайронман. Сизга ортиқча юк бўлганимдан хижолатдаман. (У никоҳ ўқилганидан сўнг, Мелиҳни сизлашга ўтганди.)

– Нима демоқчисан? – сўради Мелиҳ ажабланиб.

– Ҳалиги... балки биз хатога йўл қўйгандир-миз. Ҳали ҳам кеч эмас, расмий никоҳдан ўтма-дик. Балки жавобимни берарсиз? Одамларнинг оғзи гийбатдан бўшамаяпти. Биз уларга «опа-укамиз», деб айтгандик.

– Бошқа нима ҳам қилардик? Никоҳгача ҳам-ма бир-бирини ё ака, ё сингил, ё опа, ё ука деб юради-да! Опа деган билан опаси бўлиб қолмай-ди-ку? Муҳими, бизнинг никоҳимиз бор ва бу никоҳга диний жиҳатдан ҳеч қандай монелик йўқ. Хато тушунчаларга қўл силташ керак. Ахир Расулуллоҳ (с.а.в) ҳам Зайнаб онамиз (р.а.)га шу тахлит уйландилар-ку? Кераксиз нарсаларга бош қотириш ярамайди. Эсингдан чиқмасин, Хадича онамиз 25 ёшли Расули акрам (с.а.в)га турмушга чиққанларида 40 ёшда эдилар.

Мелиҳнинг ўзидан ва динидан хотиржам бў-либ гапириши Серпилни ҳам ҳушёр торттирди.

– Яхши, сенинг дўстларинг, сабоқдошларинг бу масалага нима деркин?

– Нима дейишарди? Улар ислом туфайли бу никоҳ жоиз эканини билишади. Жоиз дейилган ишни ким ҳаром дейиши мумкин? Уларнинг нима иши бор?

– Билмадим, менга жуда ёмон гапларни айти-шади. «Сен ундан каттасан, кейинчалик у сени ёқтирмай қолади, битта эски латтадек бир четга улоқтириб кетади», дейишяпти.

– Бу гап, эҳтимол, бошқа ёшлар учун мос ке-лиши мумкин. Мен уларнинг тоифасига кирмай-ман. Сендек тоза, покиза аёлга шундай муноса-батда бўлишим мумкинми? Мен аввал умуман уйланиш ниятида бўлмаганман.

Серпил нима дейишини билолмай қолганди:

– Хуш, энди нима қиламиз, – деди бироздан сўнг.

– Онамнинг ёнига борамиз, кейин ўзимга бирор иш излаб кўришим керак.

Мелиҳ Серпилни онасининг ҳузурига олиб борди. Йигитнинг онаси уларни очик чеҳра билан қарши олди. «Сен бахтли бўлсанг бўлди, болам, сенинг ҳаётингга аралашмайман», деди аёл кулимсираб.

Бир неча кундан сўнг иш излашдан чарчаган Мелиҳ Серпилнинг ёнига бошини эгиб келди.

– Қанча жойга иш сўраб бордим, ҳаммаси «Олдин бориб ҳарбий хизматни битириб кел», дейпти. Энди нима қилсак экан? Сени ётоқхонага киритишмаса...

– Аллоҳ Каримдир, иншооллоҳ, ўзи бир эшикни очгусидир.

Улар ҳозирча яширин ўқитилган никоҳни деярли ҳаммадан сир тутишар, яширин никоҳ қонун олдида инобатга олинмаслигини ҳам яхши билишарди. Серпил ҳам ўзидан ўтганини ўзи биларди. Чунки у турмушга чиқсам турар-жой муаммосидан қутуламан, деб ўйлаганди.

Одамларнинг оғзи гап-сўздан бўшамай қолганди. Ана шу ғийбатлар туфайли улар Тепажикдан кетишга мажбур бўлиб, яшашга уй излашарди. Серпил эндиликда Истанбулда қолишни ўйлар ва бунга сабаб изларди.

Узоқ муддат у ер-бу ерда ўнг-сўлда кўчиб юришди, анча қийин ойларни бошдан кечиришди. Шу тариқа Мелиҳ ҳарбий хизматга бо-
радиган вақт ҳам етиб келди.

– Мен келгунимча онам билан бирга турасан. Хафа бўлма. Бу кунлар ҳам ўтади. Хизматдан

қайтиб келсам, сени, албатта, бахтли қиламан. Бу беш кунлик дунёда хурсандчилик билан яшаймиз. Аллоҳ хоҳласа, мен буни сенга исбот қиламан.

* * *

Эри ҳарбий хизматга кетгач, Серпил учун зерикарли, дилгир онлар бошланди.

* * *

Серпил шу суръатда давом этарди. Ҳам ўқув курсларига қатнар, ҳам мустақил тарзда диний билимларини ошириб борарди.

Жуда солиҳа, тақводор аёлга айланиб борарди. Серпил бир куни дарсдан қайтаркан, кўзларига ишонмади. Меҳмет ялангоёқ, уст-боши кир ҳолатда девор тагида ўтирарди. Олдинги севгилигисини ана шундай паришон кўрган Серпил йиғлаб Меҳметга яқинлашди. Изтиробдан нима дейишини билмасди. У Меҳметнинг рўпарасида тураркан, кўзларидан шашқатор ёшлар оқарди.

Меҳмет ҳорфин нигоҳларини осмонга қадаб ўтирар, кейин қўлидаги пачоқ консерва қутисини қизиқиш билан томоша қиларди. Унинг бу аҳволини кўрган Серпил йиғидан ўзини тўхтата олмасди.

– Меҳмет, сени нима аҳволга солишди? Инсофсизларни ер ютсин!

Меҳмет Серпилга ўтирилиб қаради, унинг нигоҳларидан бирор маънони ўқишнинг имкони йўқ эди. Серпилнинг йиғлаб ўтирганини кўрган йўловчилардан бири унга тасалли берган бўлди:

– Бу бир жинни-ку? Унга эътибор берма, синглим! Барибир сени тушунмайди.

Серпилнинг ичига дарду ҳасратга тўлганди:

– Ҳа, у жинни, телба, аммо золим ва ақлли телбалар уни шу кўйга солди. Сиз уни олдин ҳам кўрганингизда эди, нима учун йиглаётганимни билган бўлардингиз.

Серпил бир муддат ўзи билан ўзи овора бўлиб тургач, яна Меҳмет сари эгилди:

– Меҳмет, мени танидингми?

Меҳмет бу гал Серпилнинг кўзларига синчиклаб тикилди. Унинг қарашларида даҳшатли бир жунун акс этарди. Серпил сесканиб кетди. У худди Серпилнинг ичига кириб, бор тушунчаларини ўқийдигандек эди.

– Меҳмет, мен кимман. Танидингми? – дея саволини такрорлади Серпил.

Меҳмет бошини ерга эгиб жавоб берди:

– Йўлингиздан қолманг, сизни танимайман.

Серпил ҳайратда донг қотганди:

– Нега танимайсан? Серпилни наҳот эсингдан чиқарган бўлсанг?

Меҳмет яна жим эди. Серпилнинг таъкидига қарамасдан чурқ этмасди.

Серпил аниқ бир қарорга келди. У ҳозироқ Меҳметнинг онасини излаб топади, уни кўндиради.

Бир соатдан сўнг у Меҳметнинг уйи остонасида эди. Эшикни Меҳметнинг онаси очди.

– Келинг!

– Ассалому алайкум, мени танимадингизми? Мен Серпилман.

Аёл Серпилнинг исмини эшитиб, унинг юзларига тикилди. Кейин кўзлари яшнаб кетди:

– Вой, ўзим ўргилай, қизим. Қара, танимабман! Тузукмисан? Қайси шамоллар учирди? Қани, кир ичкарига.

Бир пайтлар Серпил бу хонадон эгаларидан қаттиқ ранжигани учун «бу ерга қайтиб қадам босмайман», деб онт ичганди. Энди бу уйга жанжал чиқариш учун келганди. Уй эгаси унга хушмуомалада бўлишини ҳам истамасди. У аёлга эрғашиб, даҳлиздаги оромкурсига ўтирди. Серпил гапни нимадан бошлашни билмасди.

– Очиги, мен бу ерга сиз билан жанжаллашиш учун келгандим. Аммо негадир фикримдан қайтдим. Меҳмет қаерда?

Аёл йиғлашга тайёр турарди. Афтини буриштириб, жавоб берди:

– Э, сўрама, қизим. Шу ор, ғурур деб ўғлимни ўтга ташлабман. Бояқиш ақлини йўқотди. Уни назорат қилолмаяпман.

– Энди пушаймонсиз, демак.

– Нега пушаймон бўлмас эканман? Лайлию Мажнунлар бизнинг замонамизда бўлмайди, деб юрардим. Мана, бўларкан. Гулдек болам ақлдан озди-қолди. Энди қаерларда довдираб юрган бўлса? Уйда ушлаб ўтиролмаяпмиз.

Серпил дарҳол гапни ила кетди:

– Мен ўғлингизни кўрдим.

Аёл яшин ургандек оёққа қалқди.

– Қачон? Қаерда кўрдинг? Яхшимиди?

– Автобус станциясида.

– Ҳозир ҳам ўша ердами?

– Ҳа, бир соат олдин ўша ерда эди.

Аёлнинг ҳуши бошидан учди. Жон ҳолатда Серпилнинг қўлидан ушлаб, уни кўчага олиб чиқди:

– Илтимос, мени боламнинг ёнига олиб бор. Бир ойдан бери қидирамиз. Қани, юр, ҳозироқ борайлик.

Кўчага чиқиб, такси тутишди. Автобус станциясига кетиб боришаркан, Серпил титраб-қақшаб кетаётган аёлга тасалли беришга уринар, гап орасида ўзини қизиқтирган саволларга жавоб изларди:

– Ҳозирги ақлингиз бўлганида, унга ўзи севган қизни олиб берармидингиз?

– Никоҳ жоиз эмас, дейишди-ку? Уйлантирармидингиз, дейсан-а? Агар шарият рухсат берса, ўғлим истаган қизни олиб бермасмидим? Ўғлим учун ёняпман, қизим. Аммо шарият кесган бармоқ ачишмас, деган гап бор.

– Тўғри, аммо шарият кесмаса ҳам «шарият кесди» дейилса, бу бармоқ бир умр ловуллаб ёнади. Худди ҳозиргидек.

– Шопир болам, илтимос, тезроқ ҳайда, боламини тезроқ кўрайин. Яна бошқа томонга кетиб қолмасин. Энди топдим деганда йўқотиб қўймай.

Серпил бояги жойга етиб борганида, фақат Меҳмет қўлида ўйнаб ўтирган консерва қутиси ётарди, холос. Меҳмет ғойиб бўлганди.

Аёл дод солиб бақаришга тушди.

Онаси телбалардек қичқира бошлади:

– Меҳметжон, болам, қаердасан? Болагинам, қаерларда юрибсан?

У тиззаларини муштлаб-муштлаб йиғларди.

Бу ҳолатга гувоҳ бўлганлар ҳар хил баҳо бермоқда эди:

«Боласини отиб кетишибди, шунга чидолмай йиғлаяпти кампир».

«Аёлнинг ўғли террорчи экан. Уни ушлаб кетишибди. Шунга йиғлаяпти».

Ҳамма ўзича тўқиб-бичаркан, боя Серпилга маслаҳат берган йигит уларга яқинлашди:

– Сиз бояги телбанинг аҳволини кўриб йиғлаётганмидингиз?

– Ҳа, қани ўша йигит? Мана, мен унинг онасини олиб келдим.

– У телба шу яқин атрофда. Шўрвачининг дўконида, юринглар, кўрсатаман.

Аёл ҳам бу гапни эшитиши билан ҳовлиқиб кетди:

– Қаерда болам? Тезроқ борайлик ўша ерга!

Кўп ўтмай, ўша ошхонага етиб боришди. Она ўз ўғлини деразадан кўрди. «Ўғлим» деб йиғлаганча ўзини ичкарига урди. Ўғлини бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпар, тинимсиз йиғларди. Меҳмет эса худди ҳайкалдек қотиб турар, нима-лар юз бераётганини англолмасди.

– Сизга нима керак? – деб сўради совуқ бир оҳангда.

– Ўғлим, мени танимадингми? Ахир мен онангман-ку?

– Менинг... онам... йўқ...

– Болам, болажоним, жигарбандим, унақа дема! Мени танимадингми? Ахир бир ойдан бери сени излайман.

Меҳмет кўзларини онасининг кўзларига тикиб, жавоб берди:

– Менинг... онам... йўқ...

Аёл ҳамон кўз ёшларини тиёлмасдан ўғлига ёлворарди:

– Мен – онангман, жон болам! Эсла, болам, эсласанг-чи?

Она чорасиз бўзларди. Худди ёрдам сўрагандек атрофдагиларга қаради.

Серпил эса бир бурчакда йиглаб ўтирарди.

– Кеч бўлди, – деди бироздан сўнг онанинг елкасидан тутиб. – Юринг, энди кетайлик. Меҳметни ҳам ювинтириб, кейин шифохонага юборишимиз керак.

Яна такси тутишди. Меҳметни аранг таксига ўтқазишди. Машина ичида она ўғлини қучоқлаб, бағрига босар, йиғлашда давом этарди. Серпил уларга тасалли беришга уринарди.

– Бўлди, йиғламанг, ҳали тузалиб кетади. Сев-гилисига эришолмаса ҳам саломатлиги қайтади. Аллоҳдан сабр тилайман.

Анча вақт ўтганидан кейин Серпил Самони кўргани борди. Бу пайт Само намоз ўқиётганди. Само анча ёши улғайиб, чўкиб қолганди. Тасбеҳ ўтириб, юзига фотиҳа тортгач, эшик олдида турган Серпилни кўрди. Энг яқин дугонасини останада кўриб кўзларига ишонмади.

– Серпил, азизам, қаерларда эдинг? Бормисан ўзи? Нега шу пайтгача жимиб кетдинг?

Серпил уни маҳкам бағрига босди.

– Балмадим, ҳаёт шунақа экан, баъзида яқин одамларингдан ҳам узоқлашиб кетаркансан. Изм-мирдан чиқиб кетгандим.

– Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач, Само дастурхон ҳозирлади.

– Ўзингда нима гаплар? – сўради Серпил дугонасига тикилиб. – Эринг билан муносабатларинг яхшими?

Само ёшли кўзларини ерга тикди:

– Мен... мен турмуш қуролмадим, Серпил. Албатта, қўпчилик совчи қўйди. Ҳар гал «эрга тегсаммикин?» деб ўйладим. Аммо охирида фикримдан воз кечдим. Меҳмет ақдан озганини кўриб, бошқа биров билан бахтли яшолмасдим. Ёшлик ўтди-кетди. Энди кимгаям тегардим. Ўзим ўзимга ёқмай кетяпман. Севги ёмон нарсаскан, Серпил. Бу тириклай ўтда куймоқ экан.

– Меҳметни бирор марта кўрдингми?

– Йўқ, ақлидан озмасидан сал олдинроқ кўргандим. Қўлимга бир мактуб берди. Мактубда фақат икки сатр битилганди: «Илтимос, мен ҳис этганларни сен ҳам ҳис этаётган бўлсанг, менга икки сатр ёзиб юбор». Кейин унинг ақдан озганини эшитдим. Мен ҳам жинни бўлиб қоламан,

деб ўйлагандим. Аммо негадир менга жин ҳам урмади. Эҳтимол, иймон менинг ақлимни ҳам саломат сақлаб қолгандир?

– Мен Меҳметни кўрдим, – деди Серпил бироз жимликдан сўнг. Кейин барча кўрган билганларини Самога айтиб берди. Серпил уни тингларкан, қорачиқлари кенгайиб, лаблари титраб борарди. Серпил ҳали гапини тугатмасдан, дарҳол унинг қўлларига ёпишди.

– Серпил, азизам, тез бўл, юр, мени унинг ёнига олиб бор. Мен уни кўришим керак. Илтимос, тез ўрнингдан тур!

Шошилинч уйдан чиқишди. Меҳметларнинг уйига келиб, эшик тугмасини босишди. Орадан дақиқалар ўтиб борар, аммо ҳеч ким эшикни очмасди. Кўп ўтмай қўшни эшик очилди.

– Сизларга ким керак? – сўради эшикдан ёши каттароқ бир аёл бошини чиқариб

– Меҳметларникига келгандик.

– Уларнинг эшиги бу эмас, наригиси.

Икки эшик бир-бирига жуда яқин эди. Улар саросимада шошиб бошқа эшикни қоқишганди. Меҳметларнинг эшиги томон боришаркан, Самонинг кўзи деразага қадалди. Меҳмет дераза ортидан Самони кузатарди. Бу нигоҳларга тоб бериш жуда қийин эди. Соғинч худди оташга айланиб, Меҳметнинг кўзларида порларди.

Само ҳам қотиб қолди. Бир неча йиллардан бери қалбини ўртаб келган муҳаббат соҳиби ниҳоят бир қарияга айланиб улгурганди. Деразага оҳиста яқинлашди. Дераза очик турарди.

– Меҳмет, жоним, сен... сен қайтдингми?

Бошқа сўз айтолмай, деворга бошини тираганча юм-юм йиғлади. Уй эгалари ҳам, қўшнилар

ҳам ташқарига чиқиб олишганди. Ёғоч деразадан Самога тикилиб турган Меҳметнинг мунглинигоҳлари ҳаммани йиғлатиши мумкин эди.

Шу пайт Меҳметнинг онаси чиқиб келди. Само билан кўзлари туқнашди. Меҳмет эса ҳамон жим эди. Само яна унга томон ўгирилди ва ўзини аранг қўлга олди ва сўради:

– Меҳмет, тузукмисан? Мени танидингми?

Меҳмет жавоб бермас, фақат Самонинг кўзларига маъносиз тикилишда давом этарди.

– Гапирсанг-чи, Меҳмет, нега жимсан? – Меҳмет охирги марта унга мактуб ичида жўнатган ўша икки сатрни ўқиди. – Илтимос, мен ҳис этганларни сен ҳам ҳис этаётган бўлсанг, менга икки сатр ёзиб юбор.

Меҳмет ҳамон жим эди. Йиғи товушлари ҳам бироз пасайганди. Ҳамма Меҳметга, Меҳмет эса фақат Самога боқарди. Соатлаб тикилиб туришса-да, Меҳметда бирор ўзгариш кўзга ташланмайдигандек эди.

Онаси Меҳметни Истанбул руҳий касалликлар шифохонасига олиб боришларини айтди.

– Эртагаёқ ўғлимни олиб кетамиз ўша ерга.

Серпил ва Само аёлнинг кўзларига тикилдилар. Аёл уларнинг бу маъноли қарашларига узоқ дош беролмади.

Бошқа чоралари қолмаганди. Турли азайимхону фолбинлар, афсунгару ҳийлагарлар билан ўралашиб, вақт йўқотилган эди. Бу иш докторсиз битмасди. Туришлари керак эди. Оқшом тушиб қолганди. Серпил андишасини тилга кўчирди:

– Биз энди қайтамиз, аммо битта нарсани билмоқчиман, агар Меҳмет тузалиб кетса, бирор ўзгариш бўладими?

– Буни энди Аллоҳ билади, – деди Меҳметнинг онаси совуққина қилиб.

Дугоналар чиқиб кетишаркан, охирги марта Меҳметга тикилди. Меҳмет ҳам киприк қоқмасдан унга тикилиб турарди.

Кетиб боришаркан, Само яна дераза орқали термилиб турган Меҳмет томонга ўгирилди. Само бир муддат турган ерида қотди. Меҳметнинг кўзларида ёш ҳалқалангандек бўлди.

Само ҳам йиғлаб юборди, аммо кетиши керак эди. Серпил билан анча жойгача жим юриб боришди.

– Минг лаънат бунақа жаҳолатга, – деди Само паст овозда. – Ирқчилик, миллатчиликнинг уйи куйсин. Қанча одамнинг бошига етди. Бир томонда лўлиларнинг камситилиши, бир тарафда турк-курд можаролари... Билимсизлик сабаб ҳаммасига. Наҳотки одамлар шу қадар оми, жоҳил бўлишса? Меҳметни ким бу ҳолга солди? Жаҳолат эмасми? Хурофот эмасми? Аллоҳдан сабр сўрашса бўлмасмиди булар?

* * *

Само бир неча марта «лўлилар билан никоҳланса бўлади» деса-да, Меҳметнинг онаси ҳамон «никоҳ жоиз бўлмайди» деган фикрда собит турарди.

*«Одамлар нима бўлдим, дейиши керак эмас,
нима бўламан, дейиши керак».*

СЎЗИДА ТУРГАН ИНСОН МАРДДИР

Серпилнинг эри ҳамон ҳарбий хизматдан қайтмаганди. Серпил баъзан онасиникида, баъзида таниш-билишларининг уйида қоларди. Аммо Серпил кўп аламларни бошидан кечирганди. Шундай аламларки, буни Мелиҳ тушуниши қийин эди.

Салима хонимникига борганида, унга керакли нарсаларни топиб беришни сўради.

– Мана, асалим, – деди Салим хоним зарур ашёларни унинг олдига қўяркан. – Ўн дона қоғоз, иккита конверт. Мактубингни тез ёз, бозорга чиқамиз.

Серпил ўзи ёқтирган ёзувчига мактуб битишни бошлади.

Салима хонимдан ҳам хонага кирмасликни илтимос қилди.

– Кириб-чиқишлар диққатимни бўлиши мумкин, опажон. Илтимос, бирпас холи қолдирсангиз.

Салима хоним кулимсираб давом этди.

– Албатта асалим. Унгача мен бироз мизғиб оламан. Пешиндаги уйқу саломатликка фойда экан.

– Тўғри, – Серпил ҳам табассум билан унинг фикрини маъқуллади. – Бир кассетада эшитганди, Расулуллоҳ (с.а.в) ҳам пешин пайти мизғиб олишни тавсия қилган эканлар. Эшитиб ҳайрон қолгандим. Кейин зайтунни ҳам данаги билан ютиш фойдали экан. Бугунги кун ҳакимлари ҳам бу фикрни маъқуллашади. Албатта, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг айтган сўзлари нотўғри бўлиши мумкинми?

– Туппа-тўғри, майли, мен борай. Сен хатингни ёз. Устозга саломимни ҳам қистириб ўт. Бироз ранжиган бўлсам ҳам, барибир яхши кўраман.

* * *

Қаламини қўлига оларкан, ҳаяжон босаётганини ҳис қилди. Ёзувчи сенинг хатингни ҳам ўқирмикин? Кейин барибир ўз хатини ёзишга киришди.

«Ассалому алайкум!

Қадрли устозим, азиз опам!

Сизга бу мактубни қатъий зарурат туфайли ёзмоқдаман. Иншаоллоҳ жавобсиз қолдирмасиз. Биламан, сизга кўпчилик хат ёзади. Аммо ноумид шайтон. Балки қўлингизга тушиб қолар.

Неча марта сизга хат ёзиб, кейин йиртиб ташладим. Аммо бу гал қарорим қатъий.

Гапни нимадан бошлашни ҳам билмайман. Бир мавҳум муҳитга тушиб қолгандекман. Қайси томонга юз тутсам, бир муаммо билан юзлашаман. Ўзимни бу оламда яккаю ёлғиздек ҳис этаман. Инсоннинг энг катта дарди, бу ўзини ёлғиз ҳис қилишидир».

Серпил ўзининг бошидан кечирганларни батафсил тасвирлаб ўтаркан, ўзини ташвишга солиб келаётган яна бир масалани тилга олиб ўтди:

«Атрофдагилар мени курашчи деб билишадди. Мени ким кўрса «Янги альбом, янги касета чиқар», дейишади. Баъзан шайтон ичимга вас-васа солади, ростдан ҳам янги альбом чиқарсамми, деб ҳам ўйлаб қоламан. Аммо бу тушунчаларим ўткинчи. Бу ҳақда балки нималардир ёзарсиз. Илтимос, фақат бу мактубимни эътиборсиз қолдирмасангиз».

Серпил ичидаги туйғуларни мактубга бўшатгач, почтага йўл олди. Серпил анча тинчланганди. Худди ўз опасига хат ёзгандек ҳис этди ўзини.

Хаёлчан юриб бораркан, елкасига кимдир қўлини қўйганини сизди. Ортига ўгирилганда, акасини кўрди.

Мелиҳ билан никоҳланганидан сўнг, онасидан тортиб, ҳамма яқинлари ундан юз ўгирганди. Энди акасининг ўзи билан гаплашиши унга катта қувонч бағишларди.

– О, ака, сизмисиз? Хурсандлигимнинг чеки йўқ.

Чиндан ҳам қувончи ичига сиғмасди. Бир пайтлар уни қаттиқ ҳақоратлаган акаси қарши-сида турарди.

– Сени кўрдим-у, қараб туролмадим. Ўзи мазам йўқ. Ўладиган дунёда бировлар билан хафалашиб юришнинг нима кераги бор?

– Ўзингиз тинчмисиз, ака?

Акаси ҳорфинлик билан Серпилга қаради.

– Э, тинчлик шу-да! Ичдик, чекдик, яна шу йўлдан кетиб боряпмиз. Эртага Аллоҳга нима дейман, ҳайронман. Саратонга ҳам чалинганман. Мендан яширишяпти. Аммо мен биламан. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

Серпил «саратон» сўзини эшитиб сесканиб кетса-да, «балки шунчаки ваҳимадир», дея тинчланди.

– Агар шундай фикрда экансиз, тавба қилинг. Аллоҳ тавба қилувчиларни кечиради.

– Ҳозир, шу пайтда-я? Албатта, иймоним бор. Аммо гуноҳларим ҳам оз эмас. Аммо қанча гуноҳкор бўлсам ҳам, Аллоҳимни яхши кўраман. Динимни севаман.

– Биламан. Ака, фақат жаҳлингиз чиққанида ўзингизни тута олмайсиз. Аммо тез тинчланасиз.

Акаси бирдан мавзуни ўзгартирди:

– Менга қара, Серпил, сен билан гаплашганимни ҳеч кимга айтма. Хўпми?

– Нимага, ака?

– Нимага бўларди? Сен анави ландовур билан топишганингдан кейин ҳар хил гап-сўзлар ўтди. Кўпчиликнинг олдида «Агар гаплашсам фалон бўлай, пистон бўлай», деб юборган жойларим бўлди. Энди сен билан гаплашганимни кўрганлар «эркакмисан ўзинг?» деб сўрашлари мумкин. Шунинг учун бу ҳақда ҳеч кимга гапирма, хўпми?

– Хўп, ака, гапирмайман! Сиз хотиржам бўлинг. Аммо бу ишингиз нафсга эрк беришдир. Буларнинг бари нафснинг ҳийласидир. Инсон хато сўзидан қайтса нима қипти? Худди ор-номуси кирланиб қоладигандек қўрқишади.

Икковлон кетиб боришаркан, Ҳусайн нимадандир безовта эди:

– Тўғри айтасан, аммо нима ҳам қилардик? Ўрганиб қолганмиз-да! Худди ўша йигит билан турмуш қурсанг, бир нима бўлиб қоладигандек тасаввур қилдик. Булар иш бўлди, энди афсусланиб ўтирибмиз.

Бир муддат оёқ устида суҳбатлашиб ўтиришди. Акаси «яхшигина гаплашдик, орадан бир икки ҳафта ўтсин, кейин бизникига кел, тузукми?» дея хайрлашди.

– Раҳмат, ака, албатта, бораман. Сизга фақат битта нарсани айтаман. Одамлар ҳатто динидан юз ўгириб, бузуқлик кўчасидан кирган опа-сингилларидан ҳам уялмайди-ку, сиз нима учун мендан ор қилишингиз керак?

– Биламан, биламан, буларни кейин гаплашамиз. Агар бирор муаммойинг бўлса, ёнимга кел, ёрдам бераман.

Серпил бир муддат акаси билан ярашиб олганидан хурсанд бўлиб турди. Кейин яна ўз оламига қайтди. Серпил хаёллари жуда паришон эди.

Хатни ёзиб жўнатганидан сўнг ўн беш кунча вақт ўтди. Серпилнинг сабри тугаб борарди. Дардини Салима хонимга ошкор қиларди:

– Опа, ҳалиям жавоб келмади-ку? Жуда сиқилипман. Бу ерларда туролмайдиган ҳолга тушдим.

Салима Серпилнинг юзига тикилиб жавоб берди:

– Сиқилиш жонга эмас, инсон ботинига боғлиқ бўлади. Хаёлингдан Истанбул кетмай қолди. У ерда пул осмондан ёғмайди. Сенга альбом чиқар, десак қулоқ солмайсан. Истеъдодингни увол қиляпсан.

Серпилнинг юзи илкис ўзгарди:

– Аллоҳ асрасин! Роббим ўзи мени шайтонга эргашишдан эмин қилсин.

Бирдан кўзлари почтачига тушди. У эндигина ҳовлига кириб келаётганди. Юраги ҳаяжондан гурсиллаб кетди. Ўрнидан сакраб туриб, унга пешвоз чиқди.

Ниҳоят, почтачи узоқ кутилган мактубни унинг қўлига тутқазди. Ичкарига кириши билан аввал конвертнинг тепасига қаради. Кейин уни ўпиб, титроқ қўллари билан очишга тутинди. Ҳаяжони ҳаддан ортиқ эди. Мактуб ўзи кутган адибадан келганди.

Ўқишга тутинди:

«Ваалайкум ассалом, қадрли курашчи синг-лимиз Серпил!

Сиз юборган дардли мактубни олдим. Сиз бу мактубингиз билан менинг уйқуларимни қочиришга қасд қилган кўринасиз. Сиз бунга муваффақ ҳам бўлдингиз.

Ҳолатингиз мени қаттиқ таъсирлантирди.

Афсуски, бундай мактубларни мен жуда кўп оламан. Имконим бўлса, ҳар бирига батафсил жавоб ёзган бўлардим.

Мендан ўз дардига чора истаганларга шуни айтаман: Азизларим, бир ишни қилишдан аввал ўзингизга «тўғри қиляпманми, нотўғримми», деб савол беринг. Иш битганидан кейин «нима қилай?» деб турасиз. Зотан, энди қиладиган ишнинг ўзи қолмаган бўлади. Сиз ҳам шундай қилгансиз. Бу никоҳ ҳақида менга олдинроқ ёзганингизда яхши бўларди. Шунда «асло бундай қила кўрма, ўзингдан кичкина билан оила қурма, ҳаётингни заҳарлама, болали бўлолмасанг,

эрингнинг яқинлари олдида маломатда қола-сан», деган бўлардим. Тўрт-беш ёш фарқни тушунса бўлади, аммо исломга мос келмайдиган мезонлар асосида фикрловчилар сени ранжитиб қўйишади, дея буни ҳам тавсия қилмаган бўлардим.

Буларни ёзарканман, «сен ҳаромга қўл уриб-сан», дея кескин ҳукм чиқариш фикридан йироқман. Менинг назаримда аёлнинг ўзидан кичик эркакка турмушга чиқиши қабул қилиниши керак. Бу портлашга тайёр турган ижтимоий масалалардан бири. Зеро, етмиш ёшли эркакларнинг кўзи ҳам ўн саккиз ёшли қизларда бўлгани учун ўрта ёшли бева аёлларнинг аксарияти ўзига муносиб жуфти ҳалол топишга қийналади. Мувозанат йўқолади. Агар менинг қўлимда бўлганида, ёши катта эркакларнинг ёш қиз ёки аёлларга уйланишини тақиқлаган бўлардим. Ҳеч бўлмаса, тенгсизлик барҳам топгунига қадар. Сизнинг қарорингиз, такрор айтаман, айб эмас. Бироқ нимагадир одамлар ўзидан анча кичик қизга уйланган эркакларни олқишлашадию, ўзидан анча ёш йигитга турмушга чиққан аёлларни маломат қилишади. Ҳолбуки, бунинг тескариси бўлиши керак. Чунки ёши катта эркакнинг ёш қизга уйланиши кейинчалик уларнинг ҳаётида бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши боис, танқид қилиниши лозим. Афсуски, бу масала ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Нега номашруишларни қилиб, ҳаром-ҳариш ётиб юрганларга ҳеч ким индамайдию, ўзидан кичик эркакка текканларни гап-сўз қилишади? Бу ҳам аслида битта мавзу.

Айтганча, менинг эрим ҳам ўзимдан уч ёш кичкина. Аммо бу фарқ бизнинг ҳаётимизга соя солгани йўқ.

Агар кучли бўлсангиз, қўрқманг, зотан, сиз учун айтиладиган гапнинг ўзи қолгани йўқ. Оила қурибсиз. Оила аъзолари қаршилик қилмаса, сиз бахтли бўлишингиз мумкин. Агар яқинлари «хотининг сендан ёши катта, сени бошқасига уйлантирамиз», дейишса, сиз нима қила олардингиз, Серпил? Агар эрингиз бир муддат шу таъналар таъсирига тушиб қолса ҳам, бир умр аламда юрасиз. Ишқилиб, Аллоҳ сизга бу тақдирни раво кўрмасин.

Мактубингизда бир жиҳат мени қувонтирди. «Мелиҳ уйланишни хоҳламасди, менинг курашчилигимни кўриб, бу қароридан воз кечди», дебсиз. Унинг онаси ҳам бу қарорингизни тўғри қарши олгани яхши. Бу маълумотлар менга умид бағишлади. Иншаоллоҳ, бу ишнинг охири ҳам хайрли бўлади. Умид қиламанки, Мелиҳ ҳам умрининг охирига қадар сўзида туради.

Сизнинг ҳаётингиздаги яна бир хато ҳали ҳарбий хизматни ўтамаган йигит билан турмуш қуришингиздир. Ҳаётда бундай ҳолатлар тез-тез учраб туради. Қонунда ҳам, динда ҳам бунга қаршилик йўқ. Эркак оиласини таъминлай оладиган даражага етганидан кейингина уйланиши мақсадга мувофиқдир. Сизни Аллоҳ бахтли қилсин, дейишдан бошқа чорамиз йўқ.

Ҳар нарсадан айб қидирадиган одамларга келадиган бўлсак, уларга эътибор берманг. Қилаётган ишингиз ҳаром бўлмаса, хавотир олманг.

Мактубингизда «миямга исломга зид ишлар ҳам келяпти», дебсиз. Эҳтиёт бўлинг. Кўча-

ларда кулча сотсангиз ҳам майли. «Аёл киши бунақа ишларни қилмаслиги керак», дейдиганларга айтинг: «менга бирортангиз ёрдам бердингизми?»

Мактубингизда жуда яхши гапларни ёзгансиз. Аммо уларнинг ҳаммасини тўғри деб бўлмайди. Эҳтиёт бўлинг, сизни шайтоннинг йўригида юрадиган кимсалар ўз таъсири остига олмасин. Вақтинчалик тушунчалар то амалга ошмагунча, инсон гуноҳкор бўлмайди. Албатта, тавба қилиш зарур. Агар ёмон тушунчалардан мамнуният ҳис қилинса, бу яхшиликка олиб келмайди.

Саволларингиздан бири эътиборимни тортди. «Мен жуда қатъиятли эдим, аммо энди у аёл йўқ. Ўрнини журъатсиз, қўрқоқ бир ожиза эгаллади. Ўзимни таниёлмаяпман», дебсиз.

Ҳеч қачон умидсизликка тушманг. Инсон тийнатидаги, ботинидаги ҳислар ҳам тез-тез ўзгариб туради. Энг муҳими, тўғри ақида билан иш тутинг.

Нажиб Фозил Қисакурекдан бир кун сўрашибди:

– Устоз, сиз бизнинг локомотивимизсиз, аммо бир йилдирки, кўринмайсиз, овозингиз чиқмайди. Қаерда эдингиз?

– Туннелга киргандим, чиқдим – деб жавоб берибди устоз.

Аслида бундай туннеллар ҳар биримизнинг ҳаётимизда учрайди. Муҳими, ана шу туннеллардан эсон-омон чиқиб олиш.

Пайғамбаримиз марҳамат қилганлар: «Инсоннинг вужудида бир парча гўшт, агар у бузилса, бутун тана бузилади, бу қалбдир», деганлар.

Шу боис, муслмонлар бир-бирининг қалбига озор етказиши ҳаром қилинган. Озорланган қалб Аллоҳга ҳорғинлик билан юзланади. Фақат инсон ўз-ўзини янгилаб туриши боис, бунақа вазиятлардан осон чиқиб кетади.

Энди мактубингизга жавоб беришимнинг асл сабабига келсак.

Менинг ёнимга келиш ниятини билдириб-сиз. Ёнимга келишни истайдиганлар жуда кўп. Аммо сизларни муносиб кутиб оладиган жойим йўқ. Имконим бўлганида, сиздек биродарларимга қўлимдан келган барча ёрдамни берган бўлардим.

Ҳозирга вазиятда сизга беришим мумкин бўлган тасияларнинг ҳар бири сизни асабийлаштириши мумкин. Аммо бошқа имконим ҳам йўқ. Бегоналарнинг энг яхшисидан кўра, оила аъзоларингизнинг энг ёмони сизга кўпроқ фойда келтириши мумкин. Шу боис, акаларингизнинг ёнига қайтинг!»

Серпил охирги жумлаларга етиб келгунча пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Бир муддат йиғлаб ўтиргач, Истанбулдаги танишига телефон қилишга қарор қилди. Салима хонимни кутиб турди. У келгач, телефон қилиш учун ундан изн сўрамоқчи эди.

Сониялар худди ҳафталардек чўзиларди. Ниҳоят, Салима келгач, унинг ижозати билан Истанбулдаги дугонасига қўнғироқ қилиб мақсадини айтди.

– Ҳеч қўрқма, жоним, то иш топгунимча, уйингда тураман, кейин ижарага уй топиб, чиқиб кетаман. Мени қабул қиласанми?

– Нима иш топмоқчисан? – сўради дугонаси.

– Нима бўлса ҳам ҳалол бир иш қилсам дегандим. Аммо аёлларга ҳар жойда оз маош беришадди. Шу боис, балки уй хизматчилигини қиларман? Балки уйма-уй юриб китоб сотарман?

Икки дугона гаплашиб бўлгач, Серпил Истанбулга кетиш учун ҳозирлик кўра бошлади.

Эртаси куни Серпил кассага бориб, Истанбулга билет сотиб олди. Уни қабул қилишни истамаган ёзувчига ҳам бир учрашиб, ундан ранжиганини айтишни дилига тугди.

*Дунёга ҳамма ўз нигоҳи билан боқадди,
ҳолбуки, баъзида бошқалар
назари билан ҳам қараш керак.*

БУЗОҚҚА СИФИНГАНЛАР ҲАМ ИНСОН ЭДИ

Серпил Истанбул автобусининг олд ўриндиғидан жой олган эди. Автобус ярим соатдан кейин қўзғалиши керак.

Ҳамма ўз руҳий дунёсига кўра вақт оқими-ни ҳис этарди. Серпил учун эса вақт гўё тўхтаб қолган эди. Нега юрмаяпти бу автобус. Одамлар нега шошилмаяпти. Кўп ўтмай ёнига бир ёшгина қиз келиб ўтирди. Серпил унга ўз дунёсидан туриб кўз ташлади. Қиз кулимсираб, Серпилга салом берди. Серпил алик олиб яна ўз дунёсига шўнғиди.

Ташқарини кузатар экан, ўтмишини ўйлади. Ўзи кутмаган муваффақиятсиз ҳаёт уни топган ва бахтсиз қилган эди.

Энди эса осмонга беқарор тикиларди. Баъзан яшашдан чарчаганини ҳис этар, кейин қандай шарт эвазига бўлмасин, ҳаётнинг буюк неъмат эканлигини англаб тавба қиларди. Кейин автобусдаги одамларга кўз ташлади. Барча аёллар унга бахтсиз қаҳрамон ижрочиси сифатида кўринарди.

Шу қиз... бошқача кўринди. Анави аёл ҳам, ёлғончи қаҳқаҳалар... ҳамма ўз ролини ажойиб ўйнамоқда эди.

Серпил ёнида ўтирган қиздан сўради:

- Қаёққа кетяпсан?
- Истанбулга кетяпман.
- Ўша ерда яшайсанми?
- Йўқ, Измирда яшайман.

Серпил «қаерида турасан?» деб сўрамоқчи эди, бирдан қизни Тепажикда кўрганини эслади.

Қиз давом этди:

- Измирнинг қаерида яшайсиз?
- Тепажикда.
- Мен эса Каршиёқада тураман.

Серпил қизнинг ёлғон гапираётганини тушунди. У ҳаммасини яхши эслар, қизни ишга бораётиб, кўрган эди.

Қизни хижолат қилмаслик учун ёлғонини юзига солмади. Ичидан яниб қўйди. Энг ёмон шароитларда яшайдиганлар ҳам ўз яшаш жойини яширмайди, бу қиз эса уяляпти. Ўз наслидан уяладиганлар қаердан пайдо бўлади – ҳамма қатори Серпил ҳам буни билмасди.

* * *

Истанбулга келганида дугонасининг Фотихдаги уйини қидириб, тушга яқин аранг топиб борди. Дугонаси уни кўриши билан севинчдан кичқириб юборди.

– Дугонажон, хуш келибсан, сафо келтирибсан! Марҳамат, ичкарига кир.

Меҳмонни кутиб олиш – муҳим иш. Меҳмон кейинчалик қувилмайди. Илк қаршилаш ниҳояни ҳам белгилайди.

Икки дугона ичкарига киришганида, мезбон ўчоққа чой қўяркан, Серпил билан қуюқ суҳбатга берилган эди. Серпилнинг фикри ёди, ягона умиди ўзи кўрган ёзувчида эди. Уни тезроқ топишни истарди. Илк иши унга телефон қилиш бўлди.

Телефонни кўтарган киши бир дақиқа кутишни, кейин ёзувчи билан гаплашиши мумкинлигини айтди. Ниҳоят, кутилган киши телефонни олди:

-- Лаббай!

Энди унга нима дейди. Ҳақорат қилишга тили бормайди. У жим тураркан яна бояги овозни эшитди:

– Лаббай, эшитаман.

Дудуқланиб сўради:

– Яхшимисиз, опажон, яхши юрибсизми?

– Худога шукр, синглим, юрибмиз, ўзингиз яхшими?

– Сиздан жуда хафаман, аммо бирор зарар етказиш ниятим йўқ. Яратгanning ўзи сизни паноҳида асрасин.

– Мендан нега ранжидингиз? Сизни таниёлмадим. Сизни қандай хафа қилган бўлишим мумкин?

– Сиз билан кўришиш учун мактуб ёзган эдим-ку, эсингиздами?

– Менга биттагина мактуб келганида сизни эслашим мумкин эди. Мен юзлаб мактублар оламан. Ҳамма мен билан кўришишни истайди. Қай бирини эслаб қоламан?

– Тўғри, бу хаёлимга келмабди. Ҳалиги... сиз билан учрашсак бўладими? Нима учун ранжиганимни ҳам тушунтирардим.

– Майли, эртага эмас, индин кўришсак бўладими? Балки нима учун хафалигингизни ҳам аниқлармиз.

Серпил телефонни қўяркан, кўз ёшларини тутолмасди. Дугонаси сўради:

– Тинчликми, нега йиғлаяпсан?

– Сен буни тушунмайсан. Сен ёқтирган инсондан ниҳоятда хафа бўласан, бироқ уни яхши кўраверасан, нафратланишни истайсан, аммо қўлингдан келмайди, унинг овози ҳам йиғлатади.

– А-а-а! Шунақа де? Мен нафратланиш керак бўлган одамдан нафратланаман, сен ҳам шунақа қил.

– Сенинг ўлчовларингда мумкиндир, лекин мен бундай қилолмайман. Ҳеч бўлмаганда ҳозирги шароитда.

Агар севганларимиз
ҳеч адашмайди, деб ишонсак,
уни Аллоҳнинг ўрнига қўйган бўламиз
ва буни ўзимиз сезмаймиз.

ҲАҚИҚАТ УЧРАШУВ КУНИДА ОЙДИНЛАШДИ

Серпил кутган кун келди. Ёзувчи хоним билан учрашадиган бинонинг зиналаридан кўтари-ларкан, ҳаяжони чегара билмасди. Ниҳоят, улар учрашишди. Уни тумонат одам ичидан топган, ўқувчилари ва шогирдлари атрофида эди. Серпил бир муддат ўзини танитмасдан опасини кузатди. Унга яқинлашиб, салом-алик қилгач, кўрсатилган стулга ўтирди. Серпил атрофига қаради. Залнинг деворлари буткул китоблар билан қопланган, дераза рафларининг орқасидан ҳам юзлаб китоблар кўринар эди. Бу хонада китоблар, гуллар ва баъзи хона ашёлардан бўлак эътиборни тортадиган нарсаяўқ эди. Опаси стол бошида туриб, ким биландир асабий оҳангда телефонлашарди. Орада Серпилга ўтирилди.

– Шошилинч ишингиз бормиди, синглаим? Сизга ёрдам бергим келяпти, лекин...

– Ўқ, сизни кўргани келувдим. Айтадиган гапларим бор.

– Вақтим камроқ эди. Бир муаммо чиқиб қолди. Кейинроқ гаплашамиз.

Меҳмонлардан бири таклиф билдирди:

– Балки бизнинг ёрдамимиз тегиши мумкиндир.

– Йўқ, сиз ёрдам беролмайсиз, чунки бугун ўзимдан норозиман.

Меҳмонлар орасидаги ўрта ёшли аёл кулимсираб сўради:

– Ё тавба, одам ҳам ўзидан норози бўларканми?

– Бўлиши мумкин. Ўзининг қанчалик айбдор эканига боғлиқ.

– Нима бўлди? Нега норозисиз?

– Негача бўларди? Бугун профессор Эҳсон Сурайё Сирма билан гаплашдим. Лўлилар ҳақида тадқиқот олиб борганимни айтгандим, ундан баъзи нарсаларни сўрамоқчи бўлдим. Нималарни эшитдим? Лўлилар билан қибтийлар бошқа-бошқа қавмлар экан. Мен лўлилар билан қибтийларни битта қавм деб билардим. Хатоларим кўп экан. Кўпроқ ўқий, ўрганай, дейман, аммо истаганимча ўқиёлмайман. Биз ёзувчилар ҳамма нарсани билишади, деб ўйлаймиз, у ҳам юзак фикр. Инсон асли каби кўриниши лозим. Бу ҳолат менга тинчлик бермайди. Кейин ўз ҳамжинсларимнинг ҳам қавмини билмайман. Шу боис ўзимдан норозиман.

Серпил бу суҳбатдан лол қолган эди:

– Бўлиши мумкин эмас, қибтий деб лўлиларга айтилади.

– Яқинда ўрганиб чиқаман. Бу лўлилар мавзуси мени эзиб юборди. Бу ҳақида бир роман ёзаман. Лекин ҳаёти романга тортадиган бирор бир лўлига дуч келмадим. Роман ишонарли, ҳаётий, асосли бўлиши керак. Вақти келиб ўқув-

чилар қаҳрамон ҳаққоний чиқмапти, демаслиги керак. Ҳолбуки инсон бугун яхши бўлса, эртага ёмон, ундан кейин янада ёмонроқ бўлиши мумкин. Шу туфайли айрим муаммолар бор. Одамлар Муҳаммад (с.а.в) уммати ўзгаради-ю, ёзувчининг қаҳрамонлари ўзгармайдими, деб ўйлашмайди. Агар излаганимни тополмасам, тадқиқот, суриштирув ишларини олиб бораман.

Ўрта ёшли хотин юзини буриштириб сўз бошлади:

– Улар билан ишингиз бўлмасин, хоним. Улар кирга ботишган, тузалишлари қийин. Уларнинг жанжалларини эшитсангиз, роман ёзишга арзимаслигини тушунасиз.

Ёзувчи хоним бу гапдан асабийлашиб, нимадир дейишга оғиз жуфтлаган онда Серпил даврага қўшилди:

– Лўли бўлмаганлар жанжаллашишмайдими? Аёл довдиради:

– Бошқалар ҳам урушишади, лекин барибир лўлилар тузалмайди-да.

Ҳамма ўзича нимадир дерди. Бошқа бир хотин:

– Аслида улар ҳам инсон. Нега уларни камситяпсиз? – деб сўради.

Муаллима хоним аччиқ кулимсираб, суҳбатга қўшилди.

– Улар ҳам одам деган гапни кўпчилик айтади, албатта, одам. Зотан, мен ҳам шу фикрдаман. Лўлиларнинг инсон эканлиги аниқ. Бироқ уларни одам сифатида кўрмаганлар-чи?

– Мен ана шу ҳақида ўйлайман.

Серпилнинг хаёли қибтийларга кетган эди.

– Устоз, Эҳсон Сурайё Сирма деганлари ким?

Унинг гаплари тўғрими?

Ёзувчи жавоб берди:

– Аллоҳдан бошқа ҳеч бир кимсанинг сўзи мутлақ тўғри бўлиши мумкин эмас. Пайғамбарлар диний масалада хато қилишмайди, чунки улар Аллоҳдан келганини гапиради. Устозимизга келсак, у ҳам ўзини мусулмон санаганлардан ҳам бошқалардан зарба еган бир тадқиқотчи. Тўғриси оламиз. Шубҳали сўзлари бўлса, тарк этамиз ёки текшириб кўрамиз. Бу қоида ҳар бир ёзувчи учун муҳим.

– Яна нима деди, қизиқяпман-да! Қойил қолдим. Мен ҳозиргача қибтийлар билан лўлиларни бир хил деб ўйлардим.

– Қибтийлар қадимги мисрликлар қавми саналади. Лекин мен буларни энди ўрганияпман. Мен билмаган нарсаларнинг сон-санови йўқ.

Бу масала Серпилга ёқиб тушган эди.

– Устоз, сизнингча, лўлилар нега бу қадар хўрланади?

– Инсониятга исломий мезонлар асосида қаралмагани боис хўрланишади. Ислонда инсон – инсондир. Кишилиқ мезонини исломдан олмаганлар баъзи ирқларни камситиб, баъзиларини устун қўядилар. Агар Аллоҳнинг каломи – Қуръонга юзланганларида эди, инсон қадр-қиммати фақат эътиқодига кўра фарқланишини тушунар эдилар. Афсуски, бу масалани хусусан, ирқчи шовинистлар эшитишни ҳам исташмайди. Ҳамма нарсани ўрганишга уринган инсон айнаи дамда ўзини ҳам танимайди. Бунга жим қараб турмайлик, биродарлар. Бунга чуқур ўрганишимиз керак. Ислоннинг моҳиятини инсонларга тушунтирайлик.

Серпил ҳамма нарсани унутиб, уни жон қулоғи билан тингларди. Бу гапларни у билар, лекин уларни устоз мақомидаги зотдан эшитиш унга жуда ёқаётганди. Ичидан чексиз бир қувончни ҳис этарди. Бирдан хаёлига келган нарсани сўради:

– Яхши, устоз, сиз лўлилар бўйича нималар қилдингиз? Уларнинг шаъни топталаётганини биласизми, билиш етарлими?

– Мен конференцияларда бу мавзуга кўп тўхталганман, ҳатто бир гал мени лўли деб ўйлашган. Мен ҳам ҳеч нарса демадим. Ана шундай ғалати эътирозларим бор. Баъзи асарларимда ёзганман. Шеърлар ҳам битганман. Ҳикояларим ҳам бор. Вақт топиб эълон қилолмадим. Энди бир роман ёзаман... Романга гап тополмасам, ҳикоя тарзида бўлса ҳам, ўқувчиларга айтмоқчи бўлганларимни етказаман. Нима қилай, лўлиларни тушуна олган ўқувчиларимга ҳам, бу қавмнинг аслини билмаган дўстларимга ҳам кичик совғам бўлади бу асар. Менинг кучим шунга етади.

Серпил ўзини танитиб, бутун ҳаётини, кўрган-кечирганларини бошдан охиригача айтиб бўлгач, ўз дардини ҳам илова қилди:

– Устоз, менинг қўлимдан тутмадингиз, сизни кечира олмайман.

Айтдим-ку, сиз кўпчилик, мен эса бир ўзимман! Қўлимдан келгани шу. Сенга бир гап айтаман. Менинг ёнимга ким улкан умидлар билан келган бўлса ва мен ҳам бу умид эгаларининг қўлидан тутганман, қўлимдан келганича ёрдам берганман, аммо уч-тўрт кишидан ташқари барчасидан тепки еганман. Чунки улар жуда катта умидлар билан келишади, мен уларнинг барча

орзу-умидларига етказа олмайман-ку? Ишона-
сизми, кейинги пайтларда асабларим бузилган.
Одамлардан қўрқа бошладим.

Серпил ёзувчи аёлни тинглаб бўлгач, меҳмон-
ларнинг кетишини кутди. Ҳамма чиқиб кетгач,
меzbондан ўтинди:

– «Лўли» деган шеърингизни ўқиб беринг, ил-
тимос.

– Ёддан билмайман, лекин шу атрофда ётган
эди. Ҳозир қараб кўраман.

Кўп ўтмай шеърни топиб ўқий бошлади:

Мен бир лўлиман

Муслмон тарк этган,
Топталган, хўрланган,
Мол-дунё топмаган,
Мен бир лўлиман.
Мен ҳам тўққиз ойда тугилдим
Мен ҳам нафас оламан,
Мен ҳам гам чекаман, йиғлайман.
Мендан ҳеч ким сўрамас,
Кимсан, сенга нима керак, деб...
Жамият мени четга сулар,
Рангимга, юзимга боқар...
«Лў ва Ли» ҳақидаги эртакни
Менга ўтказмоқчи бўлишар.
Менинг ҳам ота-онам бор,
Менинг ҳам умидим, севинчим бор.
Менга салом бермаслар,
Қаён кетайин?
Салом бермаслар, чунки
Мен бир лўлиман.

Серпил хурсанд бўлиб кетди:

– Мана, нима учун сизни яхши кўраман. Лўлиларни ўзингиздан паст кўрмаганингиз учун.

– Нима учун ўзимдан паст кўришим керак? Лўлидан мени қаерим ортиқ.

– Билмасам. Сиз ирқчи эмассиз, одам айирмайсиз, шунинг учун сизни жуда яхши кўраман, дедим-да.

– Биродарларнинг ҳеч бири ирқчи эмас. Ирқчиликни исломни тушунмаган кимсалар қилишади.

Ўзувчи хоним Серпилга шубҳали туйилди. Нега у лўлилар масаласига бунча қизиқяпти. Серпилнинг фикри-зикри лўлилар ва қибтийлар мавзусида эди.

– Қибтийлар ҳақида қаердан маълумот олсам бўлади?

– Ўрганияпман, маълумот тўпаяпман.

– Илтимос, бу масалада мени ҳам ёнингизга олсангиз!

– Ёнимда кимдир бўлса, ишлолмайман, аммо кутубхоналарга, архивларга бирга боришимиз мумкин. Мен нима топсам, сенга ўргатаман, қолганини китобдан ўқиб ўрганасан.

Кунлар ўтди. Ўзувчи хоним билан Серпил анча дўстлашиб олишган эди. Ўзувчи хоним Серпилдан сўрамоқчи бўлганини сўраб олди.

– Серпил, сендан бир нима сўрай, дейману, хафа қилиб қўйишдан кўрқаман.

– Мен хафа бўлмайман, устоз, сўрайверинг.

– Лўлиларни жуда яхши биламан. Қосимпошода яшаганман. Лўли қўшниларибиз бор эди.

Жуда марҳаматли эдилар. Уларни яқиндан ўргандим, чунки ёнма-ён яшадим. Сен ҳам лўли эмасмикинсан, деб ўйлаб қолдим. Агар лўли бўлсанг, менга тортинмасдан айтавер, менга энг муҳими, сенинг мусулмон эканинг. Кимнинг қайси ирққа мансублиги мени қизиқтирмайди. «Унда нега сўраяпсиз» – дейишинг мумкин-у, буни кейин айтаман. Сен аввал лўли ёки лўли эмаслигингни айт. Иймонлисан, ирқчилик ҳаёлингга келмасин.

Бу гапларни эшитган Серпил, энди яширишдан маъно йўқ, дея гап бошлади:

– Мен бир мусулмон лўлиман. Тўғрироғи, ўзимни шундай атайман. Фақат отам турк экан. Аслида онам ҳам ҳабаш, аммо мени лўли дейишади.

– Жуда яхши, сени табриклайман. Ўзининг кимлигидан уялмаганлар ҳурмат топади, Серпил. Сен ўз ирқингдан уялсанг, қанақасига бошқаларни бу ирққа ҳурмат билан боқишини хоҳлайсан? Тўғрим, Серпил? Бу масалага аниқлик киритиш керак. Инсонлар ўз ирқидан эмас, қилган ёмон ишларидан уялишлари керак. Сен билан битта нарсага келишиб олайлик. Ким сўраса, ҳаммага лўли эканингни айт. Метисман, бало баттар, деб юрма.

Серпил бироз ўйланиб жавоб берди:

– Албатта, гапираман, аммо қибтийлар ва лўлилар масаласини ўрганиш керак. Биз киммиз, қаердан келдик? Нега бизни бунча оёқ ости қилишади. Буларни яхшилаб ўрганмоқчиман.

– Яхши, эртага кел, баъзи манбаларни қараб кўрамиз. Кейин тўпланган ҳужжатларни бирга ўқиймиз.

Эртаси куні стол устига манбаларни териб қўйган ёзувчи хоним ўз фикрини Серпилга очиқлади.

– Аввал қибтийларни ўрганамиз. Дастлаб, «Катта Турк тили луғати»га қараймиз. Мана, топдим. «Қибтий. Қадимги мисрликларнинг араблашган қавмлари, Миср қишлоқлари аҳолиси. Деҳқон. Лўли. 634-635-саҳифа. Шу луғатда лўли ҳақида нима дейилган, мана, қара: «Лўли. Дунёнинг турли бурчакларига Ҳиндистондан бориб қолган дея гумон қилинувчи қавм. Кичик ўғирлик, фолбинлик сингари ишлар билан шуғулланишади. Юзсиз, орсиз, жанжалкаш ва бақироқ кишилар».

Серпил бу сўзларни ўқиб, қаттиқ асабийлашди.

– Кўрдим, устоз. Ҳатто луғатларда ҳам ўғри, юзсиз, фолбин деб ёзишибди. Уларнинг орасида ор-номусли яхшилари ҳам бор, деб ёзишмабди. Фолга ишонадиган мусулмонлари ҳам бор-ку? Луғатларда бизни ана шундай ерга урадиган одамларнинг қаршисига қандай қилиб, «мен лўлиман», деб чиқа оламан? Улар билан урушаманми? Яна ўзимни оёқ ости қилдираманми? Гапиринг, устоз. Бир қавмнинг хатоларини жабрини нега биз чекишимиз керак? Буни ёзган одамни топсам, ўзим билардим. Сизларнинг қавмингиздан фолбинлар йўқми? Фоҳишахоналарда, кўчаларда, ётиб юрганлар лўлиларми? Сизнинг қавмингизда номуссизлар, ёмон одамлар чиқмайдими, албатта, лўлиларнинг ҳам ёмони бор. Лекин ҳаммаси бир хил эмаску. Мен ана шунга чидолмайман.

– Бу ишни қайтадан бошлаймиз. Аввало лўли биродарларимиз ўзларининг ҳеч кимдан кам

эмасликларини англаб етсинлар, мен лўлиман, кимнинг қавми биздан кўра устун, десинлар. Кейин бу луғатларни янгилаймиз. Хатоларини тўғрилаймиз, акс ҳолда адолатсизлик бўлади. Бугун ор-номуссиз, ахлоқсиз кимсалар қайси миллатда йўқ? Луғат тузувчилар ҳам барча элатлар инсоният дарахтининг турли шохлари эканини тушунсинлар. Улар ҳам ҳақиқатни англаб етилсин.

– Баъзи инқилоблар ҳам луғатлардан бошланади. Бир кун улар тўғриланади. Сен ҳам қайғурма, энди бошқа манбаларни қидирамиз. Инсон турк бўладими, лўлими, қибтийми, немисми, ҳабашми, нима фарқи бор? Биз яна ўрганиб кўрамиз. Кейин сенга лўлилар билан боғлиқ ҳикояларим, топилган маълумотлар ҳақида айтиб бераман.

– Жуда яхши бўларди, устоз. Луғат кайфиятимни бузди. Шеърингизда ёзилганидек, мен ҳам тўққиз ой деганда туғилганман. Менинг ҳам қувонч ва ташвишларим бор, ор-номусим бор. Бу ҳолатни қандай тушуниш мумкин?

– Мен ҳам шунга ҳайронман, Серпил. Нега давлат миллий озчиликка нисбатан ҳақоратларни тақиқламаяпти? Ҳеч бир миллат ёки элат камситилмаслиги керак. Фақат турк ёки лўлилар эмас. Баъзиларни давлат, динни ҳақорат қилганларга жазо бермасликка ҳаракат қилади.

Ёзувчи хоним Серпилга хайрихоҳлиги боис яна бир луғатни титкилашга тушди. Шошилинч «Усмонли-турк энциклопедик катта луғати»ни варақлаб, баланд овозда ўқий бошлади:

– Қибтий – Мисрнинг қадимги туб аҳолиси. Қибтийлар авлоди вакили, лўли. Лўлига алоқа-

дор. 526-бет. Қара бошқа манбалар нима дейпти? Аввал «Британика» дан бошласак: Қибтий. Юнонча Коптос. Юқори Мисрнинг Кина вилоятидаги шаҳар номи. 256-саҳифа. Демак, Қибт Мисрдаги шаҳар номи экан. Демак, ўша ернинг одамлари қибтий дейилган. Гарчи буларнинг унча аҳамияти бўлмаса-да, одамзод билиб қўйиши керак. Энди лўлилар ҳақидаги маълумотни ўқиймиз. Лўлилар. Ҳиндистон шимолида пайдо бўлган, кейинчалик бутун дунёга тарқалган, Кавказ ирқига мансуб, жигарранг тусли қавм.

– Нега ҳар доим бизнинг жигарранг тусли эканлигимизга урғу беришади. Бу сўз лўлиларга қаттиқ таъсир қилади. Менинг синглимни кўрсангиз, ранги сиздан кўра оқроқ. Фақат биз жигарранг эканмизми? Қаранг-чи, араблар ҳақида нима дейилган экан?

– Ҳозир кўрамыз. Мана қара: «Катта Турк тили» луғатида «Араб, Арабистон туб аҳолиси вакили ёки араб тилида сўзлашувчи халқ. Қоратанли, ҳабаш» дейилган.

Серпил бироз тинчланди.

– Яхши, ҳеч бўлмаса шу ерда...

– Сени тушуниб турибман, лекин нега сен ранг масаласига ёпишиб олдинг? Лўлилар орасида жигарранг тусли бўлмаганлари ҳам кўп. Оқ танлилар орасида ҳам жигарранглари учраб туради. Одамлар қорайиш учун ойлаб офтобда тобланишади. Рангнинг нима аҳамияти бор?

– Қайси газета, журналда биз ҳақимизда мақола чиққанда, рангимизни айтиб ўтишади-ку?

– Сен уларга эътибор берма. Баъзан «Британика»да ҳам одамларни қизиқтириш учун ҳар

хил тўқималардан фойдаланишади. Бу орада бошқа ирқ вакиллари ҳақида сўз юритишаркан, уларнинг ранг-туси ҳақида лом-мим демайдилар. Ирқлар аҳамиятга эга эмас. Баъзи олимлар фикрича, икки қора танли оилани Англияга олиб келишса, орадан асрлар ўтиб, уларнинг авлодлари малларанг бўлиб туғилишади. Худди шу тарзда маллар Аффрикада яшасалар, наслдан наслга ўтган сари, уларнинг авлодлари ҳабаш бўлиб боради. Аслида ранг-тус алмашинуви иқлимга боғлиқ. Қуръони Каримда миллатлар маҳсус яратилганлиги марҳамат қилинган. Иқлимлар уларнинг сабабчиси бўлиши мумкин. Аллоҳ ҳамма нарсани бир сабабга боғлаб яратганини марҳамат қилган.

– Ҳа.

– Аслида Ислонда бундай бўлиниш йўқ. Золим кимсалар сизга ўзлари тўқиган уйдирмаларни тикиштиришади! Айниқса, ирқимизнинг бадалини фақат сиз тўламаяпсиз. Курдларнинг аҳволига бир қара! Америкада ҳам ҳабашлар асрлар бўйи ана шунинг бадалини тўлашмоқда. Кейин вазият ўзгарди. Америка ҳам ирқлар масаласида Ислон буюрган тўхтамга келди. Илгари автобуслардан тортиб ҳожатхоналаргача ажратиб қўйилган эди. Ҳабашлар бош кўтарганидан кейин бироз қарашлар яхши томонга ўзгарди. Эндиликда қора танлилар оқларга қарши ирқчилик қила бошлашди. Яъни қонга қон. Қасоскорлик инсонни маҳв этди. Иншаоллоҳ, ислон бундай хато қарашларнинг ягона чораси экани ойдинлашади. Сен билан мендек. Қара, икковимиз бир-биримизни қанчалик яхши кўраимиз. Бир-биримизни камситмаймиз. Ислоний ме-

зонга кўра, инсонлар тенг яратилган, ҳеч ким бир-биридан кам ёки ортиқ эмас.

– Устоз, сўзингизга қўшиламан, лекин ҳамма ҳам буларни тушунавермайди.

– Курашамиз, Серпил! Хурофотларни ёювчи кимсалардан кўра, кўпроқ ҳаракат қилишимиз лозим. Шунча мусулмонлар «Қора Довуд» китобларининг қора доғларини тозалай олмайдими? Иймони кучли бўлган одам шайтонни енгади, муҳими, иймон билан йўлга чиқиш лозим.

Бир нечта ҳафта ўтиб, Серпил яна ёзувчи хонимнинг уйига келди.

– Бир неча ҳафтадан бери, кутубхоналар, архивларга қатнадим. Маълумотлар тўплادим.

Серпил унинг сўзини бўлди:

– Устоз, лўлилар ҳақида яна нималар ёзишибди, қандай янги маълумотларни қўлга киритдингиз?

– Кўп нарсаларни топдим. Қўлга киритган натижа сени ҳайрон қолдиради.

– Қани, ҳужжатларни бир кўрайлик-чи?

Ёзувчи хоним битта жидда солинган ҳужжатларни йиғиб, Серпилга кўрсатди.

– Шуларнинг бари лўлилар ҳақида, ҳаммасининг нусхаларини олдим. Баъзиларини ўқиймиз, лекин хафа бўлиш йўқ.

Шу пайт ташқаридан бир аёл келиб, уларнинг суҳбатини бўлди. Аёл аввал Серпилни сўради, кейин дардини дастурхон қилишга тушди. Серпил унинг гапларидан сиқилди. У сал аввалроқ, мавзуга киришишни ўйлаётганди. Хотин эса шикоятидан тўхтамасди.

– Ҳаммаси сен ўйлаганингдек эмас, қизим. Лўлидан подшоҳ чиқса, биринчи бўлиб, ўз отасини осаркан. Мен ҳам келинимнинг онасига

ён берган эдим, бошимга чиқиб олди, шунақа ахлоқсиз аёлки, асти сўрама! Унинг гапига қулоқ солсам, худди лўлидек жанжал килади.

Серпил нотаниш аёлга тикилиб туриб сўради:

– Сиз лўлидан бошқа гапни ҳам биласизми? Ҳар икки гапнинг бирида лўлиларни ҳақорат қиляпсиз.

Хотин Серпилга анграйганча тикилди:

– А, мен-а? Қачон лўлиларни ҳақорат қилибман. Лўли деган сўзни оғзимга ҳам олмадимку?

Серпил устозига қаради:

– Кўряпсизми, устоз, ҳақорат қилмадим, дейпти.

Ёзувчи хоним лўлиларни ҳақорат қилиш одамлар учун оддий ҳолга айланганини тушунар эди. Серпилга ичи ачиса-да, нима дейишни билмасди. У ирқчилик балоси инсониятни не куйга солганини ҳам яхши англади. Юнонистонда айрим ақидапараст юнонлар туркларнинг бошига не кунларни солаётганидан ҳам хабардор эди. У Серпилга ўгирилди:

– Юнонлар бир-бири билан жанжаллашиб қолса, туркмисан, нима бало, дейишади. Бирор бир ёмон нарсани айтишмоқчи бўлишса, дарров туркларни эслашади. Нима ҳам қила оламиз, Серпил, осмон – йироқ – ер қаттиқ.

Нотаниш аёл ҳамон анқайиб турарди:

– Вой, мен нима дедим? Икковинглар ҳам оширвормадингларми?

Ёзувчи хоним меҳмонга тасалли бергандек гапирди.

– Сиз хафа бўлманг, синглим, бу қиз бироз асабийлашди. Лўлиларни таҳқирлаганларни ёқтирмайди у.

– Вой, ўлай, мен лўлиларнинг номини ҳам тутмайман. Улардан қўрқаман.

– Нимага қўрқасиз? – сўради Серпил.

– Сиз қўрқмайсизми? Улар ўғрилиқ қилишади, одам ўлдиришади.

Меҳмонлар орасида Черкезхоним анча билимли, тақводор, социолог эди. Ҳижобда юргани сабабли замонавий зиёлиларнинг таъналарига ҳам дучор бўлган эди. Ўша аёлнинг лўлилар ўғирлик қилади, деганига қараб туролмади.

– Машааллоҳ, сизу биздан ўғри чиқмаган, қотиллар ҳам. Алининг интиқомини ҳеч нарсадан хабари бўлмаган Валидан олувчилар ҳам сизникилар эмасми? Эрзинжоннинг Бошбоғлар қишлоғи ана шундай адолатсизлик туфайли ваҳшийларча йўқ қилинмадими? Ер билан яксон қилинмадими? Яна қанча мисол керак. Диндор инсон ҳеч қачон бировнинг қонини беҳуда тўкмайди. Лекин динни ниқоб қилиб олганлар бундан мустасно. Тилимни қичитманг, сизу биз деганда қавмларимизни кўзда тутяпман, аслида ҳаммамиз бир бутун халқмиз.

Аёл бу суҳбатлардан ҳеч нарсани тушунмасди. Домла аёлга ўгирилиб сўради:

– Қизим, булар мендан нима истайди? Нега бундай ғалати гапларни гаплашишади.

Серпил чидаб туролмади:

– Мен лўлиман, шу туфайли гапларингиз мени гашимни келтирди.

Аслида лўли бўлмаса ҳам, лўлиларнинг тарафини олиб, шундай деётганди. Аёл ажабланиб Серпилга жавоб берди:

– Тавба, бунақа гапларни гапирма, қизим. Лўлилар лаънатланган. Сен нега лўлиларни тилга

оласан. Сен лўли бўлишинг мумкин эмас. Сен туппа-тузук мусулмонсан. Агар лўли бўлсанг, мусулмон бўлолмасдинг.

Серпил аёлга газаб билан тикилди. Аёл ҳам бипроз асабийлашган эди:

– Мен ҳам шуни айтаман. Мусулмонлар ҳам қайтадан исломга киришлари керак, уни чуқур ўрганиб, кейин қабул қилиниши лозим.

Неча йилларки, лўлилар таҳқирланиб келади. «Лўлилар ўғирлик ва номуссизликлари билан ном чиқарган, қаерда бўлсалар ўша ерда одамларнинг молларини, пулларини ўғирлаб келишади», деб айтишади. Тўғри, балки оч қолганликлари учун ўғирлик қилишган, ўқиёлмаганлари сабабли шу ишни давом эттиришган, ахир ҳеч ким онадан ўғри бўлиб туғилмайди-ку.

Серпил унинг гапини илиб кетди:

– Ахир мен нима деяпман, ўғирликни ўзига касб қилган лўлиларни бу феълидан қайтариш учун уларга ижтимоий ҳуқуқлар берилиши лозим. Қолаверса, ҳар бир лўли ҳам ўғри бўлавермайди. Менинг онам оч қолсанг ҳам бировнинг нонига кўз олайтирма, дерди.

Ёши катта хотин бу гапларни эшитар экан, ёзувчи хоним давом этди:

– Йўқ, фақат ижтимоий ҳуқуқлар билан тузатиб бўлмайди. Германияда лўлиларга ҳатто машиналар ҳам берилди. Маош белгиланди, аммо ўғирликка ўрганганлар барибир ўз ишини қилди. Бу иш фақат Аллоҳга иймон келтириш ва ундан кўрқиш билан ўз изига тушади. Ҳам моддий имкон берилади, ҳам ислом асослари ўқитилади, қисқаси, динни яхши билган одам ўғирлик қилмайди. Мен бир қизик нарса ўқиб қолдим.

Лўлилар Усманийлар даврида жуда фаровон яшашган. Ўша пайтда ҳам лўлиларнинг асосий муаммоси пул деб ўйлашган. Шу боис уларга таълим-тарбия бериш ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмаган. Султон Абдулҳамидхон даврида лўлилардан тўрт нафар депутат ҳам чиққан. Қани эди, ҳозир ҳам шундай бўлса...

Серпил ажабланиб қолди:

– Чиндан ҳам Усманийлар даврида лўлилардан депутат чиққанмиди?

– Чиққан. Ҳозир ҳам бормикин, парламентда турли миллат вакиллари бор, демак, лўлилар ҳам бўлиши керак. Ахир биз бутун ҳақдмиз. Халқни ғоялар бирлаштиради. Бу юртда ҳор кимнинг, хусусан, лўлиларнинг ҳам ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши шарт. Бу ўн беш кунлик дунёда ҳаммамиз ака-укалардек яшаб ўтишимиз керак.

Серпил яна ўзини тута олмади. Муаллима, сиз бу гапларни лўлиларни оёқ ости қилаётганларга айтинг.

– Менга фарқи йўқ. Агар бир инсон бошқа бир инсонга исломий мезонлар билан қарамас экан, қўлига давлат тегиши билан золимга айланади. Мен баъзи лўлиларни кўраман, улар ҳам ўз чодирдаги лўлиларни ҳақоратлашади! Табиийки, паст ишларни қилганлар пастга урилади. Аслида ёмон хулқ-атвор қўллаб-қувватланмади, фақат уларнинг қўлидан тутиш керак, улар ҳам маданийлашиб боришмоқда. Ўша чодирда яшайдиганларнинг ҳам бари ўғри эмас, қонхўр ҳам эмас.

Кекса аёл қизиқиш билан савол берди:

– Мени ақлдан оздирмоқчимисиз, чодирдаги саёқ лўлиларни одам деб ҳисоблайсизми?

Ёзувчи хоним кулимсираб сўради:

– Сизнингча, уларнинг илк оталари ким?

– Билмадим... Одам Ато бўлса керак.

– Унақада нима учун одам бўлмас эканлар.

Серпил яна суҳбатга аралашди:

– Сизнингча, вазият қандай ўнгланади?

– Аввало бу ишни давлат назоратига олиши керак, кейин ўқитувчилар, ёзувчилар ва журналистлар... Қора Довуднинг қора овози ўчирилиши лозим. Нашриётлар бу хурофотларни йўқотишлари керак. Яъни, ҳозир Қора Довуддаги хатолар китобдан чиқарилиши керак.

– Давлат нима қила олиши мумкин?

– Ҳамма нарса қилиши мумкин. Аммо давлатнинг халққа нисбатан стратегияси, дастури бўлиши керак. Чодирдаги болаларни аввал чодирдан чиқариши, уларга таълим-тарбия бериши лозим. Ўғирлик оғир гуноҳ ва жиноятлигини тушунтириши керак. Кейин бу одамларни иш билан таъминлаш керак. Уй-жой, ер бериш керак. Шунда ҳам ўғирликдан тўхташмаса, оғир жазо тайинлаш керак. Ўшанда бу одамлар тузаладими, йўқми, билинади. Ҳамма инсонларнинг ҳаиритуруши бир хил. Вақтида ишлатилса, нон бузилмайди.

Бу мавзуда Ислонни тушунадиган лўли биродарларимиз ҳам, албатта, ҳаракат қилишларига тўғри келади. Баъзи биродарларимиз эртаю кеч зикр билан машғул бўлиб, «берсанг ейман, урсанг ўламан», деб юраверишади. Бу – нотўғри. Ҳар бир мусулмон, қавмдан қатъи назар, бир касб-ҳунарнинг бошини тутмоғи керак. Баъзи бир лўлилар ҳам бошқа қавмга мансуб инсонларни одам ўрнига кўришмайди. Бу ҳам хато,

ўша гуноҳнинг айнан такроридир. Ҳозир сенга бир ёмон гап айтаман.

Серпил ҳаяжонланиб кетди:

– Устоз, мен ёмон гап-сўзлардан роса тўйганман. Кўпчилик лўлиларнинг аксариятини ўғри, каззоб, муттаҳам ва орсиз деб билишади. Баъзилар биз ҳақимизда ҳар хил бўлмағур гапларни ҳаммага тарқатиб юришади.

Кекса хотин ўз дардини унутиб, бу суҳбатларга қулоқ осиб ўтирарди. Энг ажабланарлиси, ёзувчи хонимнинг, ўзини лўли деб таништирган аёлга бу қадар эътибор кўрсатиши эди.

Серпил билан ёнма-ён ўтирган аёл тез-тез сумкасига қараб қўярди. Охири бунга ҳам кўнгли тўлмадими, сумкани қучоғига олди.

Ёзувчи хоним Серпилнинг эътирозини ҳақли билиб, муҳим бир нуқтага эътибор қаратишни истарди.

– Қара, Серпил, лўлиларни ўғри деб атайдиганлардан қанча жаҳлинг чиқяпти. Нега яхшиларини ҳам айтишмайди, деб яна бир хатога йўл қўйма. Лўли бўлмаган мусулмонлар орасида лўлилар ҳақидаги асл ҳақиқатни биладиганлар бор. Улар орасида лўли мусулмонларни яхши кўрадиганлар кўп. Биттаси – менинг ўзим. Сен ёқтирган одамлар орасида мусулмонларга зулм қилганлар йўқми?

– Бор, албатта. Измирда, Манисада кўплаб танишларим бор. Улар менга жуда катта яхшиликлар қилишган. Улар исломни яхши билишади ва унга амал қилишади.

– Ҳа, демак, инсонлар исломни қанча чуқур ўрганишса, бошқаларга шу қадар илтифотли бўлишади. Серпил, мана битта нуқтага келяпмиз.

Инсоният Аллоҳга қанчалик итоат қилса, унга қалбан ишонса, ундан кўрқса, нажот топади. Биз бу ҳақиқатни бутун инсониятга етказишимиз керак. Фақат бу ишни Аллоҳнинг буйруғига биноан қилишимиз керак. Бўлмаса айрим ўлкалардагидек, диний айирмачилик юзага келади.

– Нима дегани у?

– Баъзи мамлакатларда насронийлар ўз черковларини алоҳида қилиб олишган. Лўлилар, арманлар ва бошқа миллатлар ўз черковларига боришади. Масжидлар ҳам ана шундай бўлиниб кетмаслиги керак. Афсуски, бу ҳам тез-тез қулоққа чалиняпти. Бўлиниб парчаланиб кетишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Серпил тобора ҳайрат уммонига шўнғиб борарди, бу гаплар унинг учун яна бир янгилик бўлди:

– Нималар деяпсиз, устоз? Черковни ҳам бўлиб олишдимми?

– Албатта, масалан, Францияда.

– Фарб оламида ҳам лўлилар шунақа оёқости қилинадими?

– Ҳа, афсуски шундай. Билмасмидинг?

– Ҳатто черковларни ҳам ажратиб олишгача боришганини билмагандим.

– Мана, бунга бир қара, – ёзувчи хоним 1995 йил 10 февралда чоп этилган газета парчасини сумкасидан олиб, Серпилга кўрсатди ва ўзи ўқишга тушди: – «Лўлиларни ўлдиришяпти. Австрияда кейинги уч кунда беш нафар лўли террор қурбонига айланди. Теракт Венада ўтказилган бир тадбирда юз берди. Шу муносабат билан Сан-Степан кафедрал собори қаршисида икки минг киши бу неофашистлар террорига қар-

ши норозилик намоёиши ўтказди» Кўряпсанми? Баъзи мамлакатларда ёрқинлик ҳадидан ошиб кетмоқда. Инсоният бир ота ва бир онадан тарқалганини чуқур идрок этолмас экан, бу ҳолат давом этаверади.

Кекса хотиннинг тоқати тоқ бўлганди:

– Бўлди-да, энди, менинг ҳам дардимни биров эшитадими йўқми? Аўлилардан бошқа дард-ғамимиз йўқми? – Серпилга бир-икки ўқрайкан, гапида давом этди. – Ҳозир тузук-қуруқ одамлар ҳам бир думалаб ўзидан аўли ясаб оляпти. Бошқа иш қуриб қолгандай. «Мен аўлиман» деган одамни умримда биринчи марта кўришим.

Ёзувчи хоним сўради:

– Сизнинг дардингизни тушунолдим. Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

– Нима қилардигиз? Менга тушунтириш бера-сиз. Келинимнинг онаси мени жинни қилаёзди. Мен бунақа шаллақи аёлнинг қизини уйимда келин қилиб ўтиролмайман. Ўғлимга «хотинингни жавобини бер, илоннинг боласи илон бўлади», деб неча марталаб айтдим. Қани менга қулоқ солса?

Серпил нафрат тўла нигоҳини ҳалиги аёлга қадади:

– Демак, онасининг аламини боласидан оляпсиз? Яна сиз ҳам мусулмонман деб Аллоҳнинг жаннатига киришдан умидвордирсиз? Шу ҳам инсонийликми? Сиз Аллоҳдан қўрқмайсизми? Агар ўғлингиз сизнинг сўзингиз билан иш қиладиган бўлса, унинг ҳам ҳолига вой.

Серпил билан ҳалиги аёл шу тариқа уришиб кетишди. Аёл шартта Серпилга тармашди:

— Аўлининг боласи, қани, жўнаб қол. Энди билсам чиндан ҳам аўлининг ўзгинаси экансан.

Ёзувчи хоним ғалати алфозда қолганди. Серпилга ўгирилиб, унга тавсияларини бера бошладди.

— Эсингдан чиқмасин, Серпил. Ислом ва иймондан беҳабар одамлар сени кўп оёқости қилишлари мумкин. Аммо ҳақиқий инсонлар ҳеч кимни ирқий ва миллий мансубиятига қараб муомала қилишмайди. Уларга сен шундай дейишнинг керак: «Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мени аўли, аммо мусулмон аўли қилиб яратди. Сиздек исломдан беҳабар одам бўлгандан кўра, иймонли аўли бўлиб яшаш мен учун минг марта аъло. Мен ўз диним ва миллатим билан фахрланаман. Мен шу пайтгача онасининг аламини қизидан оладиган бирор бир аўлини кўрмадим». Сени хафа қилганларга қандай жавоб бериш лозим бўлса, сен ҳам шундай қил!

Кекса хотин жаҳл билан ўрнидан турди:

— Тушундим, хоним, тушундим, сиз ҳам аўли эканингизни яшириб юрган экансиз-да? Акс ҳолда анави аўливаччанинг тарафини олмаган бўлардингиз.

Хотин эшикни тарс этиб ёпганча чиқиб кетди. Унинг назарида ўзидан бошқалар бари ноҳақ эди.

Ёзувчи хоним ва Серпил бир-бирларига қараб қолишди. Иккови ҳам нима дейишни, нима қилишни билмасди. Ниҳоят, отинойи тилга кирди:

— Хафа бўлма, қизим, агар астойдил кураш-сак, бунақа говларни енгиб ўтамиз.

Серпил кўзлари ёшланиб, сўради:

– Қанақасига, устоз?

– Аввал ўрганамиз, кейин эса ҳаракат қиламиз. Бир неча кундан бери олиб бораётган изланишларим давомида лўлилар ҳақида кўп нарсаларни ўргандим. Шунақа нарсалар топдимки, эшитсанг, ҳайрон қоласан. Ҳали биз булар устида кўп ишлаймиз.

– Албатта, мен неча йилдирки, шу масала устида иш олиб бораман. Аммо лўли эканимни айтолмайман. Берган сўзимда туролмайман, мени кечиринг. Ўзини билмайдиганлар мана бундай кимсалар оғзида сақич бўлишни истамайман.

– Бу ҳақда кейин гаплашамиз. Истасанг, бугунги мавзунини шу ерда тўхтатамиз.

– Йўқ, қўлингизда шунча маълумот бор экан, уларда нималар ёзилганини билмагунча тинчи-майман. Бир кўрайлик-чи, мана бу масалалар шу ҳужжатларда борми?

– Қанақа масалалар?

– Масалан, «Лўли аразласа, тўрвасига зиён», «Лўлидан ботир чиқса ўз капасига олов беради», «Лўлини подшоҳ қилишса, ўз отасини ўлдирибди», «Лўлининг қизини подшоҳга беришган экан, ўзининг дастурхонидан нон ўғирлабди», «Лўли мусулмон бўлишидан олдин миноранинг учида намоз ўқиши керак» каби алламбалолар. Буларнинг Исломга алоқаси йўқлигини биламан. Уйқусиз ўтган тунлар туфайли кўп нарсани ўргандим. Мени қизиқтирган масала – лўлининг диндаги ўрни эмас. Мен бу босқичдан ўтдим. Мен нима учун одамлар ҳамма лўлиларни ўғри деб билишини тушунмайман. Лўлиларнинг мусулмон бўлишини қабул қилолмайдиган одамларни тушунмайман. Хўш, нима учун биз Исломни

қабул қилмаслигимиз керак. Ислом кимнингдир моли эмас-ку? Шунинг учун бошқаларга лўли эканимни айтгим келмайди.

Ёзувчи хоним кулимсиради:

– Айтма, жоним! Ҳеч ким сени бунга мажбур қилмайди. Лекин бунақа қўрқоқлик сенга ярашмайди. Сенинг меъёринг ҳам одамларнинг гап-сўзлари экан. Ахир сенинг дунёқарашинг ислом доирасида эмасмиди? Сен ҳам бошқалардан фарқ қилмас экансан-да? Сен ҳам ирққа, миллатга урғу бераркансан-да? Ўзинг ҳам бир ирқчисан, лекин буни ўзинг сезмайсан. Агар сезганингда эди, сени ранжитган инсонларнинг қавмидан бўлиб қолишни бу қадар истамас, асосий эътиборни эътиқодга қаратган бўлардинг. Сен ўз ирқидан нафратланадиган бошқа бир ирқчисан, ҳолос. Динсизлар туфайли бошқа туркларни ҳам бир хил кўзда кўрасан.

Серпил эътироз билдирди:

– Асло ундай эмас. Мен ҳеч қачон туркларга нисбатан бошқача кўз билан қарамаганман.

Яна орага жимжитлик чўкди. Бу сукунатни яна отинойи бузди:

– Майли, бугунча етар. Кейин яна келасан, гаплашамиз.

– Албатта, устоз, мендан жаҳлингиз чиқмасин. Қачон вақтингиз бўлса, мен ёнингизга келавераман. – Серпил эшик олдиға етганда, нимадир эсига тушиб ортиға ўгирилди. – Айтганча, сиз менға бир ҳикоя айтиб бермоқчи эдингиз.

– Ҳа эсимда!

Ёзувчи хоним бир лўли қизнинг боласи тортиб олиниб, ўзи кўчаға ҳайдалгани ҳақидаги воқеани сўзлаб берди. Кейин Юнонистонда

турклар, туркияда курдлар, Фарб давлатларида ҳабашлар қанчалик камситилганини ҳам эслатди.

Серпил Меҳметни эслади.

– Ҳа, тўғри айтдингиз, устоз. Ирқчилик туфайли кимлар ўз жонига қасд қилди, яна кимлар ақлдан озди. Эҳ, ҳали ҳаммасини сизга айтиб бераман.

Отинойининг навбатдаги гапи Серпилни лол қолдирди:

– Сенинг ҳаётинг, ўзимнинг бошимдан ўтганларни умумлаштириб, битта роман ёзаман. Аммо ана шу курашчан феълнинг йўқолмаса, албатта. Агар сен курашдан тўхтасанг, мен ҳам фикримдан воз кечишим мумкин.

Серпил жуда қувониб кетди.

– Романингизни нима деб номлайсиз, устоз?

– «Лўли».

– Лекин бундай сарлавҳали романни ким ўқиркин? Лўли бўлмаганлар «Менга лўлидан нима наф?» деб ўгирилиб кетишади. Лўлиларнинг камдан-кам қисми китоб ўқийди. Чунки кўпчилиги ўқишни билмайди.

– Хавотир олма. Биз Аллоҳ йўлида қиламиз бу ишни. Аллоҳ истаса, албатта, ўқишади. Бу роман жуда муҳим. Энди мен ҳикоямни тугатай. Сен қулоқ сол. Мен ҳикояларимнинг номини ўқийман. Сен ёққанини айтасан, хўпми? – У шундай дея ўзи ёзган ҳикояларнинг номини санай кетди.

– Менга «Лўли имом» деган ҳикоянгизни ўқиб беринг, – деди Серпил.

Ёзувчи аёл жавондан керакли китобни олиб, унинг зарур саҳифасидаги сатрларни ўқишга киришди.

Солиҳ, ўғирликка қўл урганида ҳали ёш бола эди. Қанча кўп ўғрилиқ қилса, ота-онасидан шу қадар кўп мақтов эшитарди. Ана шу рағбатлар уни юлдузни бенарвон урадиган ўғрига айлантирди.

Навқирон ёшига етганида у аллақачон таниқли ўғри бўлиб улгурди.

Хаммаси ўша, охирги ўғирликдан кейин бошланди.

Ярим кечаси бир кекса аёлнинг уйини тўнагани тушди. Уйғониб, титраб-қақшаб турган уй соҳибига «Қани, бор пулингни чиқар», дея таҳдид қилди.

Аёл кўзлари мўлтираб, ёлворишга тушди:

– Жон болам! Аллоҳдан бошқа суянганим йўқ. Касалман. Пулимни олиб кетсанг, дори олишга, даволанишга имконим қолмайди. Чолим йигирма кун олдин бандаликни бажо келтирди. Боқувчим, даромадим йўқ. Агар озгина бўлсаям, қалбингда иймон бўлса, пулимга тегма.

Солиҳ бошқа пайтларда ўзини марҳаматли, эътиқодли деб билса-да, ўғрилиқни ўзига касб қилиб олгани учун бунақа пайтда инсофу диёнатни унутарди.

– Овозингни чиқарсанг, ўлдираман, – деди у кампирга пичоқ ўқталиб.

Кампир қўрқувдан дағ-дағ қалтираб, эшикка суянганча ўғрининг ҳаракатларини кузатиб ўтирарди.

– Аллоҳ ҳаммасини кўриб турибди, – дерди у пичирлаб. – Бирор бир ўғри қилган

иши учун жазо олмасдан туриб, жаннатга кирмайди. Охиратда қўлим ёқангда бўлади. Ҳали қилган ишингга жуда-жуда пушаймон бўласан. Ҳали ҳам кеч эмас, бу қасдингдан қайт, болам. Емай-ичмай, қора кунимга йиққан уч-тўрт танга пулимга тегма.

Кампирнинг илтижолари Солиқнинг қулоғига кирмасди.

Ниҳоят, кампир бекитган пулни топди. Аёл йиққан-терган пулини ўғрининг қўлида кўрдию, бир оҳ тортди ва гурс этиб йиқилди.

Шовқинни эшитиб қўшнилари югуриб чиқишди. Дарҳол ўғрини тутиб, полицияга топширишди.

Солиҳни қамоқ жазосига ҳукм қилишди. Кунларнинг бирида почтадан унга бир китоб келди. Кейинги ойда яна битта китоб. Шу тариқа унга ҳар ой кимдир китоб юбориб турди. Кимлиги маълум эмасди. Ким бўлиши мумкин унга ҳар ой китоб жўнатаётган сирли дўст. Солиҳ китобларни қизиқиш билан ўқирди, уларни юборган одамнинг кимлиги унга тинчлик бермасди.

Бу китоблар сабаб Солиҳнинг қалбидаги иймон уруғи ниш урди. Аллоҳга қайтишига шу китоблар сабабчи бўлди. У қилган ишларидан пушаймон бўлиб, чин мўминга айланганди. Энди ўғри Солиҳ йўқ эди. Чунки инсон бир пайтнинг ўзида ҳам ўғри, ҳам мусулмон бўлиши мумкин эмас.

У энди беш вақт намоз ўқир, Қуръони Каримни мутолаа қилар, ҳаром ишлардан қаттиқ парҳез тутганди.

Солиҳ «Қамоқдан чиқсам имомлик қилман», деб ўзига ваъда берди. Жазони ўтаб чиқиши билан имом-хатиблар тайёрлайдиган ўқув муассасасига ҳужжат топшириш ҳақида ўйларди. У ана шу шавқ билан яшадди. Имомлик орзуси унга тинчлик бермасди, бутун келгуси ҳаёти ана шу орзу устига қурилганди.

Ниҳоят, унинг орзуси амалга ошди. Бейлар маҳалласидаги «Абу Бакр» масжидига имом этиб тайинланди. Ўз бурчини муҳаббат билан адо этишга киришди. Илк бор у пешин намозига имомлик қилди.

У бахтдан сархуш эди. Орзусига етганди.

Аср намозига азон ўқилган паллада ҳам ҳаяжони босилмаганди. Тезроқ меҳробга ўтишни истарди. Таҳорат қиларкан, кўз ёшлари ёноғини юварди.

Фақат негадир масжид бўм-бўш эди. Вақт эса ўтиб борарди. Муаззиндан сўради:

– Одамлар қаерда? Нима бўлди ўзи?

Муаззин ҳам елка қисди. Шу пайт бир оқсоқол қария ичкарига кирди. Солиҳ дарҳол ўрнидан туриб салом берди.

– Амаки, негадир жамоат йиғилмаяпти, тинчликмикин?

Қария йиғламаслик учун лабларини тшлаб турарди гўё. Жавоб беролмасди. Ниҳоят, оҳиста сўз бошлади:

– Одамлар келмайди, болам! «Виз лўлинг орқасидан туриб намоз ўқимаймиз, лўлилар имом бўлолмайди, улар синдирган нонни ҳам еб бўлмайди», дейишяпти.

Солиҳ турган ерида қотиб қолди. Бир муддат ўзига келолмади. Кейин ўзини қўлга олиб, мўйсафиддан сўради:

– Мен ўғирлик қилганимда айблаган кимсалар яхши иш қилганимда мақташни ҳам билишлари керак эди. Мен уларнинг мақтовидан воз кечдим. Лекин буларнинг қилган иши мени лол қолдирыпти. Бу қанақаси бўлди? Мен Аллоҳнинг қибласидан бошқа тарафга юз бурдимми? Мени ҳам Аллоҳ яратмадими? Айтнинг, амаки, бу қандай мусулмончилик? Исломда ҳам, масжидда ҳам барча тенг-ку? Аллоҳ айирмачиларни ёқтирмайди-ку?

– Тўғри айтдинг, бандалар Аллоҳнинг қаршисида тароқ тишларидек баробар. Аммо буни ҳамма ҳам тушунавермайди. Сен хафа бўлма. Аллоҳнинг ўзи билса, шу кифоя. Қани, юр, намозимизни ўқийлик. Албатта, Аллоҳ бу бечора бандаларига ҳам бир кунни ақл бериб қолар.

Олдинда имом, орқада муаззин билан мўйсафид намозни адо этдилар. Солиҳ намоз ўқиркан, кўз ёшларини тутолмасди. Икки томонга салом бергач, ортига ўгирилиб, икки кишидан иборат жамоатга боқди ва дуога қўл очди:

– Аллоҳим, мусулмон бандаларинг Сенга бошқа томондан борадиган йўл йўқлигини билишади. Бизниям ўзинг яратдинг. Ўзинг барчамизга ҳидоят бер.

Мўйсафид юзига фотиҳа тортгач, имомнинг кифтига қўлини қўйди.

– Хафа бўлма, ўғлим. Мен то ўлгунимча сенинг ортингда намоз ўқийман. Аллоҳ бир

киши билан ўқилган намозга ҳам жамоатнинг савобини беради. Иншаоллоҳ! Юр, сен билан бир суҳбат қилайлик.

Солиҳ билан кўзлари билан бу нуронийга термилди қолди:

– Йўқ. Мен энди лўли эмасман. Лўликдан воз кечдим. Мен шунчаки ранги қорамтир бир мусулмонман. Бу ўлка ҳам менинг ватаним. Мен эшикма-эшик юриб, ҳаммага шуни тушунтираман. Инсонлар бир жойда жам бўлишганда айнийдилар. Якка ҳолда улар билан гаплашса бўлади.

У кейинги йилларда ўзи ўғирликка тушган уйлارга бориб, ҳаммадан рози-ризолик сўраб чиққанди. Айниқса, сўнгги бор ўғирликка тушган уйини унутмаганди. Ўша кампирни излаб топди. Унга бироз пул бериб, ҳар ой маълум миқдорда нафақа бериб туришини айтди.

Уйдан чиқаркан, ҳалиги аёл ўз туйғуларини шундай баён этди:

– Хайр, болам, омон бўл. Аллоҳ сени тўғри йўлга йўлагани рост бўлсин. Мен ўша китобларни ўқиганингдан хурсандман.

Солиҳ ажабланиб ортига ўтириди. Кампирга қараб қолди. Кейин табассум билан жавоб берди:

– Ўша сирли дўстим сиз экансиз-да? Сизни Охиратда ҳам унутмайман.

Солиҳ чиндан ҳам ваъдасида турди. У уйма-уй юриб, одамларга терининг ранги, қавм эмас, қалб, иймон муҳим эканини тушунтириб чиқди. У ҳар бир эшик олдида кўз ёшлар билан ўз мақсадини баён қиларди.

Бир ой тиним билмади.

Жума куни яна намозини ўқиш учун масжидга кирганида кўзларига ишонмади. Масжид одамга тўлган, ҳамма имомнинг келишини кутарди. Севинчи ичига сиғмаган имом Оламлар парвардигорига юзла-ниб қўлини дуога очди:

– Ё Роббим! Сенга шукрлар бўлсин! «Ҳаракат қилсанг, баракат бераман», дегандинг. Бердинг. Ё Роббим, сенга шукрлар бўлсин!

Ҳар тўғри иш бир хатони тўғрилайди.

ТЎҒРИ ЙЎЛДА ТЎҒРИ ЯШАГАНЛАР ҚОЛАДИ

Орадан ойлар ўтиб, Серпил яна ёзувчи хонимнинг уйига борди. Устози столнинг ҳар тарафига архивлардан тўпланган материалларни, лўлилар ҳақидаги китобларни уйиб қўйганди. Серпил унинг рўпарасида ўтириб олган, устознинг ишларини кўздан кечираркан, ёзувчи хоним сўради.

– Қалайсан, Серпил, тузукмисан?

– Аллоҳга шукрлар бўлсин, яхшиман.

– Нима ишлар қилиб юрибсан?

– Уйнинг ҳаракатида югуриб юрибман. Болаларни соғиндим, уларни олиб келаман. Арзон уй топдим. Аллоҳ рози бўлсин. Уй эгаси жуда марҳаматли одам экан. Ижара ҳақини жуда оз белгилади. Савдо-сотиқ қилиб, амаллаб ижара пулини чиқариб оламан.

– Яна нималар қилдинг?

– Ҳеч нарса... Майда-чуйда ишлар. Мелиҳ билан гаплашдик. Аҳволимга анча ачинди. Энди ўз-ўзимга сўз бердим: олдимдан чиққан одамга

«Лўлилар ҳақида қандай фикрдасиз?» деб савол бераман. Бир жойда «Мен лўлиман. Аммо мусулмонман», дедим. Улар қанчалик шошиб қолганини бир кўрсангиз эди.

– Кейин-чи?

– Битта томи кетган «ўлиқларингизни қаерда кўмасизлар?» деб савол берса бўладими? Ичимда «катта холангникида кўмамиз», дедим. Яна биттаси «нима учун лўлилардан пайғамбар чиқмаган?» деб сўради. «Инсон зотидан пайғамбарлар чиққани сиз учун ҳам, биз учун ҳам етарли», дедим. «Француз ёки инглизлардан чиққан бирор-та пайғамбарни кўрсата оласизми?» дедим. Финг деёлмай қолди. Менинг дунёларга алишмайди-ган битта пайғамбарим бор, шу менга етади. Тўғрими, устоз?

– Жуда тўғри гапирибсан. Қолаверса, лўлилардан пайғамбар чиқмаганини ким исботлаб бера олади? Аллоҳ ҳар бир қавмга пайғамбар юборганини марҳамат қилади.

– Устоз, бу гапингизни бошқалар эшитиб қолса, «лўлидан ҳам пайғамбар чиқарканми?» дея сизни муртад эълон қилишлари мумкин.

Ёзувчи хоним ҳужжатларни йиғиштиришда давом этди:

– Майли-да! Биз ишимизни қилайлик. Зотан, ҳар бир қилган ишимга, ҳар бир айтган гапимга қалбида фасоди бор кимсалар бир айб топишади. Буларга эътибор бермайман. Қаерда тўхта-гандик?

– Аввал лўлиларнинг кимлигию уларнинг ўзига хос томонларини аниқладим, дегандингиз. Шу мавзунини давом эттирсак.

– Қачон шунақа дегандим?

– «Лўлилар ўғри бўлиб туғилмайдилар» дедингиз. Нимага шундай бўлиб қолган? Нима учун улар ҳақида сўз кетса, биринчи бўлиб ўғирлик эсга тушади?

– Бу саволнинг жавоби анча узун. Аслида гап орасида айтиб кетгандим. Аввал бир чой ичсак. Кейин давом этсак. Йиллар ўтиб, «Лўлиларнинг аслида кимлигини лўли бўлмаган инсондан ўргандим», деб эслаб юрасан. Балки бу дунёдан ўтиб кетсам, бир калима Қуръон ўқиб ёд этарсан. Албатта, орамизга шайтон ёки нафс кирмаса...

– Аллоҳ асрасин, устоз. Умрингиз узоқ бўлсин. Сиз учун жонимни беришга тайёрман.

– Ҳа, ким қанча яшашини Аллоҳ билади. Бугун мен учун сен жонингни берсанг ҳам, барибир ўлимдан тамоман халос қилолмайсан.

Серпил стол устида турган бир қанча газета ва журналларнинг нусхаларига қаради. Кўзларини қисиб сарлавҳаларни ўқишга тушди.

«Усманийлар даврида лўлилар», «Лўлиларнинг олами», «Биз ҳам мусулмонмиз», «Бахтли лўлилар», «Лўлилар сайловда иштирок этишди», «Жодугар лўлилар»...

Серпил бу мақолаларни ўқиркан, боши ғувиллай бошлади.

– Бунча кўп булар? Ҳаммасини ўқиб чиқдингизми?

– Албатта, тадқиқот олиб боряпман. Бу изланишлар сабаб баъзи қўрқувлар ҳам туғилди. Ҳатто урушда ўлган лўлиларга шаҳид унвонни ҳам кўп кўришган. Бу кетишда келажақда ҳам бирор ёруғлик кўрмаяпман. Биз лўлиларни ерга урарканмиз, ғарблик баъзи найрангбозлар «Биз

сизнинг қўлингиздан тутамиз», деб уларни яна тузоққа туширишлари мумкин. Аммо мен яхши биламанки, бизнинг лўли биродарларимиз бу фитнага учишмайди. Улар Аллоҳ очган эшикдан киришни яхши биладилар. Айрим ноҳолис тўдалар Туркияда лўлиларни оёқлантириш учун баҳона излашади. Аммо лўлилар бунақа найрангларга осон алданиб қолишмайди. Улар орасида исломга астойдил берилганлар кўп. Энди лўлиларнинг бари ўғрилик, чўнтаккесарлик билан шуғулланмаслигига ишонишимиз керак. Агар уларга бўлган муносабат ўзгармас экан, биз ўз қўлимиз билан лўлиларни душман қучоғига ирғитган бўламиз. Матбуотда Европада лўлилар алоҳида гуруҳларга жалб қилинаётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлмоқда.

– Демак, шуларни айтмоқчи бўлган эдингми? Душман ҳар қадамимизни пойлаб, қилич сопини ўзимиздан чиқаришга уринади. Лўли ва бошқа биродарларимиз буни билсалар эди. Чиндан ҳам улар аслида катта куч. Уларга нисбатан босим ва ҳақорат эртага бизга қимматга тушиши мумкин. Лўлиларга, айти пайтда исломга нисбатан ҳақоратлар китобларимиздан чиқариб ташланиши керак.

Серпил ҳамон тик оёқда устозига қулоқ тутарди.

– Серпил, бошим айланыпти, тепамда тураверма, ўтир, саволингга жавоб берай.

– Нима қилай, устоз, ахир ҳаяжондан бир жойда туrolмаяпман. Мен болалигидан лўли эканлиги боис ўзини айбдор ҳис қилувчилардан бириман. Таҳқирланиш, ҳўрланишдан... Бошқаларнинг гуноҳи учун жавоб беришдан чарчаганман.

– Тўғри айтасан, сизларнинг бу дардингизни бутун дунё билиши керак. Ҳеч ким бу дунёда ўз хоҳиши билан келмайди, ҳеч кимни қайси қавмда туғилиши ҳам ўзига боғлиқ эмас. Шундай экан, бунинг учун бировни айбдор қилиш асло тўғри эмас. Ирқчилар бунақа густоҳликларини тугатишлари керак. Ҳеч кимнинг ирқи лўлилардан устунроқ эмас. Фақат иймонли, ҳалол, қалби тоза инсонлар киссавур ва ўғри лўлилардан устунроқ саналади. Ва ўз навбатида диёнатли лўлилар бошқа миллатларнинг диёнатсиз вакилларидан авлороқдир. Бу бошқаларга ҳам тааллуқли.

– Жуда тўғри, мен ҳам бир неча йилдан бери шулар ҳақида ўйлаб келаман. Шу масалада китоблар ёзаман. Лўлиларнинг асли юрти сен билганингдек Ҳиндистон. Империализм уларни ҳам ўз она юртларидан бош олиб чиқишга мажбур қилди. Худди яҳудийлар арабларни Фаластин тупроғидан қувиб чиқаришгани каби. Американи европаликлар забт этиб, у юртнинг асл эгалари бўлган қизил танлиларни ер-сувдан маҳрум қилишгани сингари. Австралиядаги аборигенлар ҳам инчунин. Лўлилар ҳам Ҳиндистондан қувилгач, уларга ҳеч ким қучоғини очмади. Ишга ҳам, мактабга ҳам олишмади. Табиийки, оч ва яланғоч қолишди. Кимдир чайқовчилик қилди, яна кимдир чегачилик ёки мардикорлик қилди. Яна кимлардир ўғриликка ҳам қўл урди. Орасида фаҳшга қўл урганлари ҳам бўлди.

Улар борган мамлакатларда пешона тери билан пул ишлаб топганларнинг эмас, айнан ўғримуттаҳамларнинг довуғи таралди. Шу сабабли уларнинг номи ёмонлик билан ёйилди. Ахир оч-

лик, муҳтожлик инсонларни не қўйларга содмайди? Лекин битта хушхабар ҳам бор. Бу сен учун ҳам кутилмаган янгилик бўлиши мумкин.

– Қандай хушхабар экан, – қизиқишини яширолмади Серпил.

– Буни ҳозир айтолмайман. Лекин шуни айтишим мумкинки, лўлиларга қилинган жабр-зулмлар билан танишарканман, инсон эканимдан уялиб кетдим. Уларга нисбатан ноҳақлик токайгача давом этади? Ҳеч бўлмаса, «Лўли» романимни ўқиганлар бу қавмга нисбатан ўз қарашларини ўзгартиришар? Иймонга келган қалб турли иллатлардан тузалади. Араблар исломиятдан аввал жоҳил, оми ва ёввойи бир қавм эдилар. Исом бу миллатни қанчалик юксакларга кўтарди? Сахобалар то сарвари олам билан ҳамсухбат бўлмасларидан аввал ким эдилар? Дину диёнатдан беҳабар сахройилар! Улар мусулмон бўлгач, қандай юксак шарафга эришдилар? Лўлилар ҳам агар тўлиқ исломни қабул қилишса ана шундай буюкликка эришардилар.

Озодлик уруши пайтида Қаҳрамонмарашни босиб олган француз қўмондони бу ғалабасини катта тантана билан нишонламоқчи бўлади. Қаҳрамонмарашда кўпчилик пир деб ихлос қиладиган лўли Халил Пошога бу ғалаба шарафига довул чалишни буюради. Халил Пошо ўлим таҳликасидан ҳам қўрқмай, «Мен ўз халқимнинг мағлубияти, шаҳидларимиз хуни эвазига келган душманларнинг ғалабаси учун довул чалмайман, Мараш халқига хиёнат қилмайман», деб жавоб қайтаради. Ана шундай мард инсонни бугун ҳатто Марашда ҳам яхши танишмайди.

Давлатни биз тикладик дегувчилар ўз қавмидан чиққан қаҳрамонларни кўкка кўтаришади, аммо бошқаларга мансуб қаҳрамонлар ҳақида лом-мим дейишмайди. Бундан қаттиқ афсусдман.

– Ҳа, қанча инсонлар таҳқирланди, қанчаси жаҳолат қурбонига айланди, ҳатто ақдан озганлар ҳам бор, – деди Серпил афсус билан.

– Ҳозир вазият ўзгарган. Аллоҳга шукрки, бу масала устида ишлаётганлар бор. Бу масалада Мустафо Нежати Ўзфатур шундай дейди: «Исломни маҳкам тутган лўлилар ҳар доим бўлган. Фақат бу ҳақда кам гапирилади. Масалан, Македонияда Усманийлар яратиб қолдирган обидаларга асосан лўлилар қўриқчилик қилишган ва ҳозирга қадар етиб келишида, умуман, бу мамлакатда исломнинг ёйилишида катта ҳисса қўшганлар.

Серпил бу гапларни ҳайрат ва қизиқиш билан тингларди:

– Тўғри айтдингиз, устоз, лўлиларнинг ёмонлари ҳақида етарлича ёзиб чизилган. Аммо яхшилари ҳақида ҳануз мум тишлаб келишади.

– Мен ҳам Аллоҳнинг изни ила ёзиладиган романда буларни, албатта, кўрсатиб ўтаман. Китоб чиққач, ўзим ишонган ижодкорларга бир нусхадан тарқатаман. Агар улар ўз ўқувчиларига бу ҳақда нимадир ёзишса, демак, бу ишда бизнинг ҳам катта ҳиссамиз қўшилган бўлади.

– Китобингизда лўлиларнинг ҳаёт тарзини ҳам очиб берасизми?

– Кундалик ҳаёт тарзи ҳақида гапириш қочмайди. Мен асосий масалаларга эътибор қаратмоқчиман.

Серпил бош ирғади:

– Устоз мен уларнинг кундалик маишатини назарда тутмадим. Бу масалаларни мен акам билан ҳам гаплашавераман. Сиз топган ҳужжатлар натижасида ўртага чиққан ҳақиқатни айтяпман.

– Ҳа, бу шундай бир ҳақиқатки, эшитган одам лол бўлиб қолади. Ҳаёти ҳам ўзгаради. Чунки бу ҳақиқатлар ҳозирга қадар изоҳланмаган ёки ошкор этилмаган. Истасанг, лўлилар ҳақида журналимизда чиққан бир интервьюни ўқийшинг мумкин. Ундан кейин сенга бир ажойиб сирни очаман. Эшитиб ҳайрон қоласан.

Серпил ёзувчи аёл узатган журналнинг ўрта саҳифаларида чоп этилган интервьюга кўз ташлади. Унда журналист Селим Чўрекли билан суҳбат борарди. Ушбу парча Серпилнинг эътиборини кўпроқ тортди:

«...Сиз кўплаб македониялик лўлилар билан мулоқотда бўлганингизни биламиз, уларнинг ушбу мамлакатдаги ҳаёти ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Бу ерда «лўли» калимаси ўрнига асосан «ром» ибораси қўлланилади. Бошқа жойлардагидек бу ерда ҳам лўлиларга нисбатан қарашлар сақланиб қолган. Шу боис, лўлилар кўпинча кимликларини яшириб юришади. Албатта, ислом туфайли улар ўзларини анча тиклаб олишган. Статистикага қарасак, уларнинг сони тобора камайиб бораётганини кўрамиз. 1991 йилда уларнинг умумий сони 52103 нафар бўлган, 1994 йилга келиб, 47408 кишига етган. Нега уларнинг сони камайиб кетяпти? Ҳолбуки туғилиш

уларда бошқаларга нисбатан кўпроқ. Бу асосан ўз насабларини сир тутиш туфайли. 1994 йилда ромларнинг кўпчилиги ўзларини турк деб аташган. Аслида 47 минг эмас, уларнинг сони 80 – 90 минг экани айтилади.

– *Македониядаги ромларга нисбатан исломий тушунчаларда янгича илгарिलाш борми? Ёки улар эски тушунчалар билан юришибдимиз?*

– Ромлар орасида исломий уйғонишни кўриш мумкин. Улар асосан турк тилида сўзлашадилар. Шунинг ҳам таъсири бор. Биз уларга зарур адабиётлар, видео ва аудио материаллар етказиб беряпмиз. Турли диний байрамларда уларни таклиф этамиз.

– *Македонияда ромларнинг алоҳида масжидлари борми?*

– Македонияда ромлар, асосан, Скопье, Штип, Радович, Струмица, Кочани сингари шаҳарларда яшашади. Ушбу шаҳарларда биттадан масжид ишлаб турибди, уларда бошқа мусулмонлар қатори лўлилар ҳам келиб, ибодат қиладилар».

Интервьюда мамлакатда яшаётган лўлиларнинг маданияти, яшаш тарзи, уларга халқаро ҳамжамият томонидан берилаётган эътибор, бошқа динларга эътиқод қиладиган лўлиларга муносабат, македониялик лўлилар орасидан чиққан таниқли инсонлар, жамоат, фан ва маданият арбоблари хусусида сўз борарди.

Ҳақиқатни айтиш учун
хатто ўлимга ҳам тик боқиш керак

ҲАР БИР ҚАВМНИНГ ЎЗ ҚАҲРАМОНИ БОР

Ёзувчи хоним репортажни ўқиб тугатган Серпилга қаради:

– Кўрдингми, ким исломга эга чиқса, ислом ҳам уни дастаклайди.

Серпил ўтмишдаги изтиробларни, хусусан, Само ва Меҳметнинг ҳаётини эслаб, кўнгли ғалати бўлиб кетди.

– Дунёнинг ҳар тарафида яхши ва ёмон инсонлар бор экан, ёмонлар ҳақида сўз кетганида фақат бизни кўрсатишган, устоз. Шу тариқа бизни бахтсиз қилишди. Ўз қаҳрамонларимизни ҳам билмаймиз.

– Мен ҳам шу сабабли узоқ муддат тадқиқотлар олиб бордим. Кечаю кундуз ишладим. Ҳақиқатни аниқлаштириш учун баъзида ўлимга тик боришга ҳам тўғри келади. Аммо сенинг кўз ёшларингда мен бошқа нарсани сезяпман.

– Э, устоз, дардимизни билмайсиз-да! Дунёда золим инсонлар кўп. Лайли ва Мажнун афсонасини ҳам ортда қолдирадиган икки ёшни билар-

дим. Меҳмет билан Само. Қиз лўлилардан эди. Йигитнинг ота-онаси қизни олиб беришмади. Йигитнинг ёш умри хазон бўлди. «Лўлилардан қиз олиб бўлмайди», дейишди.

– Афсуски, шунақа қарашлар ҳам ҳамон йўқолмаган. Яхудийга уйланиш мумкин-у, лўли қизни хотинликка олиш мумкин эмасмиш. Чунки лўлилар қаерга борсалар ўша ернинг динини қабул қилишармиш. Асосий далиллари шу. Яна бир гап бор. IX аср билан XXI асрдаги вазият бир-биридан фарқ қилади-ку? У пайтларда бечора лўлилар тинимсиз кўчиб юришган. Асрлар бўйи оч-яланғоч юрт кезишган. Баъзилари қўрққанларидан динларини яширишган. «Нима учун бу бечоралар ўз динларини яшириб юришади?» деб ҳеч ким сўрамаган. Ҳозир аҳвол бошқача-ку? Ҳеч ким ўз эътиқодини яширишга мажбур эмас. Ҳар ким ўзи истаган динга эътиқод қиляпти. Ҳа, нимани гапираётгандик?

– Меҳмет билан Само.

– Ҳа, бу бечораларга ноҳақ зулм қилишибди. Ҳозир уларнинг оила аъзолари пушаймон бўлганми?

– Ҳар ҳолда пушаймон бўлсалар керак. Даволашса керак. Қиз уни кутяпти. Бошқага тегмайман, деяпти.

– Бу замонда суйганига етолмай ақлдан озадиган ошиқларнинг борлигига ишониш ҳам қийин. Ёшлар биттасини севиб юрмайди-ку, ҳозир. Очиғи, қизга ҳам қойил қолдим. Бунақа вафодор қизлар кам. Иншаоллоҳ, бу ишларимизни битириб олсак, бу мавзуга ҳам ўтамыз, виждонсизларга айтар сўзларимизни айтамыз.

Серпил нимадандир безовта эди:

– Устоз, сенга бир сирни айтаман дегандингиз. Жуда қизиқяпман.

– Яхши, ҳозир айтаман. Мен тадқиқотларим натижасида катта бир сирни очдим, деб ўйлаяпман. Роса қизиқяпсан, билиб турибман. Биласанми, ер юзида ЛЎЛИ ДЕГАН МИЛЛАТ ҳам, ирқ ҳам йўқ.

Серпил ҳайратдан донг қотди:

– Нималар деяпсиз, устоз, ахир...

– Йўқ, тамом! Лўлилар бор, аммо бунақа миллат йўқ. Ҳар қандай миллатдан лўлилар чиқиши мумкин.

Серпил ҳамон ҳушини жамлолмасди:

– Қанақасига? Нима, мен лўли эмасманми?

– Йўқ, сен келиб чиқиши ҳиндларга бориб тақаладиган мусулмон қизисан. Бошқалар ҳам ҳинд. Биз лўли деб ўйлайдиганларнинг ҳаммаси ҳам лўли эмас. Фақат лўлилик қилиб юрганлар лўли, холос. Бир инсон лўли бўлиши учун ўғрилиқ, орсизлик, жанжалкашлиқ, фолбинлик, юзсизлик, тиланчилик, уятсизлик, пасткашлиқ сингари сифатларни ўзида жамлаши керак. Ана шу сифатлар кимда бўлса, у лўли бўлиши мумкин. Яъни лўлилик бу сифат, бирор қавм ё элат номи эмас. Бу ҳали танганинг бир томони, холос. Иккинчи томони ҳам бор. Баъзилар «Йўқ, биз лўли миллатига мансубмиз», деб туриб олишади. Майли, агар улар ўзларини бирор бир алоҳида қавм деб атасалар, бунинг зиёни йўқ. Уларни ҳам тушуниш, керак бўлса ҳурмат қилиш керак. Аммо менинг тадқиқотларим бундай миллат умуман йўқ эканини кўрсатмоқда.

– Сиз айтган сифатлар бирор туркларда бўлса-чи?

– Унда уларни туркларнинг лўлиси деб аташ керак бўлади. Зотан, тадқиқотлар давомида бунга ҳам амин бўлдим. Орсиз, юзсиз, ҳаёсиз ва жанжалкаш одамларнинг барини қайси ирқ ва миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, лўли деб аташ жоиз.

Серпил жойида туropolмасди:

– Ё Аллоҳ! Биз йиллар давомида емаган сомсага пул тўладикми? Сиздан бошқа одам буни тополмасди.

– Топди. Олимлар буни билишади. Аммо одамларга буни тушунтиришмайди. Одамлар тушунмайди, деб ўйлашади. Улар билишмайдики, оддий одамлар бу нарсани илмий жиҳатдан билишмаса-да, ҳис этишади. Менинг мақсадим ҳам олимлар аллақачон илмий жиҳатдан исботлаган нарсани халққа оддий, халқчил йўл билан тушунтиришдан иборат.

– Демак, биз лўли эмасмиз, тўғрими?

– Ҳа, лўли эмассиз. Эҳтимол, ота-боларингиз ўша давр урф-одатига кўра, лўлилик қилишгандир? Сиз бу ишни қилмагансиз. Бугун агар оч қоладиган бўлса, энг катта миллиардерлар ҳам лўлилик қилишга мажбур бўлади.

– Демак, буни биринчи бўлиб сиз исботладингиз?

– Айтдим-ку, илмий асарларда булар ҳаммаси бор. Аммо ҳеч ким бу ишга мендек жиддий киришмаган. Бу зулмга қарши қанчалик курашганимни мендан бошқаси билмайди. Насиб қилган экан. Мени бу масала анчадан бери қийнаб келарди.

Сенга бир нарсани айтай: мен кичкиналимда Адапазари Кайнаржага боргандик. Кай-

наржа бизнинг тақдиримиз эди. Ўша куни қишлоққа негадир кеч қайтдик. Кўпчилик эдик. Мен фақат онамни эслайман. Ярим кеча бўлса ҳамки, йўлда эдик. Қиш бўлгани учун тизза бўйи қор кечиб келардик. Бирдан бўрон бошланди. Биз йўлимиздан адашдик. Кимдир «Биз лўшларнинг қишлоғига келиб қолдик», деди.

Ҳаммамиз қўрқувга тушдик. Одамлар орасида турли ваҳимали суҳбатлар бошланди:

– Булар одамларни сўйиб ейишади, бирортасининг эшигини қоқмаймиз.

– Булар қароқчилик қилишади, бор-будимизни шилиб олишади.

Мен ҳам қўрқувдан дағ-дағ титрардим. Катталар орасида битта бола мен эдим.

Торгина кўчада анча юрдик. Қишлоққа кетаверсак, йўлда совқотиб ўлишимиз аниқ. Онамнинг гаплари ҳамон қулоғим остида қолган:

– Агар пешонамизга ўлим битилган бўлса, ба-рибир ўламиз. Бирорта уйнинг эшигини тақиллатиб кўрайлик. Нима бўлса булар? Уларнинг ичида ҳам бирорта одамшавандаси бордир?

Бу гап бошқаларга ҳам маъқул тушди. Бирорта уйдан жой беришса, тонггача шу ерда қолишга, аммо ухламай чиқишга қарор қилинди.

– Уларнинг ётоғида ётиб бўлмайди, – деди яна бир киши. Тўққиз киши битта ётоқда ётаркан. Жуда ифлос ишларни қилишаркан, – деди кимдир.

Ўша пайтларда «битта уйда тўққиз лўли» деган қўшиқ урф бўлганди. Ахир бечораларнинг ётишга бошқа уйи бўлмаса нима қилсин?

Ёзувчи хоним ҳикоясини тўхтатиб, бироз тин олди. Унинг ёнида турган бир дугонаси қистай бошлади.

– Хўш, хўш, кейин нима бўлди?

– Ниҳоят битта эшикни тақиллатдик. Ҳаммамиз кутиб турардик. Ишқилиб, қабул қилишармикин, деб. Бироздан сўнг эшикни қўлида газчироқ кўтарган кекса ёшли бир аёл очди. Биз унга аҳволини тушунтирдик.

– Ортимдан юринглар, – деди аёл ва бизни ичкарига бошлади.

Пастга олиб тушадиган зинапоядан тушиб борарканмиз, ичимизда қўрқув бор эди.

Икки қаватли ёғоч уй экан. Аёл аввал печкани ёкди.

– Роса совқотибсизлар-ку, болажонларим, – дерди у питирлаб. – Ҳозир сизларга овқат тайёрлаб бераман. Ичингизга иссиқ кирсин.

Ҳамма бир-бирига қарарди. Чунки ҳамма уялиб турарди. Аёлнинг уйи топ-тоза, ёғ тушса, ялагудек эди. У бизнинг ҳолимиздан йиғлагудек бўларди. Унинг битта қизи бор, эри йўқ экан.

Овқатни еб бўлгач, уйдан эски тўшакларни олиб чиқди. Тўшакларга бир нечта ямоқ тушган, аммо топ-тоза эди. Эрталабгача маза қилиб ухладик.

Эртасига эрталаб аёл яна бизга сидқидилдан хизмат қилди. Мен унинг ҳаракатларини ҳануз унутолмайман. Едик, ичдик, аёл бизни хушмуомала билан кузатиб қўйди.

– Йўлингиз тушса, албатта, кириб ўтинглар, – деди у хайрлашаркан.

Ҳаммамиз аёлни дуо қилиб борардик. Ҳамма айтган гапидан уяларди. Аммо шу пайт хотинлардан бири шундай деди:

– Нимасини бунча мақтайсизлар? Наридан борса битта аўли экан-да! Аўлилар барибир бизга эл

бўлмайди. Таги паст қавм. Берган овқатини ҳам ўқчиб-ўқчиб едим.

«Заҳарин е» дейдиган одам йўқ.

Бу гаплар тошдек юрагимга ботди. Бизни уйида меҳмон қилиб, ўлимдан асраб қолган ўша аёлга шунақа раҳмим келдики, кўз ёшларимни тия олмадим. Ҳали ҳам ўша аёлни дуо қиламан. Аллоҳ изни билан жаннатига тушсам, ўша аёлга рўпара қилишини сўрайман. Мен ҳатто унинг исмини ҳам билмайман, аммо Аллоҳим уни билди-ку?

Ўлиларга нисбатан ноҳақликни ўша воқеадан ҳис этишни бошладим. Кейин бу ҳолат давом кейин этаверди. Йигирма ёшимда исломни чуқур ўрганишни бошларканман, ўлилар масаласи ичимда бир жароҳат бўлиб азоб берарди. Шу боис, бу борадаги тадқиқотларим ҳам бежиз эмасди. Чунки исломда тасодифга ўрин йўқ. Кўп нарсаларга меҳнат билан эришилади, баъзилар эса Аллоҳ таолонинг лутфу марҳамати билан бўлади. Энди мени тушундингми?

– Ажойиб, устоз! Лекин баъзи нодонлар «ўлилар деган миллат бор» деб сизга қарши чиқсалар нима бўлади?

– Мен бутун дунёга жар солишим мумкин. Ўлилик бу миллат эмас, сифат, холос. Ким миллат сифатида қабул қилса, қилаверсин. Бу мени қизиқтирмайди. Аммо илмий жиҳатдан исботланган ҳақиқат бу. Мен ўлилик тушунчасининг ҳамма томонларини қамраб ололганим йўқ. Аммо мени қизиқтирган масалаларга жавоб топа олдим, деб ўйлайман.

– Биз келиб чиқиши ҳиндларга бориб тақаладиган мусулмонлармиз, орамизда ўлиликда

воз кечмаганлар ҳам бор. Аммо Аллоҳга шукрки, биз воз кечдик, десак, тўғри бўладими?

– Албатта, тўғри бўлади. Булар тарихий ҳақиқат. Мана сен ҳам худди ҳиндларга ўхшаб кетасан. Иқлими туфайли улар бироз қорароқ. Чунки иқлим инсоннинг ташқи кўринишига таъсир қилади.

– Тўғри, болалигимизда катталар билан ҳиндча кино кўргани борардик. Ёши катталар уларнинг тилини тушунишарди. Демак, илдизимиз уларга бориб тақаларкан-да? Демак, лўли билан оила қуриб бўлмайди, деган гаплар ҳам беҳуда экан-да? Буни аввал ҳам билардим, лекин энди ишонч ҳосил қилдим.

– Албатта, лўли билан никоҳланиб бўлмайди, деган гап исломга нисбатан туҳмат, асалим.

– Сиз қарашларимни тамоман остин-устин қилиб юбордингиз.

– Мен ҳам бу ҳақиқатни илк бор англаганимда, шу аҳволга тушганман. Вир неча кун ўзимга келолмай юрдим. Мана, оддий бир мисол: сен дунёнинг бошқа бир жойда туркни туркдан, арабни арабдан, инглизни инглиздан бошқа бир миллат номи билан чақирилганини эшитганмисиз? Фақат ўз юртларидан чиқарилган ҳиндларни турли жойларда турлича чақиришади. Улар қаерга боришса, сиғдиришмаган, иш беришмаган, кейин ўғирлик қилишган. Ҳатто бир луқма ҳаром емаганлари ҳам ўғри деб ном олган. Аммо энди бундан бу ёғига масала ўзгаради.

– Вазият қанақасига ўзгариши мумкин? Бунга мен қандай ҳисса қўшишим мумкин?

– Бизнинг бу ерда битта вазифамиз бор. Лўлилар орасида жуда кўп яхши одамлар бор. Улар

ни топиб, одамларга кўрсатишимиз керак. Румин бўладими, лўлими, уларнинг илдизи битта. Лекин улар ўзини ўзига ёққан исм билан аташга ҳақли. Ўз миллатини айтишга ҳам ҳеч ким мажбур эмас.

* * *

Серпил ўз эшитганларига ишонмагандек, эртаси куни ҳам келиб, яна саволарини қайтарарди.

– Устоз, сиз энди ҳеч кимни лўли деб атамай-сизми?

– Лўлилик қилмаганларга, албатта, лўлисан демайман. Аммо ҳамон лўлиликдан воз кечмаган, одамларни алдаб, ўғрилиқ қилиб, ҳаромдан ҳазар қилмай юрганларга имкон қадар тўғри йўлни кўрсатаман. Уларни таҳқирлайдигани ҳам аслида ўзларининг ёмон феълларидир. Агар уларнинг бир қисми ҳамон чодирларда яшаётган бўлса, чодирма-чодир кезиб, уларга асл ҳақиқатни ўргатамиз. Давлат уларнинг болаларини ўқитиши, касб-ҳунар ўргатиши керак. Ҳар бир лўли ўзининг кимлиги, нималарга ҳуқуқи борлигини билиши шарт. Уларга Аллоҳнинг амр ва тақиқларини ҳам чуқур тушунтириш лозим.

– Жуда тўғри айтяпсиз, устоз, фақат мен лўлиларнинг асли зоти ҳинд эканлигини далил-исботлари билан англашимиз лозим.

– Сенга айтдим-ку, ҳамма манбалар лўлиларнинг Ҳиндистондан келиб чиққани ҳақида ёзмокда. Европалик мутахассислар ҳам шу фикрга келишган. Бошқа яна қанақа ҳужжат керак сенга? Петер Альфред Энрьюс деган инглиз олими ўз изланишларидан сўнг шундай

хулосага келади: «илмий мулоҳазалар лўлиларнинг ҳиндларга бориб тақалишини тақозо қилади». Бундай мисолларни юзлаб келтиришимиз мумкин.

Серпиланинг ҳаяжони чегара билмасди. У ҳамон Меҳмет ва Само сингари ёшлар қандай ёниб-куйганини яхши биларди.

— Устоз, мен Измирга бориб, энг аввал шу севишганлар масаласини ҳал қилишим керак. Иншаоллоҳ, Меҳметнинг ота-онасига ким эканлигимизни тушунтираман. Яна нималар дея оласиз?

— Бу кўчманчи дўстларимизнинг энг ўзига хос жиҳатлари уларнинг ўзлигини сақлаб қолишидир. Масалан, уларнинг аксарияти моданинг орқасидан қувмайди. Табиатнинг асл ранглари бўлган қизил, мовий, оқ, сариқ кийимларни ёқтиришади. Модапарастлар эса ҳар фаслда ўз дидларини ўзгартиришга мажбур. Ҳар куни ҳар хил рангда кийинишни ёқтиришади.

Севинч тўла соатларнинг ортидан Серпил дугонасининг ёнига йўл олди. Худди ширин бир туш кўраётгандек эди. Бу ҳақиқатни ҳар бир одамга етказишни истарди.

* * *

Ўз изланишларидан кутилган натижаларни олган ёзувчи ҳақиқатлардан топилган бахт ила ўша оқшом қўлига тушган бир китобдан машҳур турк шоири Басри Доғаннинг бир шеърини ўқиб, уйқуга кетди.

БУ КЕЧА

Бир бўса қўндирди моҳтоб юзимга
Хаёл оламида кездим бу кеча
Бир онда бир томчи тушди юзимга
Инжа маъноларни сездим бу кеча.

Қоронғилик асру бўғар оламни,
Ёруғлик тутқун бўлгани камми?
Ниҳоят, қўлимга олдим қаламни,
Кўнгил инжулари тиздим бу кеча.

Руҳим ҳам кирланган минг битта доғда,
Сукут дарёсига чўкдим ҳар чоғда,
Кўзгу қаршисига ўтиб титроқда,
Боқиб, ўз-ўзимдан бездим бу кеча.

Ичимиз ёндирган гафлатдан кечдим,
Қўрқувни кўмдим у ўзимдан қочдим,
Борлигим боғлаган бандларни ечдим,
Оқибат кўз ёшдек сиздим бу кеча.

Саробга қоришган рўёдек, чиндек,
Умидни ўстирдим бир сиқим дондек.
Кетганлар ортига қайтадигандек,
Эзгинликни сиқиб, эздим бу кеча...

Энг ёмон кунлар ҳам бир кун
ўтиб кетишини англамаган одам
ўзига ўзи ўқ отгандир.

ЎЗИГА ДУШМАН ИНСОН

Яна ўша масалалар устида изланишлар давом этар, лўлининг миллат эмаслигини эшитганлар ҳайратда эдилар.

Ана шундай кунларнинг бирида телефон жиринглади. Қўнғироқ қилган одам ёзувчи хонимнинг яқин дўсти, адиба Айсел Зайнаб эди. У кечқурун дугонасининг уйига меҳмон бўлиб келишини айтди.

Чиндан ҳам у кечга яқин ёзувчи хонимнинг уйига кириб келди. Салом-аликдан кейин у дугонасига масаланинг моҳиятини тушунтириб берди. Айсел хоним уни қизиқиш билан тинглади.

– Сени табриклайман, дўстим, жуда фойдали бир ишни бошлабсан. Демак, лўли миллати йўқ экан. Ҳатто университетни битирган бўлсам ҳам, бу нарсани эшитмаган эканман. Изланишларинг давом этяптими?

– Албатта, фақат антропологик томонларини ҳам ўрганмоқчи эдим. Мутахассис излаяпман.

Ёзувчи хонимга бу масалада ёрдам беришини айтган Айсел хоним эртаси куни телефон қилиб, хушхабарни айтди:

– Аллоҳнинг ўзи ишингни осон қиладди. Биласанми, мен антрополог изларканман, айнан лўлилар бўйича диссертация ёзган бир олимни топдим. Бугун соат бешда у билан учрашишнинг мумкин.

– Аллоҳ рози бўлсин, бу киши ким эканлар?

– Исмоил Алтинўз деган олим. У ҳам қизиқиб қолди. Ўз диссертациясининг ҳам нусхасини бизга бераркан.

– Аллоҳга беадад шукр. Ўзи мушкуллимизни осон қиляпти.

Шу пайт Серпил хиёл хавотир билан гап қўшди:

– Бордию, ўша олим «лўлилар бу миллат-ку» деб юборса, шунча қувончларимиз беҳуда кетадими?

– Менинг ишларимга шунақа ишончсиз қарайсанми? – деди ёзувчи хоним бироз ранжиб. – Агар мен ўзимга бу қадар ишонмаганимда, мен бу гапни очиқ-ойдин айтмасдим.

Соат бешда айтилган жойга етиб боришди. Айсел хоним ҳам ҳаяжонда эди. Мусоҳиблардан кўзини узмасди.

– Аввало бизга вақт ажратганингиз учун катта раҳмат, – деди ёзувчи хоним. – Аллоҳ рози бўлсин. Сиз лўлилар ҳақида диссертация ёзиш асносида нималарга дуч келдингиз? Лўли деган миллат бор эканми?

Айсел хоним билан Серпил ҳатто нафас олишга ҳам қўрқиб, уларга қулоқ тутарди. Исмоилбей аниқ ва лўнда жавоб берди:

– Лўли деган миллат йўқ. Улар Ҳиндистондан қитъага тарқалгач, турлича номларни ола бошладди: лўли, жўти, қибтий, циган, қарочи, мазанг, мўлатони, чингана, баша, роман, румин, мазанг ва ҳоказо... Сизга диссертациямни бераман. Ўзингиз ўқиб оларсиз. Қайта айтаман: дунёда лўли деган миллат йўқ!

* * *

Орадан бир неча кун ўтиб, мавзуга алоқадор бошқа саволлар ҳам ўртага чиқди.

– Устоз, яна бирор қизиқарли нарсалар топдингизми?

– Топдим, жуда ҳам қизиқ нарсалар!

– Масалан?

– Масалан, «Лўлиларнинг бошқа Одам Атоси бор», дейишади. Бу ҳам лўлиларни ерга уриш, уларнинг қавми мутлақо бошқа эканини кўрсатишга уринишдир. Аллоҳ ўз каломи шарифида барча инсонлар бир ота ва бир онадан тарқалганини марҳамат қилади. Бунинг аксини айтиш ва унга ишониш Аллоҳнинг оятларини инкор қилиш, демакдир. Бу эса куфрга кетишдир.

Ўз миллати ҳурмат қилинишини
истаганлар бошқа элатларни ҳам
ҳурмат қилишлари лозим.
Эшит, эй дунё, бу сўзни
ҳазрати Муҳаммад (с.а.в) айтмоқда...

«ЎЗИГА РАВО КЎРМАГАН ИШНИ БИРОДАРИ- ГА РАВО КЎРГАН КИМСА БИЗДАН ЭМАС»

Серпилнинг эсига яна Меҳмет билан Само келди. Албатта, Измирга бориши, бу хушхабарни Меҳметнинг оиласига етказиб, бу мушкулни ҳал қилиш зарур эди. Сўраб билди. Меҳмет Самони кўриб йиғлагани яхшилик аломати эди. Мутахассислар унинг тузалишига умид билдиришди.

Катта умид билан Измир автобусига чиқди. Автобуснинг йўлга чиқишини сабрсизлик ила кута бошлади. Автобус силжиркан, Серпил ўз-ўзича шивирлади:

– Очилинг, эй йўллар, мен кетмоқдаман,
Измирга хушхабар опкетмоқдаман...

Серпил Самога ҳамма нарсани айтганди.

Само анчадан бери бу масалани ўрганмоқда эди, аммо қалбида шубҳалар бор эди. Энди ҳеч қандай гумонларга ўрин қолмаганди. Мусулмон бўлгандан кейин оила қуриш учун бирор бир тўсиқ қолмайди. Қувонч ила Меҳмет томон учди.

Меҳметнинг ота-онаси эндиликда Самони очиқ юз билан қарши олишар, уни ўтқазгани жой топа олишмасди. Само Меҳметга бир нарсани қайта-қайта айтарди:

– Меҳмет! Илтимос, ўзингга кел. Оила қуришимиз учун исломда бирор қаршилик йўқ. Илтимос, мени тушун, Меҳмет! Мен сени ўйлаб, турмуш қурмадим. Сен ўзингга қайт, турмуш қурайлик. Ота-онанг ҳам рози.

Меҳметдан сас-садо чиқмасди. Фақат Самонинг кўзларига маъноли-маъноли тикиларди.

Бир неча ойдан бери Меҳметнинг ота-онасига уни шифокорга олиб боришларини илтимос қилиб ёлворарди.

– Илтимос, майли, мени келин қилмасангиз ҳам розиман, лекин Меҳметни докторга олиб боринг. Сохтакор муллалар, фолбинларнинг гапларига ишониб, вақтни ўтказиб юборманг, шифокорга олиб боринг. Қуръони Карим сура-ларининг бири ҳам буюк ҳаким Луқмон номи билан аталади. Луқмон аслида табиб, шифокор дегани. Аллоҳ ва унинг Расулига муҳаббатингиз бўлса, Меҳметни олиб боринг шифокорга.

Меҳметнинг ўтай отасини йиллар ўтиб, кўрганди Само.

– Ҳа, неча йиллардан бери шу фирибгар муллалару фолбинларга алдандик. Аммо боламизни Истанбулга олиб бориш учун катта пул керак. Уйимизда ишлаб пул топадиган одамнинг ўзи йўқ. Қарз-ҳавола қилиб, эртага ўғлимни шифокорга олиб бораман. Мен муллаларга ишониб қолмаганимда, болам бу кўйга тушмасди. Жаҳолат ёмон экан, қизим. Ана шу жоҳиллик сабаб ўғлимиздан айрилишимизга оз қолди.

Само қўлидаги билагузукни чиқариб, Меҳметнинг онасига узатди:

– Мана буни олинг, Меҳмет тузалиб кетса, менга бошқасини олиб беради.

Она хижолатда қолганди. Бир муддат индамай турди, кейин хўнграганча, Самонинг қўлидаги билагузукни олди.

Отаси эртасига Меҳметни Бакиркўй руҳий касалликлар шифохонасига олиб борадиган бўлди.

– Агар уйдагилар рухсат берса, мен ҳам сизлар билан бораман, – деди Само.

Бироқ Самонинг оиласи бунга рухсат бермагани учун бормади. Само ундан тез-тез хабар олиб турди.

* * *

Орадан олти ой ўтди.

Само ярим кечаси телефон жиринглашидан уйғониб кетди.

– Лаббай.

– Само, жоним! Мен Меҳметман. Эртага сен учун сюрприз қилмоқчи эдим. Аммо эртагача кутишга сабрим чидамади. Бугун менга жавоб беришди. Ҳозиргина уйга кирдим. Ёлғизим, тузукмисан? Нажоткор фариштам!

Севинчдан Самонинг тили тутилиб қолди. Ҳар қанча уринса-да, гапиролмасди.

Меҳмет қайта савол берди:

– Само, мени эшитяпсанми?

Само кўз ёшларини тиёлмай, аранг жавоб берди:

– Эшитяпман, Меҳмет, хуш келибсан, тузукмисан?

– Ишон, тузукман. Онам сен қилган ишларни ҳаммасини айтиб берди. Ҳозир отдекман. Ҳамма нарсани эслайпман. Биз турмуш қурарканмиз. Энди ўлсам армоним йўқ. Эртага кечқурун уйингга бизникидан совчилар боришади.

* * *

Бир ой ўтиб, Меҳмет билан Само тўй-томоша билан оила қуришди. Иккови ҳам муроду мақсадига етди.

* * *

Серпилнинг ҳаёти ўзгариб кетганди. Орадан ўтган йиллар яна бир ҳақиқатни ўртага чиқарганди. Болали, бева аёлларга уйланган бўйдоқларнинг кўпчилиги ҳаяжонлари босилганидан сўнг, қилган ишларига пушаймон бўладилар. Болаларни онасидан узоқда сақлашни талаб қилишади, бошқа бировнинг боласини боқишдан ор қиладиганлар ҳам учраб туради.

Мелиҳ буларнинг қайсига кирарди, Серпил буни билмайди, аммо айнан болаалар сабабли ажрашишга мажбур бўлишди.

Серпил жўшқин туйғуларини унутдими? У ишонган тоғларга қор ёғдими? Номалум сабабларга кўра, Серпил ҳам тамоман ўзгарди. У гоҳида бошқаларнинг ҳам умидларини синдирарди.

Моддий томондан ҳам анча қийналиб қолганди. Шайтон ундан умидини узмаганди. Қийинчилик боис, шайтоннинг ҳам йўли очилди.

Серпилнинг бошқаларга очмаган дардлари бор эди. Энди ҳеч кимга ишончи ҳам, муҳаббати ҳам қолмаганди. Бир пайтлар қаттиқ ихлос қил-

ган ёзувчи аёлни ҳам ёқтирмай қолганди. Ҳатто ундан нафратланишини ҳам айтарди танишларига.

Опам деб билган бу ёзувчи ҳам унга ёрдам беролмади. Инсонлар ҳар қанча диндор бўлсалар-да, барибир Серпилнинг иймониға шубҳа билан қарардилар. «Бу аёл барибир ҳақиқий мусулмон бўлолмайди. Бунақалар алдамаса туролмайди», дейишарди.

Ёзувчи опаси билан танишганиға ўн йиллар бўлганди. Бу ўн йил ичида Серпил хурофотга тўла бир қанча китобларни ўқиди. Йўлдан озган инсонлар билан ош-қатиқ бўлди. Ҳар хил «олимлар»нинг фатвосига учиб, рўмолини ечди. Унга қўшиқ айтишни ҳам маслаҳат беришди.

Серпилнинг боши айланиб қолганди.

Телевидениеға берган бир интервьюсида оч қолгани учун альбом чиқаришға ҳам мажбур бўлганини айтганди. Унга ёрдам берадиганлар ҳам қолмаганди. Фақат ҳар-ҳар замон Саудия Арабистонидаги танишлари ёрдам бериб турарди.

Бир куни қувончли бир телефон хабари келди. Телефон қилган эркак Аллоҳнинг розилиғи учун унга уй олиб беришини, рўзғорини таъминлаб қўйишини айтди. Фақат бунинг эвазига Серпил унга иккинчи хотин бўлиб тегиши керак эди.

Серпил турган ерида қотиб қолди. Кейинчалик Аллоҳ ризоси учун унга ёрдам бермоқчи бўлган эркаклар ҳам кўпайиб қолди.

* * *

Бу орада Серпил рўмолини ҳам ташлади, сатри аврат ҳақидаги оятларни ҳам инкор қила

бошлади. Бу масалада кимдан маслаҳат сўраса, ҳамма ўз билганича жавоб берарди. Серпил бу маслаҳатларнинг энг ёмонларига амал қиларди. Унинг мияси энди фақат хатларни кўришга ўрганиб қолганди. Руҳий дунёси ҳам ост-уст бўлиб кетганди. Ҳаётидаги талотўплар унинг руҳий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатмай қолмасди. Шайтон унга мусулмонларнинг хатосини бўрттириб кўрсатарди. Билмасдики, мусулмонлардан йироқлашган одам кун келиб исломдан ҳам мосуво бўлади.

* * *

Ёзувчи хоним ҳам Серпилдаги ўзгаришлардан қаттиқ афсусланди. Серпил қандай қилиб, ҳадисларни инкор қилиши мумкин? Ёки уйдирма ҳадислар сабаб Серпил пайғамбарни инкор қилувчилар тузоғига тушиб қолганмиди? Ёзувчи хоним уни йўлдан қайтаришга чандон уринди.

У Серпилни тушунарди. Исломга кириб, кейин унга бепарволик қилганлар пайғамбар замонасида ҳам бўлган.

Ислом ва мазҳаблар тарихини пухта ўрганган ёзувчи инсон боласидан ҳар қандай пасткашликни кутиш мумкинлигига ишонарди. Серпил исломга нисбатан эътирозларига моддий қийинчиликларни сабаб қилиб кўрсатарди. Ёзувчи хоним яхши биларди: исломга кўра, пулсиз қолиш, қийинчиликларга рўпара келиш иймонга таъсир қилмаслиги керак эди. У Серпилга бир пайтлар ўзи ёзган бир шеърни жўнатаркан, «Мен ҳам кўп азоб тортдим, аммо, Аллоҳнинг изни билан йўлдан озмадим», деб мактуб ҳам юборди.

ЎЗИМНИНГ ЭРТАГИМ

Биласанми, менинг ҳам ўз ҳаётим бор,
Эртақ деб тонгга қадар тингласанг эди,
Балки шунчаки лаб бурарсан?

Сен эшитяпсан, сенда фақат дард бор,
Бир пайтлар юрагим тикансиз гул эди,
Ранглар руҳимга ором берарди,
Мовий, оқ ранглар мўл эди.

Гулзорларни сайр қилардим,
Хаёлларимда ҳам бахтиёр эдим.

Хаёл ўзимники эмасми?

Меники эмаскан...

Кўнглим боғидан барча гулларни юлиб олди-
лар

Хаёлларим ва бор ҳақиқатларимни,

Ва мен ўлдим.

Кейин кўнгилнинг нариги дунёсида тирил-
дим.

Умидларимни тўплаб,

ғайратим ортидан юрдим.

Ва мен ўзимга қайтдим.

Ёзувчи хоним Серпил учун фақат дуои хайр
қилар, қўлидан бошқа иш келмасди.

Само ўз хоҳиши билан диндор бўлиб қолишга
ҳаракат қилганлардан бири эди. Меҳмет яхши
эр эди. Ҳозир тўртта болалари бор, уларни Ярат-
ганнинг изни-инояти билан камолга етказарди-
лар.

Шубҳа йўқки, шайтоннинг макри давом этарди. Ҳар биримиз у билан курашамиз. Биз шайтонни енгимизми ё шайтон бизними -- билолмаймиз.

Аллоҳ Қуръондан аввал ҳам бандаларига бир қанча йўлланмаларни берди. Уларнинг бири тоза фитрат ва виждон, иккинчи туйғулар ва шуур, учинчиси ақл, туртинчиси фаросатдир. Қолганини инсон ўқиб, ўрганиб олади.

*Инсон гоҳо қайғу кечирар,
Охирида кимдир булутларга чиқар,
Кимдир ертўлада қолар номурад,
Қайғу баъзида зинапоядир
Ундан юқорига кўтарилиш мумкин.
Сен ҳам бир кун чиқар бўлсанг,
Менга қўлингни узатарсан...*

Қанча романларни, ёзилган қаҳрамонларнинг тақдирини кейинчалик ўзгартириш мумкин. Аммо ёзувчилар ва қаҳрамонлар мусулмонларнинг мезони бўлолмайди.

Асарлардаги қаҳрамонлар ёзувчининг ихтиёрига мос равишда ўз чизифидан чиқса-да, биз Аллоҳнинг чизгиларидан чиқолмаймиз, чиқмаслигимиз ҳам керак.

Тўғри, Серпил кейинчалик хато йўлга кирди. Аммо инсон тирик экан, унинг учун тақво ва тавба эшиги ёпилмайди.

Балки Серпил ҳам вақти келиб, яна ўз хатоларини англари, тавба қилиб, тўғри йўлга қайтар? Фақат у эмас, янглиш йўлдаги бошқа инсон-

ларга нисбатан ҳам ана шундай яхши гумонда бўлайлик!

Аллоҳ барчамизни ўз ҳифзи ҳимоясига олсин.

Унутманг! Оқибатимиз бахайр бўлсин!

Илоҳо омийн! Ўзинг «Лули» китобининг қаҳрамонлари, муаллифи ҳамда ўқувчиларини ҳеч қачон тўғри йўлдан адаштирма, жаннатда барчамизни ёруғ юз билан юзлашишимизни насиб қилгин!

Тамом

Мазкур китобни нашр этиш ҳуқуқи
нашриёт ва таржимон/муаллиф ўртасидаги
шартномага асосан тўлалигича
«Янги аср авлоди»га тегишли.
Муаллифлик ҳуқуқи бузилган тақдирда
ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси
Қонунчилиги доирасида
жавобгарликка тортилади.

Адабий-бадiiй нашр

АМИНА ШЕНИКУҒЛИ

АҒЛИ

Роман

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадiiй муҳаррир
Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Маъмуржон РАҲМОНОВ

Техник муҳаррир
Иброҳим ИНҚИЛОБОВ

Лицензия рақами: AI № 252. 02.10.2014 да берилган.

Босишга 05.01.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Босма табағи 14,5. Шартли босма табағи 24,36.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 215.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.

email: yangiasravlodi@mail.ru

«Демак, у бизни севмайди», дея ўйлади ва сўради:

– Ул зот нима учун мени ёмон кўрадилар? Мен пайғамбаримизни севаман-ку? Нега у киши мени ёмон кўрадилар?

Аёл билимдон қиёфада давом этди:

– Сен қибтийсан, болам! У киши эса – араб. Сени нега яхши кўрсинлар?

– Нима бўпти араб бўлсалар? Мен уларни ҳар қандай кўринишда – ҳатто қора танли бўлган тақдирда ҳам барибир севган бўлардим. – Кейин кўз ёшларини артиб, баланд овозда сўради: – Унда мен кимни Ҳазрати Муҳаммад, деб чақираман? Унинг ўрнига кимни севаман?

Аёл шошиб қолганди: «Бола тўғри айтяпти, аммо мен ҳам нотўғри гапирмадим-ку?»

...Серпил йиғидан букчайиб қолганди, охири хитоб қилди:

– Мен ул зотни ота-онамдан ҳам кўпроқ яхши кўрардим, нега у мени ёмон кўради, нега, нега?..

Аёл елка қисди.

